



© “Yoshlik” № 11 (240) 2010 y.

O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi, «Kamolot»
yoshlar ijtimoiy harakati muassisligidagi
yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali.

1982 yildan chiqa boshlagan.

Jamoatchilik kengashi raisi:
Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:
Feruzamuhammadjonova
Abulqosim MAMARASULOV
Ahmad OTABOYEV
Minhojiddin MIRZO
Shuhrat SIROJIDDINOV
Shunqor XUDOYBERDIYEV
Ahmad USMONOV

Bosh muharrir:
Sobir O‘nar

Bosh muharrir o‘rinbosari:
Luqmon BO‘RIXON

Mas‘ul kotib:
Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay‘ati:
Bobur ALIMOV
Iqbol MIRZO
Abduqayum YO‘LDOSHEV
Abdusaid KO‘CHIMOV
Sirojiddin SAYYID
Rustam MUSURMON
O‘rozboy ABDURAHMONOV

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA
Rassom: Dadaxon BAHODIROV

Ushbu son “Yoshlik” jurnali tahri-
riyatining kompyuter markazida sahi-
falandi.

Manzilimiz:
Toshkent. sh.
O‘zbekiston shohko‘chasi, 16-«a» uy.

E-mail: yoshlik-xatlar@rambler.ru
Tel/faks: +99837 227-0-227,
245-5-793, 245-0-552

MUNDARIJA

ADIB XONADONIDA

Anvar OBIDJON. Bolalikdan ayrilish qiyin. 2

NASR

Abdunabi HAMRO. Qirq yillik qasos. Hikoya. 8
Abduqayum YO‘LDOSH. To‘y. Qissa. 14
O‘ktam MIRZAYOR. Kuyov. Hikoya. 42

NAZM

Yo‘ldosh ESHBEK. Tog‘larga ketamiz, tog‘larga. 12
NURULLOH. Oy bilan yolg‘iz. 32
Orif HOJI. Bizdan nima qolar... 36

QUTLOV

Sirojiddin SAYYID. O‘lis ishq sog‘inchi yohud Vatan surati. 29

TADQIQOT

Dilfuza ESHQUVVATOVA. Rahmatulla shoirning ko‘ngil olami. 34

JAHON HIKOYACHILIGI

Anton CHEXOV. Ayollik baxti. Hikoya. 40

BIRINCHI UCHRASHUV

Lola NIYOZOVA. Kuz o‘ynoqlar yana poyimda. 28
Hulkar G‘OYIPOVA. Ko‘zlaringda o‘ychan xotira. 37
DILNUR. Yodingizda bo‘lganim baxtdir. 47

MUTOLAA

Nasiba ABDULLAYEVA. Estetik did tarbiyasi. 38


YELPUG‘ICH

Tursunali POLVON. San‘atkorlar hayotidan hangomalar. 48

Bosishga 22. 11. 2010 yilda ruxsat berildi.

Qog‘oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog‘i 6,0. In-
deks 822 ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot
va Axborot agentligi tomonidan 0253 raqami bilan ro‘yxatga
olingan. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda «Yoshlik» dan olindi»
deb izohlanishi shart. «Avto-Nashr» MChJ bosmaxonasida
chop etildi. Buyurtma № yo-5

Manzil: Toshkent shahri, 8-mart ko‘chasi, 57-uy.



Анвар ОБИДЖОН

Болаликдан айрилиш қийин

Болалигимни кўмсайвераман, кўмсайвераман...
Ичкиб-ичкиб соғинаман...

Ваҳоланки, у замонларда ҳаёт енгил бўлмаган. Уйлар полсиз, қишда печка топилса, кўмир топилмайди. Ўтин ёқсанг, бир ловуллаб иситади-ю, яна тафти сўнади. Сандалнинг аҳволи ҳам шу. Қор ёки ёмғир ёғса, томдан чакки ўтгани-ўтган, сув томчилаётган жойларга териб қўйилган турли идишлардан таралган “чак-чук”, “тиринг-тиринг”ларга кўринмас ажиналар ўйин тушаётгандек.

Иложи борича кундузи дарс тайёрлашга уринардим. Қоронғига қолсанг, керосин иси анқиб турадиган лампа-чироқ кўзларингни толиқтиргандан толиқтириб ташлайди. Эндигина пайдо бўлган электр чироқлари ойида уч-тўрт йилтиллаган бўлади, шундаям шамдан хира. Бу етмагандек, умумий қилиб солинган кўрпада қаторлашиб ётган опа-укаларинг: “Чироқни ўчир, ухла”, деб тихирлик қила бошлашади.

Иккинчи жаҳон уруши укубатларидан эндигина қутулган хонадонларнинг кўпчилиги анча қашшоқ эди. Маҳаллада ёппасига тупроқтом уйлар, кўпининг ҳатто айвони ҳам йўқ. Фалончи томига шифер ёпганмиш дейишса, одамлар атайлаб кўргани боришарди. Кўчалардан дам иккала ғилдираги девор бўйи келадиган кўқонарава, дам ўрислар “бричка” деб атайдиган тўрт ғилдиракли кўтакарава ўтиб қолади.

Кейинроқ қўш отли “ҳаптакач”лар кўпая борди. Бир сакраб, кенг юкшотининг четига осилиб олсанг, ана мазза, мана мазза. Колхозимиздаги иккита “полатўрка” юк машинасидан бири ёки хусусий мотоцикллар ҳафтада бир-икки бор кўзга чалиниб турарди, қий-чув кўтариб, ортидан чопқиллашга тушардик. Енгил машина учраб қолса-ку, байрам бўлиб кетарди. Лекин қандайдир “сирли катталар”ни олиб юрадиган бу машиналарга осилиш тугул, юғриб қувлашга ҳам ҳаддимиз сиғмасди.

Оиламиз ўзига тўққина эди. Аммо кўпчилик кўшниларикига кирганимда, дастурхонларида чой-нон, туршак-қоқилардан бўлак нарса йўқлигини кўриб, ғалати бўлиб кетардим. Бундай хонадонларда яшовчи ўртоқларимнинг бир унисини, бир бу-



нисини уйимизга тез-тез бошлаб кирардим, бирга овқатланардим, дастурхонга қанд ҳам қўйишларини талаб қилиб туриб олардим. Сен қандни ҳар куни ейсанми, дея ҳавас билан сўраб қўярди болалар. Хоҳласам, кунига ўн марта ейишим мумкин бўлса-да, негадир ёлгон гапириб, онда-сонда беришади холос, деб ғарибланар эдим. Оқ қандни-ку мендан аяшмас эди, бироқ гулдор қоғозчаларга ўралган попукли қандларни қутичада қулфлаб сақлашар, гоҳ қулфбузарлик қилишга мажбур бўлиб, бошимга бало орттирардим. Меҳмонлар келганда, олдиларига товоқчалардаги ширинликларни териб ташлашса, катта бўлиб меҳмонга борсам, наҳотки менинг олдимга ҳам попукли қандларни товоқчаси билан ишониб қўйиб қўйишса, деб ўйлардим. Биламан, егинг келиб турибди, олифталанмасдан лунжинга тикавермайсанми, деган хаёлда меҳмонга хитла-ниб боқардим

Қўшни маҳалладаги мачит биноси ўртасига ду-вол урилган тарзда иккита синф хонасига мослаш-тирилган бўлиб, биттасида бешинчи синфгача биз ўқиганмиз. Биринчи ўқитувчимиз Аҳмадали Обидий-ни “мулла ака” деб чақирардик. У зот бирортами-ни турткилаш у ёқда турсин, қаттиқ чақчайганини ҳам эслолмайман. Аччиғини келтирсак, ўзини қаттиқ ҳафа бўлгандек, астойдил аразлагандек ту-тиб, оқсоқланганича дераза ёнига борар, маъюс қиёфада жим туриб қолар, сочига оқ оралаган, ҳеч кимга озор беришни истамайдиган домламиз билан тезроқ ярашиб олишга тиришардик.

Бошланғичда ўқиётган чоғларимда Заҳраҳон деган синглим, Ҳомитжон деган укам қаттиқ шамол-лашдан бирин-кетин вафот этишган. Улар қайта-қайта тушимга кираверарди...

Чамаси, болалигимни ҳадеб қўмсайверишим-нинг асосий сабаби ҳам шу – ўша даврларга қайтсам-у, Заҳраҳон билан Ҳомитжон ёнимда ди-конглаб юришса, ҳамма ишни йиғштириб қўйиб, уларни ўйнатаверсам, ўйнатаверсам. Улар вафот этадиган пайт яқинлашгач, ҳаётим яна янгитдан бошланаверса.

Бобомиз Баҳром ота эшон бўлган эканлар. Уйи-да мактаб очиб, болаларга дарс бериб ҳам турар-кан. У киши оламдан ўтганларида, Обиджон дадам ўн ёшда, Шафоат аммам беш ёшда бўлишган экан.

Сарвинисо бувимизни эшон отанинг аёли си-фатида ҳурматлашиб, кўплар зиёратга келиб ту-ришар, отин ойилар тез-тез йиғилиб, китобхонлик қилишарди. Ҳали мактабга бормаган бола бир чет-да ёнбошлаб олиб, девона Машраб, Або Муслим,

бобо Равшан кабилар ҳақидаги ривоятларни бери-либ тинглардим.

Дадам эскича илмдан хабардор бўлсалар-да, диндорлар, айниқса таниқли диндорларнинг фарзандлари ҳам қаттиқ кузатув остида бўлган маҳалларда улғайгани учун замонга мос турмуш тарзини танлаган эдилар. Сиёсатга қизиққанларини билмайман. Эсимни таниганимдан то илк ўсмирлик давримгача пахта қабул қилиш пунктида товаршу-нос бўлиб ишлаган. У киши ўз ишининг ўта билим-дони эканлиги, бошқа жойлардаги касбдошлари маслаҳат олишга келиб туришлари тўғрисида кўп гапиришарди.

Онамиз Мунис ая ҳозир биркам тўқсондалар. Ёшлигида далага ялангоёқ қатнаб, колхознинг бит-та нони, бир коса ёвғоншўрваси эвазига саҳардан кечгача ишлаганини бот-бот эслаб туришади. Биз-нинг назаримизда аямиз ҳамон кийимимизни ювиб, олдимизга овқат қўйиб, бир тергаб, бир эркалатиб юргувчи ўша-ўша уй бекаси.

Бувимизга ука бўлмиш Усмон тоғамиз сал ду-вонахонлиги боис уйланмасдан, бизникида яшаб ўтдилар. Бирин-кетин кўтариб катта қилгани учун у кишини ҳаммамиз жуда-жуда яхши кўрардик. Тоғажонимиз вафот этганида ўсмир эдим, нимага йиғлаяпсиз, деб аямга дағдаға қилганим ёдимда.

Дадам 1969 йилда ҳарбийдан қайтишим билан оқ мени уйлантириб, уч ойдан сўнг оламдан ўтдилар. У



кишидан саккиз фарзанд қолган, уч опам, тўрт укам бор. Опаларим аллақачон дадамнинг ёшидан ўтиб кетишди. Шуни биламан, ишонгим келмайди.

* * *

Шеър ёзишга бошланғич синфлардаёқ ружу қўйганман. Дастлабки шеърларим ўша отин ойлардан эшитган Машраб ғазаллари радифларига тақлидан битганман. “Ғунча” журналининг мухлисига айланганимдан сўнг болаларга тинимсиз ёзишга тушдим. Шу журналда ишловчи Миразиз Аъзам домла мени қулоғимдан тортқилаб шоир қилган, йўқса, бу ҳавасдан ўшандаёқ кўнглим совиб, бошқа ёққа чалғиб кетишим ҳеч гап эмасди.

Ўсмирлигимда дадамнинг ишлари сал орқага кетиб, оиламизга етишмовчиликлар оралаб қолди. Аямиз яхшигина чевар эдилар, ёзда кител, қишда пахтали камзул тикиб сотиб, рўзғорнинг камини ёпиб юришди. Менда ҳам тирикчилик ташвиши эртароқ бошланди, олти-еттинчи синфларда маҳаллалар аҳолисига текин хизмат кўрсатувчи сайёр киночига шогирд тушдим, кейинроқ кечки мактабда ўқиб, пахта заводида трактор миндим. Мактабни битиргач, кўрғошин конида бурғиловчи, қишлоқ кутубхоначиси бўлдим, Самарқанд Молия техникумини тугатиб, аскарликка кетдим. Уч йиллик хизматдан қайтганимдан сўнг, тўнғич ўғил бўлганим учун, отасиз оиланинг бошлиғига айландим. Колхозда табелчи бўлиб иш бошладим.

Шундай хилма-хил ҳаёт, шунча ташвишнинг ичида юриб, шеър ёзишдан барибир кўнглим совимади. Дафтарларим кетма-кет тўлаверди. Туман газетасига мухбирликка ўтганимдан кейин ҳозирги Миллий университетнинг журналистика факультетига сиртдан ўқишга кирдим-у, ниҳоят ўзим кўпдан орзулаб юрган йўлнинг бошига чиқиб олдим. Болаларга аталган “Она Ер” номли биринчи китобим бахтимга энди “Ёш гвардия” нашриётида ишлаётган Миразиз Аъзам домланинг саховати билан 1974 йилда босилиб чиқди.

Туман газетасида олти йилча ишлаб, бирон-бир газета-журнал ёки нашриётга ўрнашиб олиш умидида бошкентга келдим, лоақал олдин мусахҳиқликка ҳам лойиқ кўришмагач, Тошкент ёғ-мой комбинатига боғбон бўлиб жойлашдим. Тошкентга қуруқ ҳою ҳавасга эргашиб эмас, пухта ҳозирлик билан келиш лозимлигини англаб, яна қишлоққа қайтдим. Фарғона радиосидан иш беришди. 1980 йилда “Ёш гвардия”да “Баҳромнинг ҳикоялари” деган иккинчи китобим босилгач, шу ерда бош муҳаррир бўлиб ишловчи устоз Эркин Воҳидов ҳузурига чақириб, китобингизни ўқиб хурсанд бўлдим, бизга ишга келмайсизми, деб қолдилар. Ёшим ўттиз тўртда эканлиги, бешта фарзандим борлигига қарамай, 1981 йилнинг ёзида нашриётга келиб иш бошладим. Насиб экан, кейинчалик “Ёш куч”, “Муштум” журналларида, Чўлпон номидаги нашриёт, Ўзтелерадиокомпания тармоғида ҳам ишладим.



Ҳозиргача ўттизга яқин китобим чоп этилди, бир неча пьесаларим сахналаштирилди, айрим асарларим асосида болалар учун кинолар яратилди...

Ҳаётимнинг бу ёқдаги қисми ҳақида кўп гаплар айтилган, ёзилган, чўзгилашнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман. Энг муҳими, юртимнинг эркини кўрдим, энг катта армондан халос бўлдим.

Бошимдан нималар кечган бўлмасин, барибир яхши яшадим. Нимаики кўрсатган бўлса, Яратгандан минг марта розиман. Имкон қадар сабрли бўлишга, бориға шукрона айтишга уриниб келдим. Тўғриси ҳам шу экан.

Ҳаёт давом этаяпти. Феълим эса, ўша-ўша – болалигимни кўмсаб-кўмсаб тураман. Бу менга ички куч ато этаверади.

ШОИР ҲАҚИДА

Анвар Обиджон 1947 йил 8 январда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги Полосон қишлоғида туғилган.

Қишлоғидаги 13-мактабда ўқиб юрган давларида “Ғунча” журналида дастлабки шеърлари эълон қилинган. Мактабни битиргач, Самарқанд Молия техникумида таҳсил олди, ҳарбий хизматда бўлди, колхозда ишлади, туман газетасига мухбир бўлиб ўтди, ҳозирги Миллий университетнинг журналистика факультетини сиртдан тугаллади.

Тошкентдаги фаолиятини “Ёш гвардия” (ҳозирги “Янги аср авлоди”) нашриётида ишлашдан бошлади. Сўнг “Ёш куч”, “Муштум” журналлари, Чўлпон номидаги нашриёт, республика телерадиокомпаниясида ишлади.

Шу пайтгача шоирнинг “Она Ер”, “Баҳромнинг ҳикоялари”, “Эй, ёруғ дунё”, “Оловжон ва унинг дўстлари”, “Масхарабоз бола”, “Кетмагил”, “Безгакшамол”, “Жуда қизиқ воқеа”, “Акане қарағай Гулмат”, “Ерликлар”, “Даҳшатли Мешполвон”, “Олтин юракли Автобола”, “Аламазон ва Гулмат”, “Булбулнинг чўпчаклари”, “Алишер ила Ҳусайн ёки уч доно ва ўғри”, “Ўқ ўтмас болакай”, “Танланган шеърлар”, “Ўғирланган паҳлавон” сингари ўттизга яқин китоби чоп этилди. Шунингдек, “Қўнғироқли ёлғончи”, “Ўғирланган паҳлавон”, “Қоринботир”, “Тўтикул”, “Наврўз ва Бойчечак”, “Аламазон ва унинг пиёдалари” каби пьесалари саҳналаштирилган. Асарлари асосида “Тилсимой” ва “Мешволпон” фильмлари суратга олинган.

Анвар Обиджон 1998 йилда Ўзбекистон халқ шоири унвонига сазовор бўлган.





Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

Даво деб бул юрт эркин!

БУРЧ

*Ёт одамга дўнмадим,
Шохдан шохга кўнмадим,
Пойлоқчиман шу юртга!*

КЕКСА ЖАНГЧИНИНГ ДАЛДАСИ

*Элбурутдан оҳ урма,
Ўқни сугур кўксингдан.
Ҳис этолсанг эл дардин,
Яранг чиқар эсингдан.*

*Талвасангни йиғиштир,
Жароҳатинг оғирмас.
Эм деб билсанг юрт эркин,
Қирқ яранг ҳам оғирмас.*

ҒОФИЛ

*На куйдим ўз ҳолимга,
На бировга холиман.
Худо менинг ёнимда,
Мен Худодан олиман.*

ТАН ОЛИШ

*Қуриётган жилгадир силлам,
Шаитим – забти пасайган сабо.
Йўқ, чаппарлаб сузиб ўтолмам,
Меникимас энди бу дарё.*

*Кўрдек сўнар эҳтиросларим,
Қалбим – сендан бўшаган сандиқ.
Йўқ, дилига етмас розларим,
Меникимас энди бу дўндиқ.*

“ҒАРИБ ВА ШОҲСАНАМ” ДОСТОНИГА ҚЎШИМЧА

*Мунгайиб деса Ғариб:
– Караминг йўқ,
Шоҳсанам...
Келтирди қиз гезариб:
– Мана, тузланган карам!*

ПУЛ ҲАҚИДА РИВОЯТ

*Кексанинг қўлида тўлади,
Ўсмирнинг қўлида сўлади,
Эркакнинг қўлида кулади,
Хотиннинг қўлида ўлади...*

КЕЧМИШ

*Муз эрир,
Лек кўнгил совуши
Тандаги абадий қаҳратон.
Сураддан янграр қиз товуши:
– Сўз – ёлгон!
– Ишқ – ёлгон!
– Сен – ёлгон!*

*Қиз яшар...
Ҳислари таланган,
Наздида еру кўк қароқчи.
Шўх қалбга мунг тогин
қалаган
Мен ўша
Қирқ йилги
Алдоқчи.*

УЧЧАНОҚЛАР

*Ёмғир тезлар ва тезлар,
Ажиб ёқимтой сўзлар
Оқиб турар тарновдан.*

* * *

*Ташиқарида учоқ кўп,
Қирволмасин бўлиб тўп,
Деразани ёп тезроқ.*

* * *

Ҳасад қилмас бўлакка,
Таянар пок тилакка,
Халқим кучли шу боис!

ХОНИМЧА

Бўлардик хонимдан ризо бизга
вақтин ажратсалар,
Айлардик арзи ҳол баён рухсат
бериб сўзлатсалар.

Тўлди сабрлар қосаси, кутмоққа
етмас ҳолимиз,
Қуллуқдамиз ошқора суҳбат
онларин тезлатсалар.

Топмас эътибор ноламиз,
ахтаргай боисин хаёл,
Қилган эсак билмай гуноҳ,
тан олардик эслатсалар.

Талтинса бир маҳал муштоқ,
безиллар бир маҳал кўнгил,
Аросатдан айлаб халос зора
бир иўл кўрсатсалар.

Магар мумкин эса юрмоқ муҳаббат
дардидан фориз,
Бўлардик шод шифо дарсин бизга
ҳам сал ўргатсалар.

Айб этмасму топса хабар
бу ҳолдан аҳли Туркистон,
Туркийзабон бир ошиқни
сарсон қилиб бўзлатсалар?

ҲАЁТ

Эртанги кунин тан ичида жон кўра билмас,
Чоҳ ичра гадо, тахтида султон кўра билмас.

Чайнаганин ютмоққа имкони етибдур,
Ҳазмига имконин имкон кўра билмас.

Сонияча қолса умр, элга бағишла,
Ётларга меҳр гаштини нодон кўра билмас.

Ётларни талаб қувнаса ким, имони – кўзгу,
Кўзгуга боқиб, аксини шодон кўра билмас.

Бойлик санамас соғлигу тинчин неча гофил,
Ичдаги зар қадрини ҳамён кўра билмас.

Довруғу шонингга сира ҳирс қўйма, шоир,
Яшнар неча кун шавқ ила – райҳон кўра билмас.


КУЁВЛИК ЛИБОСИДА

Сирдош эдик, ўйдош эдик,
ёт бўлдик иғво дастидан,
Энди сенинг ўйинг бошқа,
энди менинг ўйим бошқа.
Тинглардик ой эртақларин
тунлар бир сумбул остида,
Энди сенинг ўйинг бошқа,
энди менинг ўйим бошқа.

Нетар эди шан орзулар
турса мангу эъзоз бўлиб,
Бўз кўнглимни чечакларга
тўлдирган фасли ёз бўлиб,
Сигмай қолдик бир саҳнага,
куйлолмай зўр овоз бўлиб,
Энди сенинг куйинг бошқа,
энди менинг куйим бошқа.

Лолдир икки юлдуз нурин
эшилмасдан бечора ишқ,
Икки ўжар дарё сувин
қўшилмасдан бечора ишқ,
Саргардондир сену менсиз
яшилмасдан бечора ишқ,
Энди сенинг тўйинг бошқа,
энди менинг тўйим бошқа.

Ўйлар бошқа, уйлар бошқа,
куйинг бошқа, куйим бошқа,
Энди сенинг тўйинг бошқа,
энди менинг тўйим бошқа...





Абдунаби ҲАМРО

ҚИРҚ ЙИЛЛИК Қасос



Ҳикоя

Махсум қилдек бўйни устида ликиллаб турган мушт-деккина бошини тўхтовсиз силкий бошлади. Гўё шундай қилса, даҳшатли туш таъсиридан қутуладигандек эди. Аммо бу туш деганлари хира пашшадек нуқул айланар, ҳар сафар янги-янги тафсилотлар келиб қўшиларди.

Чол инқиллаганча тўртта тахтадан қўпол ясалиб, остига саккизта ғишт терилган қўлбола каравотдан турди. Мадори йўқдай... Тавба, куз оқшомидаям одам терлайдими, бунинг устига “буржуйка” ёқилмаган бўлса?!

У гандираклаганча ҳовлига чиқди. Эшик олдидаги сарғиш хазонларни титкилаб, емиш қидираётган бир жуфт қарға париллаб учди, Махсумнинг ўтақаси ёрилгудек бўлди: “Ҳе... Палакатлар, шумқадамлар!”

У гўлдиреганча ҳовли четидаги ҳожатхонада бўшашиб чиққач, нарироқдаги тош девор тагида, ердан бир қаричгина чиқиб турган сув қувури олдида бориб чўнқайди. Қўл-бетини чала-ярим ювиб, белидаги қасмоқ боғлаган рўмолини ечди. Бир ҳафтадан бери устара кўрмаган, ичкилик, уйқусизлик оқибатида ажинлар тўри қоплаган, ғижимлаб ташланган қоғоздек юзи қўлларига бегонадек туюлди. Оғир сўлиш олиб, беҳол ўрнидан турди. Музейнинг орқа тарафига ёпиштирилган, у ҳамиша “бизнинг ошхона”, деб улуғлайдиган каталақдек чумчуқхонага кираркан, оёғи остидан миёвлаганча четга сакраган мушқдан сесканиб тушди: “Тфу, қисталоқ! Нима бало, ашеттан бошқа жой қуриб қолганми, чумчуқ овласан! Бугун ўзи беҳосият кун экан...”

Чой қайнагунча, музейнинг асосий залини бир айланиб чиқди. Негадир, ўша ҳайкал турган нимқоронғи бурчак томонга оёғи тортмаётгандек эди. Аммо, ўзини ботирликка солиб, олдинга юрди.

“Бордию, жойида бўлмаса-чи! – деган фикр кечди хаёлидан. – Бе-е, қаёққа кетарди, турган бўлиши керак, ҳайкалнинг оёғи бўлса эканки, қочиб кетса... Тўғри, оёғи бор-у, лекин...” Ва шу он бўлиқ, тирсиллаб турган,



Расми Дадахон Баҳодиров чизган.

кўрган кишининг эҳтиросини жунбушга келтирадигандай оёқлар кўз олдига келди. “Им-м!.. Нималар деяпман, нималарни ўйлаяпман?! Ахир, у тош-ку, ҳайкал у, ҳай-кал!”

Олдинга юрди. Ана, улкан суратли панно орқасида турибди у. Ўрта бўйли одамнинг қадди-бастидай жуссаси нозиккина, ярим яланғоч аёл ҳайкали. Паришон сочлар силлиқ елкасига шалопадек қўйилиб тушган, бир неча тутами эса бўлиқ, таранг сийнасини бекитиб турибди. Бакуватроқ эркак маҳкам қисиб ушласа бир тутамгина бўладиган хипча бел нозли буралиб, бироз орқага ташланган нафис танани базўр ушлаб тургандек. Белдан пастдаги икки энлиқкина жойни чала ярим бекитиб турган ҳарир мато нуқрадай баданнинг бутун кўркини яширолмас, аксинча, тагин-да бўрттириброк кўрсатарди. Меъёрнинг, мутаносиблигу уйғунлиқнинг олий даражадаги намунаси бўлмиш силлиқ, жон ўртар сонлару куйма оёқларга ортиқ тикилиб туришга тоқати етишмаслигини англаган Махсум ортга бурилди. Бурилаётиб, ҳайкалнинг чехрасига беихтиёр кўз ташлаб ўтди. Бир ойча бурун ҳам ёш, бокира қизларнинг чехрасидай гардсиз юз бироз буришгандек, авваллари ибo, ҳаё тўлиқ бўлган нигоҳларда нафрат учқуни чақнаётгандек, уят ва андиша зўридан қисилиб-қимтиниб турадиган юмуқ лабларда бутун захарханда бир табассум ўйнаётгандек эди.

“Э-э қудратингдан! – чол орқага тисарилди. – Бу қандай тилсимот бўлди! Йўқ, бу ўша туш таъсири, ўша кўрқинчли тушнинг оқибати. Бўлмаса, жонсиз бир тош... Ия, чой қайнаб кетгандир!” Шу хаёл билан бурилган захоти ҳовлидан ҳирқироқ товуш эшитилди:

– Махсум ҳўв, анжан! Тирикмисан? Чойинг қурибдику, ошна!

– Боряпман, абзи, боряпман.

Махсум ошнаси Шомил татарнинг келганига бир хурсанд бўлди, бир энсаси қотди.

“Каллайи саҳарлаб пишириб қўйибдими музейда! Лекин, бир ҳисобда яхши бўлди, одам тафтини одам олади”. У ўйлари яқун топмай, эшик олдида буғи чиқиб турган чойнакни кўтарганча илжайиб турган ошнасига дуч келди.

– Кел, ошна, кел. Қалайсан?

Махсум Шомилнинг қўлидан чойнакни олиб, залнинг чеккароғидаги қийишқ стол устига қўйди, сўнг дастурхон тузай бошлади. Шомил татара оқсоқлини унга эргашди, йўл-йўлакай иримига, савлат учун кўтарадиган мис дастали ҳассасини қўлтигига қистириб, кирланганидан гуллари билинмай кетган гилам дўпписини ечди-да, кафти билан тепакал бошини силаб қўйди.

– Олтмишга кириб, сенга ўхшаган қоровул кўрганим йўқ, – деди у ҳиринглаб. – Уйқуни бик яхши кўрасан. Булай ётаверсанг, ҳукумат сени ишлашга ёратмай.

– Ўзбекча гапир-ей, баттоп! – деди Махсум ҳам кулимсираб. – Нуқул улай-булай қиласан!

– Ҳа, энди, она тилимиз-да, ошна... – Шомил чол курсига чикди, ҳассани деворга тираб, чўнтагидан бир ҳовуч қанд-курс, майиз чиқарди, “дастурхон” деган шарафли номга эришиб, стол устига ёзилган сарғиш газетага ташлади. Бу орада лаби учган чойнакка чой дамлаб, иккита пиёлани чайқаб келган Махсум унинг рўпарасига ўтириб, чойни қайтара бошлади. Шомил ошнасининг киртайган кўзларига қараб, унинг хаёли паришон эканлигини сезди.

– Ҳа, анжан, хомуш кўринасан? Ё юртингни соғиндингми?! – кулимсиради у.

– Менинг юртим шу ерда, ошна...

– Эби, икки гапнинг бирида “Анжан ундай, Анжан бундай” деб, юртингни мақтаб, барчани жондан тўйдирардинг-ку! Андижон ҳам ўзимизнинг Бухорога ўхшаган бир юртда, бўлмаса. Мана, масалан, Бошқирдистон – она ватаним, лекин, шу халқ менга бошпана берди, едириб-ичирди, одам қилди. Шу ерда умрим ўтди, ишладим, пенсияга чикдим. Э-э, нимасини айтасан, жўра, зўр жой бу!

– Биладан... – уф тортди Махсум, чой ҳўплаганча ўзини курси суянчиғига ташлади, – биладан... роса қирқ йил бўлди келганимга, бировдан ёмонлик кўрганим йўқ. Лекин, Андижон тушларимга киришим рост. Ўзим батта яшаяпман-у, хаёлим, юрагим ўшатта, ошна. Аммо, боролмайман...

Шомил чол гап кавлаб ўтирмади. Ҳозир “Нега боролмайсан, ким тўсқинлик қилади?” деб суриштиргани бефойда. Анжан ўзи шунақа, баъзан қулфи дили очилиб, сўрамасанг-да юртини, одамларини мақтаб, таърифлаб кетади. Айрим пайтларда эса, худди Қорамулла жодулаб, тилига тушов солгандек, ҳафталаб миқ этмайди. Зотан, Шомилнинг ўзиям кўп гапирган одамни жини суймайди, унинг касби гап билан эмас, рақамлар билан боғлиқ. Умр бўйи ҳисобчилик қилди, чўт қоқди, сонларни сонларга уриштирди. Турли идораларда, турли раҳбарлар билан ишлади, катталар маъруза қилаверишди, у эса кўзойнагини бурни устига қўндириб олиб, ишини қилаверди. Дарвоқе, иккала енги устидан, тирсагига етадиган жилд кийиб юриш одати ўша йиллардан қолган. Стол енгарини яғир қилиб ташларди. Ҳозир калькулятор, компьютер деган гаплар чиққан, ишлаш осон. Бир пайтлар, ўх-ўх, барча иш калла билан, қўл билан битарди.

– Э-э, дунёсига урай! – Махсум эгилиб, тумбали стол остидан оғзи очик шиша чиқарди. – Бугун дущанба, оғир кун. Музейгаям ҳеч ким келмайди. Ошна, “элликта”дан урайлик, ғашлигим тарқамаяпти.

– И-и, анжан, мана бу бошқа гап, жўра! – Шомил жонланди. – Билганимда, закуска олиб келардим. Ё бориб келайми, а?

– Ўтир, – қўли билан имо қилди, Махсум, – шу етади. Нон бор, қанд, майиз бор. Ўзи яримта вино бўлса. Тўғри, кеча бир пиёла уриб ётувдим.

У икки пиёлага култилллатиб қўйди, ачимсиқ ҳид таралди. Шомил бурнини жийирди.

– Ҳа-а, ёқмадимми? – киноя қилди Махсум чол.

– Йўғ-ей, нормально. Кафан текин бўлса ўл, деган машойихлар. Қани, олдик.

Иккинчи пиёладан сўнг Махсумни хаёл опқочди. Доим шу: икки ошна бир жуфтдан олишади, сўнг Махсум анжан хаёл қушига эргашиб, юртига бориб келади. Шомил татар папиросини бурқситиб тортганча ё музейни айланади, ёки бўлмаса ошнасининг ўзига келишини кутиб ўтираверади.

“Нега ўшанда шундай қилдим?! – Махсум алам билан лаб тишлади. – Рухсора ҳозир тирикмикан? Э-э, тирик бўлса юргандир бола-чақа, невараларини атрофига йиғиб, тўхта, бордию эрга теголмаган бўлса, иснодга чидай олмай ўзини... Йўқ, Худо асрасин! Нимага унинг оҳ-зорларига, илтижоларига қулоқ солмадим?! Шунчалик ваҳший, бағритошмидим?! Ўша тун...”

...Ўша тун ойсиз эди, зулмат эди, зил эди. Эргаш тегирмончи ҳадеганда келавермади. Махсум ҳам тортилган унни эшакка ортиб кетолмади.

– Бораверинг, ҳозир дадам кепқоладилар, унғача кўрқмайман, – деди ўн олти яшар қиз ўзига ғалати қараб кўяётган йигитдан ҳадиксираб.

– Йўқ, сени ёлғиз қолдириб кетмайман! – йигит тегирмонда қолишга баҳона топилганидан севиниб, ерга тўкилган унларни куракча билан тўплаётган қизга ҳирс билан тикилди. Керосин лампанинг хира ёруғида қиз унға жаннатдаги ҳурлардай сулув кўринди. Боши айланди, қони гупириб, жисмини бир олов куйдира бошлади. Эгилганча куйманаётган қизни шартта бағрига тортиб, эзғилай бошлади, сўнг даст кўтариб тахлаб кўйилган бўш қоплар уюми устига босди.

– Вой мен ўлай! Вой, тегманг!.. Онажон!.. Махсум ака, дадам кепқоладила ҳозир! Вой!..

Қиз жон-жаҳди билан қаршилиқ кўрсатар, аммо бўз йигитнинг ёввойи кучи олдида ожиз эди.

Ҳамма иш битгач, нима қилиб кўйганини англаган йигит йиртиқ кийимларини эпақага келтиролмай каловланаётган, йиғидан қовоқлари шишган, томоғи остида йигитнинг тиш излари билиниб қолган, беҳол инграётган қизга аста яқинлашди:

– Рухсора...

– Кет!.. Ифлос!.. Илоё жувонмарг бўл! Илоё косанг оқармасин! Сени ўлдираман, барибир ўлдираман! Йўқол! Оҳ-ҳ, онажон... Отам сўйиб ташлайди мени...

– Мен сенга... уйла... – йигит гапи оғзида қолди.

Қиз унға шундай ғазаб ва нафрат билан қарадики, унинг ичида бир томир ширт этиб узилгандек бўлди.

– Ҳароми! Илоё кўр бўл, шол бўл! Кет!

Эргаш тегирмончи Мадамин қассобнинг тўйида ширакайф бўлиб, тунда тугирмонга етиб келганида, у ерда ҳеч ким йўқ эди. Махсумнинг ранг-рўйи бир ахволда келганини кўрган отаси Назар омборчи ўн дақиқа ичида дўқ-пўписа билан ундан ҳамма гапни билиб олди.

– Кет, бу юртдан, – деди у ўғлини тепкилаб чарчагандан сўнг. – Мана, бор пулим шу. Ол-да, кўзимдан йўқол! Агар тегирмончи сени ўлдирмаган тақдирдаям ўзим ўлдираман. Номусимни ер билан битта қилдинг! Эл орасида юзим шувит бўлди. Бу юртдан чиқиб кет, то мен ўлгунча қайтиб келма!

Махсум ғинг демади, отаси берган пулни олиб, индамай чиқиб кетди. На онаси билан, на ака-укалари билан хайрлашди. Тонгга яқин йўловчи машина учради, ўша билан Андижонгача келди, сўнг бозорда ишини битириб, уйига қайтаётган бухоролик терифурушларга кўшилиб, бу ёққа жўнади. Шу-шу бўлдию, тақдир уни шу заминга боғлади. У ер-бу ерда ишлади, ризқини терди, нафақага чиққач, мана, шаҳар музейига қоровуллик қиляпти. Икки бора уйланди, икковидан ҳам фарзанд кўрмай ажралишди.

“Айб сизда, – дейишди дўхтирлар, – аёлингизда гап йўқ”.

Начора, тақдир экан, кўникди. Сўнги йилларда мана шу ошнаси, Шомил татар унинг ёлғизлигини билдирмайди. Махсумнинг ўртачароқ ҳовлисини тузуккина пулга сотиб олди, “Барибир ўша музейингда қишлайсан-ку, ҳовли нимангга керак?” деди у кулиб. Қўшничилик, Махсум йўқ деёлмади. Ростини, унға ҳовлининг кераги ҳам йўқ эди, у охириги пайтларда сўнги куни яқин қолганини ҳис этаётгандек эди. Рухсора тушларига киради, уни қарғайди, зорланиб йиғлайди, нафрат билан тикилади. Чол қора терга тушиб уйғонади, анчагача мижжа қоқмай ётади. Сўнги ойлардаги овунчоғи – ҳайкал. Дарвоқе, ҳайкал... Бир ойча бурун уни аллақердан опкели-

шиб, музейга кўйиб кетишди. Тагидаги тахтага “Ёлғиз аёл” ҳайкали, андижонлик уста Жалолоддин Раҳмонов ясаган” деб ёзиб кўйилган. Махсумни ҳайратга солган нарса ҳайкалнинг гўзаллиги, яримянганчилигино расо қомати эмасди. Рост, бу нарсалар ҳам кўпдан аёлга кўл тегизмаган, туғма эҳтироси баланд Махсумни анча безовта қиларди, лекин, унинг чехраси... Махсум барча муқаддас авлиёларни ўртага кўйиб қасам ичиши мумкин: Бу – Рухсоранинг ҳайкали! Ўша сулув чехра, ўша бетакрор бадан... У сесканиб кетди, умрида илк бор қиз баданини кўрган, ундан лаззат олган ва умр-бод бу илоҳий туйғуни унутолмаган Махсумнинг юраги ҳапқириб кетди.

– Томоғингни тирмалабсанми, анжан?

У Шомилнинг ҳирқироқ товушидан ўзига келди.

– Қани? Нима?..

– Ана, қизариб, кўкариб турибди-ку! – деди татар ияги билан жўрасининг томоғига имо қилиб.

– И-и? – Махсум жонҳолатда тиканак соқол босган ингагини, сўнг томоғи остини пайпаслади. Қўли ҳеч нарсани сезмади шекилли, стол остидан юзини доғ босган синиқ ойнаси парчасини олди, томоғига синчиклаб разм солди. Рост, кўкаргандек излар пайдо бўлибди. Унинг юраги орқасига тортиб кетди: бу бармоқ излари эди! Ўткир тирноқли, ингичка, аммо кучли бўлган аёл бармоқларининг излари!

– Ким билади дейсан, уйқуда тимдалагандирманда... – ғўлдиради у. – Кел, кўй шу гапларни. Қани олдик.

Бу сафар пиёлани тўлдириб олишди. Шомил газагига тагин папирос тутатди, Махсум анжан “ух-у” деб кўйди, холос. Сўнг орага ҳамишаги жимлик чўқди. Махсум жўрасига сездирмай, ияги остини сийпалаб кўйди. Наҳотки, ўша воқеа, кеча тундаги иш туш эмас, ҳақиқат бўлса? Йўқ, ақлга сиғмайди бу гап! Ахир, у ҳайкал-ку, бор-йўғи оддийгина бир тош! Жонсиз ҳайкал келиб, уйқудаги одамни бўғиши мумкинми? Йўқ, бу гапга одам зоти ишонмайди. Лекин шу иш содир бўлгани рост-ку! Ярим тунда Махсумнинг устига миниб олиб уни бўғишга, ўлдиришга уринган аёл ким эди унда? Ё биронтаси тунда музейга кириб... Йўқ, эшикни ичкаридан бекитгани эсида, чунки, сўнги йилларда ёлғизликдан қийналган чол ўзи билан ўзи гаплашадиган одат чиқарган, айниқса, бир ишни қилса, “фалон ишни бундай қилдим” деб айтиб кўярди овоз чиқариб. Кимдандир эшитгани бор: агар овоз чиқариб айтса, ўша ишни қилган-қилмаганлиги эсидан чиқсаям, гапиргани ёдида қолар экан. Кеча ётиш олдидан ҳам эшикни ичкаридан беркитаркан, “Эшикни бекитдим” дегани эсида. Демак, бегона кирмаган. Унда ким эди ўша аёл, уни ўлдиришга чоғланган, бўғиб кўйишига сал қолган мавжудот ким эди, ахир?!

Аслида унинг ўзида ҳам айб бор. Бўлмаса, ҳеч замонда ҳайкалга ҳам ишқибозлик қиладими одам?! Аммо, Махсум чидай олмади, кўп йиллардан бери нозик танга тегмаган бармоқлари, ёлғизлик қийнаган тунларининг бирида, сулув ҳайкалнинг совуқ, аммо бетимсол баданини илк бор сийпалади. Ва ўша ондан бошлаб Махсумнинг онги ҳам, жисми ҳам ҳайкалга боғланди-қолди. У кундузлари имиллаётгани учун куёшни ланатлар, тезроқ тун киришини кутарди. Эл ётар пайт эса, музей эшигини ичидан бекитиб, тош баданли гўзал сари ошиқарди. Нимқоронғиликда уни эҳтирос билан кучиб ўпар, лаблари беихтиёр “Рухсора, Рухсора!” дея пичирларди. Хаёлида ўша тун, тегирмондаги ширин, аммо ҳижолатли дақиқалар қайта тирилар, навнихол қизнинг

ипакдай бадани жисмини куйдирар, шу лахзаларда хайкал, жонсиз хайкал ҳам гүё унинг эркалаларига жавоб қайтараётгандек эди.

Кундузлари у ўзининг тунги эҳтиросларини гоҳ эслар, баъзан эсламасди ҳам. Сал хушёр пайтлари хаёлидан “Нима бало, ақлдан озаяпман шекилли...” деган фикр ўтар, сўнг унга кўл силтаб, ичкилик хиралаштирган шуури тагин хайкал висолини кўмсаб қоларди. Сўнги уч-тўрт кун Махсум учун азоб бўлди. У хайкални ҳарчанд ўпиб-кучиб, эркалагани билан, тошюрак сулуving унга муносабати ёмонлашиб борарди.

Икки кеча изма-из у тушига кириб, Махсумни кўрқитди. Биринчисида хайкал ўзининг чап кўлини синдириб, ўнг кўлига олди ва у билан Махсумни нақ ярим соат савалади. Иккинчисида эса... Боягинагача чол буни ҳам туш деб ўйлаётган эди. Демак, туш эмас экан. Демак, хайкалнинг уни бўғиб ўлдиришга урингани рост, ўнгида бўлган экан! “Ундан кечирим сўрашим керак! – деган фикр гүё нажот фариштасидай бўлиб қолди. – Ҳа, кечирим сўрайман! Шу бугун тундаёқ! Кейин унга минбаъд тегинмайман...”

– Йиғлаясанми, анжан? – бу сафар ҳам уни жўрасининг овози ўзига келтирди. У яноқларини сийпалади: рост, йиғлабди, юзлари хўл...

– Бу ёққа юр! – у қатъий бир қарорга келгандек, шаҳд билан ўрнидан турди, хиёл гандираклаб, йўл бошлади. Шомил чол унга эргашди, зал бурчагидаги аёл хайкали олдида туриб қолган ошнасининг букчайган гавдасига ачинганнамо қаради.

– Мана, кўряпсанми буни?! – Махсум титроқ товушда пичирлади.

– Кўряпман. Хайкал бу. Хотин киши. Чиройли-а, – татар чол тишсиз оғзини очиб ҳиринглади, тамаки сарғайтирган мўйловлари ликиллади.

– Ана шу қилди! – Махсум бўйнидаги изга ишора қилди. – Шу бўғди мени! Кечаси, ухлаб ётганимда!

Шомил татар ошнасига худди жиннига тикилгандек тикилди. Сўнг хайкалга қаради. “Тавба, одамни ақлдан озиши осон экан-да... Махсум эсини еб кўйибди! Хайкал-ку бу!”

– Сен ошна... соғмисан ўзи! Нимага энди у сени...

– Э-э, ҳазиллашувдим бир-икки марта! – Махсум кўзини олиб қочди.

– Ҳазил? Қанақасига, нима дединг? – Шомил чол ҳеч балони тушунмай, анграйди.

– Шу... бир-икки ўпиб... сўнг кучоқлаб... Ёлғизлик ёмон-да, ошна... Бунинг устига, кайф бор эди...

– И-и?... Қизиқ!.. Мабодо, касал-пасал эмасмисан?

– Билардим ишонмаслигингни... – Махсум уф тортди, сўнг судралганча ортига қайтди. – Юр, қолганиниям олиб кўяйлик.

Шомил татар хайкалга яна бир бор синчиклаб тикилди: “Хайкалдақа хайкал, йигирма-йигирма беш яшар гўзал аёл...”

Дўстига эргашиб бораркан, хайкал тўғрисида нега қиз эмас, айнан аёл деб ўйлаганига эътибор ҳам бермади.

Шишани бўшатишгач, Шомил чол тагин ярим соатча ўтирди. У ёқ-бу ёқдан валақлашиб, вақтни ўтказишди. Сўнг у кўзғалди.

– Кечқурун бизниқига бориб ётақол, – деди у ошнасининг сўлгин юзига қараб, – уйда гурунглашиб ётамиз. Яримтани майда-лаб!..

– Йўқ, бу ерни қаровсиз ташлаб кетолмайман.

– Ўзинг биласан. Майли, эртага келаман. Дарвоқе, яримта билан “закуска”ниям опкеламан. Қартани топиб кўй, сени би-и-ир эзай!

– Кўрамиз, ким кимни эзаркан... – Махсум, маҳзун жилмайиб, уни эшиккача кузатди.

Куннинг ўтиши қийин бўлди. Аксига олиб, музейнинг яккаю ягона ходими бўлмиш Умрзоқ бугун келмади, нафақага чиқса-да, ҳамон қимирлаб юрган бу букри чолни Махсум унчалик ёқтирмайди.

“Илмий иш ёзармиш! Ҳе ўргилдим олимлигиндан!..” дея сўкинади у Умрзоқ музейда кечгача қолиб кетган кунлари. Тўғри-да, кун ботмасдан уйгинасига бориб, хузур қил-и-б ётса ўладими, бу ерда Махсум тезроқ тун киришини зориқиб кутаётган бўлса...

Нихоят, қош қорайди. Бир қошиқ оби ёвғонни эринибгина қайнатган Махсум апил-тапил овқатланиб, эшикнинг илгагини туширди. Сўнг ҳаяжон зўридан қалтираганча хайкал томон юрди. Борлиқ жим-жит, ондасонда қор чақираётган қарғалар қағиллаб кўяди. Улкан деразадан қараган Махсум сўнги барглари тўкаётган дарахтлар куз шамолида тиш қайраётганларини кўрди. Енгил шабада ҳазонларни эринибгина сурғалайди. Чол дунёга кўл силтаб, зал бурчагига ошиқди.

Ана, турибди! Эшик олдидаги чиройнинг хира нури бу ерга зўрға етиб келганидан хайкалнинг чехраси нимқоронғилиқда тагин-да сирлироқ кўринади. Махсум каловлаганча бориб, хайкалга ёпишди. Уни ютоқиб ўпар, совуқ сийналарини, сонларини сийпалар, жисми-жонини қийноққа солаётган титроқ зўрайиб борарди...

Махсум шалпайиб, совуқ полга чўзилиб қолди. Мияси бўм-бўш эди. Анчадан сўнг судралганча ўрнига йўл олди. Кетаётиб, хайкалга сўнги бор қаради: аёл унга сўнгсиз бир нафрат билан тикилиб турарди.

– Ўқрайма, Рухсора, ўқрайма... Нима қилай энди, шу экан-да... – дея гўлдиради паст овозда. Қўлбола каравотга беҳол чўзиларкан, эрталаб хайкалдан кечирим сўрашни дилига туккани ҳам, бу тунда содир бўлиши мумкин бўлган даҳшатлар ҳам хаёлидан кўтарилганди.

Шамол туни билан дайди итдек улиб чиқди. Ушбу тунда Шомил татар ҳам ухлай олмади. Алоқ-чалоқ тушлар кўриб, ўн бора уйғонган чолнинг кўнгли алағда эди. Сахарлаб туриб, ошнасига ваъда берган ароқ ва егуликни ҳам унутганча музейга йўл олди. Қарийб ярим соатча тақиллатганига қарамай Махсум туриб эшикни очмагач, Шомил чол милицияга ва маҳалла-куйга хабар берди. Эшикни бузиб ичкарига кирганлар кўзларига ишонишмасди: Махсумнинг тили оғзидан бир қарич осилган, кўзлари хонасидан чиқиб олайиб ётар, томоғининг тагида эса ўткир тирноқ ва бармоқ излари яққол кўриниб турарди. Одамлар аллақачон музлаб улгурган жасад билан овора бўлишаётган бир пайтда Шомил чол оқсоқланганча хайкал сари йўрғалади. Кечагина йигирма беш ёшли аёл сиймосидаги хайкал энди қирқ беш-эллик ёшларда кўринарди. Силлиқ, таранг бадан салқи тортган, кўкраги сезиларли пастга осилган, хипча бел анча тўлишган. Чехраси эса... У ер-бу ерига ажин тушган чехра энди хотиржам, яқиндагина олов сачраган нигоҳларда энди ўз ишидан мамнунлик, қасос лаззати барқ урарди...



Йўлдош ЭШБЕК

Тоғларга кетамиз, тоғларга



ДАЛА

бўйлаб бораман тоққа,
оёғим суғуриб тоза лойлардан,
бир наво келади мунгли, қалтираб,
бир хабар келтирар гўзал жойлардан.

бир қушча сайрайди бутоққа кўниб,
тумишуги чўғ каби, теграси нурдир,
атроф қотиб қолган, гўёки тўниб,
қушча куйлаётган дамида хурдир!

ёмғир тиниб қолган, ёмғирдан сўнгги
мусаффо оламга ярашади куй,
олам англай олмас тушимми, ўнгни,
ё бу куй дунёга яп-янги бир уй!

ШЕР

гоҳо овулга келарди яқин,
тан-жсонида шиддат, кўзида чақин,
зарар келтирмасди асло инсонга,
кетарди айланиб тоғлар томонга.

ойга қараб чўққиларда чопинарди,
ўйнар эди, қувнар эди, талпинарди,
бир номард ўқ нуқта кўйди ҳаётига,
ўқирса тўларди олам додига.

Улгурмади...

тошдан тошга урилиб –
эти қолди, қаролмади бурилиб,
ким эди у? Шер бечора тўкилди.
Аммо тоғлар наъра тортди, ўқирди.

Отам сўзлаб, дерди: яшир кучингни,
Олар бўлсанг, шидан олгин ўчингни.
Номард дунё кучлини қон қусдирар,
номардларни қучоғида ўстирар!..



МОМО

Урчуқ айланади, липиллайди шам,
ўқтин-ўқтин хуриб қўяр ёлғиз ит.
Алмашиниб турар қувонч билан ғам,
кўз олдига келар бешик ва тобут.

Ҳар қалай ёлғизлик, ҳар қалай саҳро,
ёмғир эзиб ёғар, тун, деворлар нам,
нени олиб келар умид бир дарё,
урчуқ айланади, липиллайди шам.

ЧАВАНДОЗ

Бу тулпорни энди нима қиламан,
қутуриб айланар яккамихни у,
қантараман, жиловидан иламан,
аҳволимни билмайди-ку.

Фалакнинг устида сездим ўзимни,
қулоқлари аро ўтганда шамол,
ифтихор бахш этди, ёшлаб кўзимни,
энди бари ўтди, барчаси хаёл –

чўққилар силкиниб кучли сасига,
кишнаса тоғлардан кўчарди тошлар,
ҳақ сўз айтолмадим эл оғасига,
энди у кўзимни бошқача ёшлар –

авваллар юлдуздай териб юрардим,
учиб йўлатмасдим ёнбошиларимга –
тўдани ёраркан, бериб юбордим
улоқни оғанинг қондошиларига,

яширдим танамнинг титроқлигини,
наҳотки, сезмади қўрқоқлигимни –
ҳали ҳам меҳр-ла искалайди от,
мени меҳрибонлик ўлдирмас, наҳот?!

БАЛИҚ

Тескари дунёнинг ўйинига боқ,
бепоён жанггоҳда сузар эдим тоқ,
қанча йиртқиқлардан қолдиму омон,
ўз қавмим бўғзида бўляпман ҳалок!

ТОҒЛАРГА

Гоҳо хуруж қилганида гам,
юрак тўлиб кетса оҳларга,
дўстлар билан бўлишиб ҳамдам,
тоғларга кетамиз, тоғларга.

Севги деган сўздан ёнди қалб,
сайр этамиз бахтли чоғларга,
жамъи дардни қилмоқ бўлиб даъф,
тоғларга кетамиз, тоғларга.

Дўст сўздан куйиб кетди уй,
ўтиб мунгли, мунгли боғларга,
пешонада қотиб қолган куй –
тоғларга кетамиз, тоғларга

Тўйиб роса ҳамтовоқлардан,
қўл тортамиз бадқовоқлардан,
тошлари ҳам кўп юмшоқларга –
тоғларга кетамиз, тоғларга!

Ёш бўлсак ҳам, қари бўлсак ҳам,
биз кетамиз хуш баҳорларга!
дўланалар чопиб юрганда,
тоғларга кетамиз, тоғларга!

ДАРАХТЛАРНИНГ

кўз ёши –
барг тўкилар дувиллаб,
ҳазин кечнинг қуёши,
боғлар қолди ҳувиллаб.

Сергаклик бор фалакдай,
айни замон кўп маъюс,
иштончан бир болакай
отасини кутар... Куз.

ҚУШЧАМ

Билолмайман недир бу ҳаёт,
борманми бу ерда мен ўзим,
қайтариб қўяр гоҳ бир ҳаё,
юмилгиси келар гоҳ кўзим.

Яшаймиз бир осмон остида,
ҳар қачон гўзалдир бу осмон,
ёдимдасан. Гарчи хотира
гўзал эрмаса-да бепоён.

Унутмасман, сени эй қушчам,
ёдим осмонида нуқтасан –

учмассан, эҳ қанча кўп учсанг,
сен тўхтаб қолмассан, тўхтасанг.

ОСМОНДА

ойлар тўлар,
сойлар шарқирар ерда,
гул ёнида булбуллар,
сен қайдасан, бокирам.

Ҳар ёнда кезар баҳор,
гулга тўлмиш ҳар томон,
гамсиз жой қай ерда бор,
гамга тўла ер-осмон.

Осмон бўлмагин, майли туш,
ер бўлмай мен ҳам доим,
висол бўйи эсар хуш,
уфқдан хушбўй, майин!

ЎЧОҚДА

кул
ёниб ўтган ёшлик
ёниб кетган
совуқ
кулни пайпаслаган каби
титкилар хотирани
оҳ тортиб юборар оғриқдан
кескин тортар қўлни
кулнинг остидан.

ТУШЛАРИМГА

тез-тез кирмоқда отам,
у кетган ёшларга кириб қолибман,
бироқ қувонч ўша, ўша-ўша гам,
мен қайси дўстимдан хабар олибман?

Тушларимга тез-тез кирмоқда отам,
мени ибодатдан этгандай огоҳ,
бироқ савоб маълум, менда рағбат кам,
тийилсам-да, қайдан келмоқда гуноҳ?!

Тез-тез тушларимга отам кирмоқда,
гоҳо табассум қилар, гоҳ дўқ урмоқда,
“ўғлингнинг тушига кирар вақт келди,
енди яхши ишга улгургин”, дерди.

ШОМ

қандай гўзал
гул каби
бинафша капалак
қўниб турар деразамга
деразамдан бошқа ёққа
боқмайман
чироқни ёқмайман!





Абдуқажом ЙЎЛДОШЕВ

ТЎЙ

Қисса*

Ҳаш-паш дегунча орадан икки ҳафта ўтиб, тўй куни ҳам яқинлашиб қолди. Одмигина безатилган уч хонали уйнинг ошхонасида ушбу масала оила аъзолари томонидан кўтаринки кайфиятда муҳокама қилинди. Аммо ундан олдин ногиронлар аравачасида ўтирган Ҳабиба тўсатдан кўрпачаси тагидан олган қалингина бир газетадаги шеърни ифодали ўқишга тушиб кетди:

– ...Ва гарчанд некбинлик йўлдошим бешак,
Баъзан бир саволга йўлдошдир туним:
Мени кутаётир қандай келажак,
Қандайин кечажак эртанги куним.

Шеър муаллифи Азимжон Файзулла ўғли, – дея тантанали тарзда эълон қилди Ҳабиба уялинқираб турган, юзи қип-қизил тус олган акасига ишора қиларкан. – Шахсан ўзлари.

Ҳаяжонланиб кетган Дилноза қарсақ чалиб юборди. Унга шодон Файзулла қўшилди.

– Қани, асалим, менга бер-чи. – Файзулла газетани қўлига олди, қизи бармоғи билан кўрсатиб турган исм-фамилияни ҳижжалаб ўқиди. – “А-зим-жон Фай-зул-ла ўғли”. – Фурур билан такрорлади: – “Файзулла ўғли...” Яшавор, ота ўғил! – Ўғлини қучоқлаб олган Файзулла хотинига қараб жилмайди: – Олма ўз дарахтидан узоққа ҳам тўкиларкан-да. Инженер билан математика ўқитувчисининг боласи ҳам шоир бўларкан.

– Аввал сал бошқача гапиргандилар шекилли, – кулимсиради Дилноза.

Азим унғайсизланди:

– Ада, бу машқ, холос.

– Камтарлик қилма, болам, – деди Дилноза. – Оддий машқ бўлса газетада босишармиди, яна исм-фамилиянгни катта-катта қилиб, қоп-қора ҳарфларда ёзиб қўйишармиди, болам!

– Ўғлим, бунақанги машқлардан яна борми? – қизикди Файзулла.

Азим баттар хижолат чекиб, гапиролмай қолди.

* Охири. Боши ўтган сонда.

Ҳабиба билағонлик қилди:

– Адажон, ойижон, акам ўз хоналарига қамалиб олиб, саккизта обший дафтарни шеърга тўлдириб ташлаганлар.

Азим жон ҳолатда синглисига пўписа қилиб, муштини дўлайтирди:

– Ҳабий!

Ҳабиба қиқирлаб кулиб юборди:

– Уларнинг ичида севги ҳақида ёзилганлари ҳам бор.

– Вой қақажон-ей, – кулди Дилноза ҳам. – Сиз буларни қаердан биласиз?

– Барини битта қолдирмай ўқиб чиққанимдан кейин биламан-да, ойижон, – мақтанди Ҳабиба. – Агар истасангиз ўғлингизнинг муҳаббат ҳақида ёзганларидан биттасини ёддан ўқиб бераман. Бир ўқишда ёдлаб олганман.

Азим типирчилаб қолди:

– Ҳабий деяпман!

Бунга сайин Ҳабиба баттар пиқирлаб кулади. Лавлагиси чиқиб кетган Азим стол ортидан унга мушт ўқталди.

– Ада, – Азим адасининг қўлидаги газетани олиб қўйди, – бошқа гаплардан гаплашайлик.

– Майли, ўғлим. Аммо-лекин бугун бизни жуда хурсанд қилдинг-да. Чин гап, бошим осмонга етди. Ахир менга ўхшаган одамни бир йил бир хонага қамаб қўйсанг ҳам икки қатор шеър ёзолмаслиги аниқ.

– Шеър ёзиш – худо берган истеъдод, ўғлим, – эрининг гапини давом эттирди Дилноза. – Бу билан фахрланишинг керак.

Азим онасига ёлвориб қаради:

– Ойижон...

Дилноза кулиб қўйди:

– Хўп, хўп.

– Айтгандай, ўғилтой, ана сизга бошқа мавзу, – дея Файзулла хотинига мурожаат қилди: – Шундай қилиб, тўй масаласи нима бўлди?

Дилнозанинг юзи бирдан жиддий тус олди.

– Уйдан икки юзча чиқадиганга ўхшаб турибди. Лекин шундан кейин ўн-ўн беш кун қозонни сувга солиб қўядиганга ўхшаб турибмиз

– Яхши, – хаёлида нималарнидир хомчўт қилиб кўрди Файзулла. – Демак уч юз қарз олиб турамыз. Отпуска пулини олсам, қутулиб кетамиз. Баҳонада акамнинг хурсанд бўлгани қолади. Тўёна – қарздай гап-да, хотин ака. Тўққиз-ўн йилдан кейин Азимтой ҳам уйланаман деб қолса...

– Тўққиз-ўн йилдан кейин эмиш, – норозилигини билдиришга шошди Дилноза. – Ёлғиз ўғил бўлса. Институтга кирган йили уйлантириб қўямиз.

– Тўй биз ўйлагандай осон иш эмас экан, хотин ака, – хўрсинди Файзулла. – Эҳ-хе... Азим аввал ўқисин, битирсин, ишласин, оёққа турсин...

– Пенсияга чиқсин! – киноя қилди Дилноза.

– Майли, бу масалани кейинги оилавий кенгашда муҳокама қиламиз. Ҳозир ошиғич турган масалага ўтамиз. Демак, шанба куни эрталаб Азимжон икковимиз йўлга тушамиз.

– Ишқилиб, эҳтиёт бўлинг-да, дадаси, – деди Дилноза шоша-пиша. – Азимжон бунақанги шовқинли тадбирларга аралашиб юрмаган.

– Қачондир бошлаши ҳам керак-ку. Ўзининг айтишинга қараганда, эр етиб қолган бўлса. Қишлоқ тўйларини кўрсин, қариндош-уруғлар билан танишсин.

Мен ҳам шундай шоир ўғлим борлигидан фахрланиб, уни ҳаммага кўз-кўзлай.

Дилноза ўғлига хавотирланиб қаради:

– Кўз тегиб қолади. Яхшиси тумор тақиб қўяман.

– Тақ. Битта бўлмаса, иккита тақ! – деди Файзулла.

– Лекин барибир доим ёнингизда бўлсин. Ўзингиздан узоқлаштирманг.

– Хўп, хоним, хўп, – Файзулла қўлини кўксига қўйди. – Иложи бўлса йўрғақлаб, елкамга ортмоқлаб оламан.

Ҳабиба чапак чалиб юборди:

– Вуй, мен ҳам жон деб борган бўлардим қишлоққа.

Қизининг гапини эшитган, кўзлари ғилтиллаб кетган Дилноза ноқулай аҳволда қолганини бидирмасликка уриниб, ўғлига қаради:

– Азимжон, болам, ўзи қишлоққа нимага бораётганингни биласанми?

– Албатта, ойижон, – ўктам жавоб қайтарди Азим. – Шанба куни – қизлар мажлиси, якшанба куни Мардон акамнинг никоҳ тўйи.

– Гапларинг анча силлиқлашиб қолибди, – жилмайди Дилноза. – Даданг неча кундан бери “қиз вечер” деб бошимни қотириб ётганди. Сен адабий қилиб “қизлар мажлиси” деддинг. Ўзи “қизлар мажлиси” нима эканлигини биласанми?

– Албатта, ойижон. Ҳозир, бир дақиқага. – Азим шошиб кириб, дарсхонадаги столи устидан бир қалин китоб олиб чиқди. – Мана, қаранглар, адажон, ойижон, “Ўткан кунлар”да “Қизлар мажлиси” деган алоҳида боб бор. – Азим кўзойнагини тўғрилаб олгач, ифодали ўқий бошлади: – “Қизлар мажлиси – гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси! Бу уйда – Қумушбиби тоғасининг уйида қизлар мажлиси, гуллар мажлиси!.. Бу уйга ўттуз-қирқ чамалиқ қизлар йиғилганлар, йиғилишдан мақсад: қизлар ўзларининг энг латиф, энг гўзал бир аъзоларини букун хотинлиқ оламига узатмоқчидирлар. Бу узатиш мажлисини жонлик, руҳлик ўтказмак учун барча қизлар ўзларининг энг асил, энг нафис кийимларини кийиб, фавқулодда ясашиб, хусн оламини яна бир қайта бежабдирлар... Мажлиснинг шоиралари, ўйинчилари, чилдирма ва дуторчилари – барчаси ҳам ҳозир...”

Азим жим бўлиб қолди. Ёқимли хотиралар оғушида қолган Дилноза ширин жилмайди.

– Худди шундай... Уйда қиз мажлисига ўтказишга уялиб, тоғамникида ўтказгандик. Дадаси, ёдингиздами?

– У кунларни унутиб бўлармиди, – оғзининг таноби қочиб жавоб қайтарди Файзулла. – Аниқ эсимда қолгани шуки, қиз мажлиси кимнинг уйида бўлаётгани ҳақидаги маълумот ҳам мутлақо махфий ҳисобланарди. Шунинг учун адресни аниқлайман деб бекорга уч соат овора бўлганим қолган. Унга довур мажлис тугаб кетибди... Лекин, хотин ака, замон ўзгариб кетибди. Энди “қиз вечер”лар бошқача ўтадиган бўлибди.

– Қандай ўтаркан?

– Буни... келгандан кейин Азимжон билан икковимиз тўлиб-тошиб айтиб берамиз. Ё бўлмаса ўғлингизни беради-қўяди.

Ҳабиба орага қўшилди:

– Менга кўрганларингизни шеър қилиб ёзиб бера-сиз, а, ака?

Азим синглизининг овозини ўчириб туриш учунми, дарҳол рози бўлди:

– Ёзиб бераман, Ҳабий, ёзиб бераман.

Азим китобни хонасига олиб кириб кетди. Ҳабиба қувониб чапак чалди. Сўнг ўз-ўзига гапиргандай деди:

– Оппоқ кийинган келинчак маза қилиб рақсга тушса керак, а?..

Файзулла ялт этиб хотинига қаради, кўзлари жиққа ёшга тўлган Дилноза шоша-пиша энгашиб, пиёлага чой қуя бошлади.

– Шукр қил, аяси, шукр қил. – Файзулла газетани қўлига олиб, ўғлининг исми ёзилган саҳифани меҳр билан силади. – Шу кунларга етказганига шукр. Ҳали Азимжонимиз шундай йигит бўлсинки, шундай йигит бўлсинки...

* * *

Намозшом маҳали. Томи қизил шиферли, атрофи пахса девор билан ўралган уй ҳовлисида одам гавжум. Эртага тўй! Бугун эса келин тарафда “қиз мажлиси”.

Ўртача катталиқдаги, иккита чорпоя қўйилган ҳовлида ўндан ортиқ киши елиб-югуриб хизмат қилаяпти. Тўй раиси – 65-70 ёшлардаги маҳалла оқсоқоли Халил ака мезбонларга ҳам, хизматдаги ёш-яланг, қиз-жувонларга ҳам кўрсатма бериб чарчамайди. Азим ҳам оёғи олти, қўли етти бўлиб чопиб юрибди. Беш-олтита йигит ҳовли дарвозаси ёнида турган тележкадан темир оёқли стол ва ўриндиқларни ташияпти.

Халил аканинг овози шунча шовқинни босиб янграқ эшитилади:

– Сабзини чорпояга олиб келинлар... Ҳой, сен бола, ўтинни кўпроқ ғамла. Самоварга қара, самоварга... Келин, артилмаган товоқ қолмасин. Ҳой бола, кўзингга қара!..

Ҳовли ўртасидаги чорпояда Худойберди ака, Сайдулла ака, Файзулла ёнбошлаб ўтиришибди. Уртада дастурхон. Ярми ичилган ароқ шишаси. Худойберди ака билан Сайдулла аканинг озгина кайфи борлиги сезилгандай бўлаяпти.

Худойберди ака Халил акага ишора қилиб гапирди:

– Оқсоқол маладес. Бунақа ишларни кўзини юмиб туриб бажартириб ташлайди.

– Ўрган, устудент, ўрган, – деб қолди Сайдулла ака укасига қараб. – Билиб қўй, ука, агар сен битиб кетган миллионер, миллиардер бўлсанг ҳам бир ўзинг тўй қилолмайсан.

– Тўппа-тўғри, ака, – деди Файзулла ихлос билан. – Тўй қариндош-уруғларсиз, дўст-биродарларсиз ўтмайди.

Худойберди ака қийқириб кулиб юборди:

– Тўёнасиз ҳам! Тузукми?

Сайдулла ака эса ўртоғининг қочиримини эшитмагандай укасига насихат қилишда давом этди:

– Шунинг учун ҳеч қачон оқибатни унутма. Тагингда машинанг бўлса. Қишлоқда тўйми, маъраками, эшитган заҳотинг айтилган вақтга етиб келишинг керак.

Файзулла қўлини кўксига қўйди:

– Хўп, ака, хўп... Энди мен турсам, хизмат-пизмат бўлса бироз қарашсам.

– Э, ука, хизмат ёшлардан ортмайди, – дея бепарво қўл силтаб қўйди Худойберди ака. – Бизу сизга ўхшаган ёши улўғлар шундай ёнбошлаб ётиб,

кўрсатма бериб турсак бас... Гап келганда отангни аяма дейилар, Файзуллабой. Тузукми? Биз ҳам энди уч-тўрт кўйлакни ортиқ йиртган ака сифатида сизга бир насихат қилиб қўйсақ.

– Бемалол, ака.

– Ҳеч қачон чақирилмаган жойга борманг, лекин чақирилган жойдан ҳам қолманг. Тузукми? Ваҳоланки, сиз чақирилган жойларга ҳам келмаяпсиз. Ҳолбуки, ҳаммамиз бир қишлоқнинг одамимиз, бир-биримизга қон-қариндошмиз. Тўй-маъракамиз, яхши-ёмон кунларимиз – ҳаммаси бирга. Эрта-бир кун тобуткашингиз ҳам шу қишлоқдошларингиз бўлади.

– Гапларингиз тўғри, Худойберди ака, – самимий оҳангда гапирди Файзулла. – Мен қишлоқдошларимни жуда ҳурмат қиламан, улар учун кўлимдан келадиган нима хизмат бўлса айтинг, бажонидил бажараман. Аммо ҳар ҳафта-ўн кунда келиб уйма-уй юришга вақт йўқ – иш кўп.

– Э, ука, бизгача ишлашган, биз ишлаймиз, биздан кейин ҳам ишлашади. Тузукми? Қўнғизга арпа баҳона деганлари шу-да! – шу гапдан кейин Худойберди ака пих-пихлаб кулди ва ароқ тўла пиёласини кўтариб Сайдулла акага мурожаат қилди: – Қани, жўра, кетдик.

Икковлон ичиб юборишди.

– Лекин, ука, бу сафар сендан хурсандман, – деди ёшланган кўзларини артаётган Сайдулла ака.

– Беш юз кайфиятингни кўтариб юборгандир-да, жўра, – аския қилган бўлди Худойберди ака.

– Йўқ, гап пулда эмас, жўра. Гап укамнинг ўғлини тўйимга олиб келганида. Қара, – Сайдулла ака ҳовлида беш-олтита лаган кўтариб кетаётган Азимга ишора қилади, – боласи киришимлигина экан, елиб-югуриб хизмат қилиб юрибди. Шундан менинг бошим осмонда.

Чорпояга жиддий қиёфадаги Халил оқсоқол яқинлашди.

– Кеч тушиб қолаяпти, Сайдулла. Куёвни жўна-тадиган вақт бўлиб қолди-ёв. Борса бориб, ўтириб келишсин бир-икки соат.

– Сиз вақт бўлди дедингизми, оқсоқол, демак вақт бўлган! – дея Сайдулла ака Худойберди акага ўғирилди: – Қани, жўра, куёвжўраларни шайла.

– Ҳаммаси ўқланган милтиқдай шай бўлиб туришибди.

– Нечта машина бор, неча киши боради, ҳаммаси келишилганми? – текшириб кўра бошлади Халил оқсоқол.

– Ҳаммаси келишилган, оқсоқол, келишилган. – Худойберди ака ҳовлига қараб бақирди: – Мардон, ҳов Мардон!

Ичкаридан Мардоннинг овози эшитилди:

– Ҳа?

– Жўраларингни йиғ, – бақирди Худойберди ака. – Ҳозир жўнайсизлар. Тузукми? Нечта машина йиғилди?

– Учта. Иккита “Нексия”, битта “Жигули”.

– Бўлади. Аёлларни “Дамас”га оламыз, – қониқиш билан тин олган Худойберди ака Файзуллага ўғирилди. – Укажон, шундоқ бирга борасиз-у, буларга бош бўлиб, бир-икки соат ўтириб қайтасиз, тузукми?

– Қаёққа? – ҳайрон бўлиб сўради Файзулла.

– Қиз вечерга, – тушунтирди Худойберди ака. – Ўзим жон деб борардим-у, манави зормандадан озгина отиб қўйдим. Бу томонда ГАИ-ПАИ йўғ-у, лекин ичсам кўлим қалтирайдиган бўлиб қолган.

– Бир оғиз гапингиз, ака. Бу ерга хизмат қиламиз деб келганмиз.

– Одатга кўра, куёвжўраларга қўшилиб уч-тўртта аёл ҳам бориши керак. Шуларни машингизга оласиз. Бўлди. Тузукми?

Файзулла илжайди:

– Тузук.

– Етиб боргандан соатга қарайсиз, – ўргата бошлади Худойберди ака. – Ёшлар ўйнаб-кулишсин. Бир ярим-икки соатдан кейин тўй оқсоқолидан рухсат сўрайсиз. Шубилан ҳаммани йиғиштириб қайтаверасиз. Биронтаси “Тўйни давом эттираамиз” деб тихирлик қилса мени айтинг, дарров попуги пасаяди-қолади.

– Хўп, ака. Мен машинага қарай бўлмасам. – Файзулла сузилибгина ўтирган акасига қаради: – Ака, калит...

– Нима? Калит?... Ма... – Сайдулла ака шимининг чўнтагидан машина калитини чиқариб берди. – Орқасини салгина туртиб олганман. Лекин яхшилаб қарамасанг билинмайди, ука, билинмайди.

– Майли, ака, майли...

Файзулла ҳовлидан ўтиб бораётган маҳал ёнига ўғли Азим чопқиллаб келди.

– Ада, йўл бўлсин?

– Куёвни “қиз вечер”га олиб бориб келишим керак экан.

– Қизлар мажлисигами? – Азим ҳовлига аланглади. – Бошқа иш йўққа ўхшайди. Ман ҳам сиз билан бирга борсам майлими, адажон?

– Майли, юрақол, ўғлим.

Ота-бола ҳовлидан бирга чиқиб кетишди.

* * *

Бу оқшом қишлоқда Аширмат тоғанинг уйида тўй: Нозима “қиз мажлиси”ни ўтказмоқда.

Ҳовлига “П” шаклида столлар қўйилган. Тўрда келин-куёв учун жой ажратилган. Улар ўтирадиган жой ортига осилган гиламда бир жуфт никоҳ узуги ҳамда “Мардонжон”, “Нозимахон” исмлари пахта билан ёзилган. Бу столга турфа ичимликлар билан бир қаторда каттагина гулдаста ва торт ҳам қўйилган. Пастроқдаги чорпоя артистлар учун. Унда ҳофиз Рашид бошчилигидаги артистлар гуруҳи. Гуруҳ диск алмаштириб турувчи йигит, овозни сошлаб турувчи эркадан ҳамда асли исми Гулмира, бироқ нимагадир ҳамма Гулбадан деб атайдиган раққосадан иборат. Чорпоя ўртасига хонтахта қўйилиб, безатилган. Катта-катта овоз кучайтиргич карнайлар уч-тўрт жойга қўйилган.

Эндигина бошланган тўйни қишлоқда маҳмадоналиги билан тилга тушган Роҳила олиб борапти. Одатдагидек, тўйда меҳмондан томошабин кўп. Улар сафида ёш-яланглар, хотин-халаж билан бир қаторда лабини ялаб турган йигитлар, эркаклар ҳам анчагина. Столда ҳам ёш-яланглар қатори катта ёшли эркаклар, аёллар ҳам ўтиришибди. Ҳовли чеккароғидаги катта қозонда овқат қайнапти. Унинг атрофини ошпаз билан бирга беш-олтита эркак ўраб олган. Қозон ёнидаги молхонанинг бир хонаси омбор қилинган. У ерда турли катталиқдаги ликопча ва тақсимчаларда газаклар, пишириқлар захирага олиб қўйилган. Эллик ёшлардаги бадқовоқ, чўтир юзли хона қўриқчиси Абдусамдининг ёнида, фуфайка тагида ароқ шишалари.

Ҳофиз оғирроқ кўшиқ айтмоқда: “Бугун қўшни қишлоққа, келин тушди, ёр-ёр, Боролмайман у ёққа, ор қиламан, ор-ор...”

Шу пайт узлуксиз машина сигналлари овози эшитилди, ҳовли ёнини ўткир машина чироқлари нурлари ёритди. Роҳила шошиб бориб микрофонни Ҳофизнинг қўлидан олди.

– Мана, азизлар, – дея тантанали равишда эълон қилди Роҳила, – ниҳоят биз кутган дамлар ҳам етиб келди. Бугун Амир ака билан Холида холанинг нури хонадониди ҳақиқий айём бошланмоқда. Дугонам Нозимахоннинг бахт ва висол оқшомига хуш келибсиз!.. Ушбу кечамизни янада мароқли ўтказиш учун ташриф буюрган вилоятимизнинг таниқли ҳофиз Рашид Нуралиев бошчилигидаги санъаткорлар гуруҳи сизнинг хизматингизда. Бетимсол Гулбаданхоним эса ажойиб рақслари билан ҳаммамизни хушнуд этиши шубҳасиз! Марҳамат, санъаткорлар!

Баланд овозда “Тўйлар муборак” кўшиғи янгради. Машинадан тушиб келган куёв ва куёвжўраларни кутиб олган янгалар уларни дарҳол столга бошлашди. Файзулланинг “Дамас”ида ўтирган Мардоннинг икки синглиси ва янгаси Маҳфират чеча ҳам машинадан тушасола стол томон юришди. Файзулла машинани чеккароққа олди. Тушиб, эшикларни қулфлагандан кейингина атрофни ҳайратланиб кузатаётган ўғли билан бирга тўйхона томон юрди. Ота-болага келган меҳмонлар билан “ўн грамм-ўн грамм” ичавериб, аллақачон маст бўлиб олган Амир ака кучоқ очганча пешвоз чиқди.

– Келсинлар, қудалар, келсинлар, – ёлдиради Амир ака. – Қадамларига ҳасанот.

Амир ака аввал Файзуллани, кейин Азимни кучоқлаб, бағрига босди. Дарвозадан кучоғини кенг очган, анча кайфи бор Аширмат тоға чиқиб келди. Умуман ўзи бу одамни хушёр юрган ҳолда тасаввур этишининг ўзи мушкул эди.

– Кутдириб қўйдиларинг-ку, қуда, – дея гапни ўпкалашдан бошлади Аширмат тоға. – Яна беш минут келмаганларингда, ашқол-дашқолларингни кўчага олиб чиқиб отмоқчидим лекин. Воҳ-хоҳ-ҳо! Қани, ичкарига марҳамат.

Файзулла қўлини кўксига қўйди:

– Узр, қуда.

Аширмат тоға билан Амир ака ота-болани ичкарига, столларга бошлаб боришди. Хизматда юрган йигитлар ўтирганларни сура-сура ота-болага бир амаллаб столнинг чеккароғидан, келин-куёвга яқин жойдан ўрин топиб беришди. Аммо худди шундай бўлиши керакдай, Аширмат тоға билан Амир ака бунга парво ҳам қилишмади. Ўтирганларидан сўнг Файзулла кафтларини бир-бирига жуфтлади:

– Омин, икки ёш бахтли бўлсин.

– Бўлсин... – Аширмат тоға бир кафтини юзига сийпаган бўлди. Тўсатдан ўз-ўзидан унинг иккинчи қўлида ароқ шишаси пайдо бўлди. – Биз томонларда, қуда, бутилкани бундай очадилар.

Аширмат тоға шишанинг тагига кафти билан бир урганди, шишанинг пўкаги отилиб кетиб, озгина ароқ Файзулланинг устига тўкилди. Бироқ Аширмат тоға бунга эътибор ҳам бермади.

– Қудаларга штрафной, ака, – ёлдиради Амир ака.

– Гап бўлиши мумкин эмас. – Аширмат тоға иккита каттагина, кичикроқ косадай келадиган пиёлага ароқни лим-лим қилиб қўйди ва бўшаган шишани стол тагига ташлаб юборди. – Марҳамат, қудалар. Икки ёшнинг бахти учун “оқ” қилиб ташлайсизлар энди. Ана шун-

дан кейин сизларни кечириш-кечирмасликни ўйлаб кўрамиз.

Аширмат тоға бир пиёлани Файзуллага, иккинчиси Азимга тутди. Буни кўрган Азимнинг ҳайратдан оғзи очилиб қолди, лекин пиёлани олмади.

– Раҳмат, куда, – яна кўлини кўксига қўйди Файзулла. – Лекин мен рулдаман.

– Нима? – деди Амир ака Файзулла томон энгашиб.

– Рулдаман. – Файзулла кўли билан ўзини рул чамабарагини айлантираётгандай қилиб кўрсатди.

Аширмат тоға:

– Нима қипти шунга? – деб сўради ҳайрон бўлиб.

Файзулла гарангсиб қолди:

– Ахир... йўлда...

– Бу территорияга мана мен жавоб бераман! – кўкрагини керди Аширмат тоға. – Любой ГАИ ушласа, “Аширмат аканинг одамиман” денг, честь бериб кузатиб қолмаса олдимга қайтиб келинг, отимни бошқа кўяман!

– Раҳмат, куда, лекин ўзимам ичкиликни унча хушламайман.

Аширмат тоға Амир акага ўгирилди:

– Бунинг нима деяпти, ука? Эси жойидами ўзи?

– Ҳа, энди, ака, куда дегани бироз ўзини тарозига солади-да, – бепарво кўл силтади Амир ака. – Бу киши шаҳар кўрганлардан бўлса.

Жаҳли чиққан Аширмат тоғанинг лаблари пир-пир уча бошлади.

– Шаҳар-пахарингни билмайман. Бу ернинг ўз қонун-қоидалари бор, ука! Шуни ичмайсанми, демак бизни ҳурмат қилмайсан! Шуни ичмайсанми, демак келин-куёвнинг бахтли бўлишини хоҳламайсан. Шуни ичмайсанми, демак биз қишлоқларни писанд қилмайсан. Шуни ичмайсанми, демак аканг тўйга самоделка арзон, сассиқ ароқдан юборганини биласан, шунинг учун ичгинг келмай турибди. Демак, бизга ўхшаганларга бўлаверар экан-у, сенга ўхшаганларга тўғри келмас экан-да бу, а? Шундайми?

Файзулла шошиб қолди:

– Қуда бова, унақа деманг, мен чин кўнгилдан...

– Демак, сенда бор кўнгил бизда йўқ экан-да! Шундайми?

– Қуда бова...

– Бўлмаса мана бу йигитчага берайлик! – дея Аширмат тоға Азимни кўрсатди.

– Йўқ, йўқ! – деди Файзулла шошиб. – Бу ҳали гўдак-ку. Бу менинг ўғлим. Энди ўн олтига кираяпти.

– Мен бу ёшимда пақирлаб ичардим, – деб қўйди Амир ака.

– Гап ичишда эмас, ука. Гап ҳурматда, – сал ётиги билан гапиришга уринди Аширмат тоға. – Раз шундан-шунга келибсизми, тўй эгаларининг ҳурматида деб юз граммгина ичиб юборсангиз нима қилади! Ё бизни ўзингизга тенг кўрмайсангизми?

– Нега энди, куда. Аксинча, чин, самимий ҳурмат...

– Файзулла сал довдираб қолди. – Мен ўйловдимки, ҳурмат фақат ичиш билан белгиланмайди. Бунинг устига бўлғуси куёвнинг сингилларини, чечасини қишлоққа эсон-омон олиб бориш масъулияти...

Нимагадир жаҳд қилганлиги юзидан билиниб турган Аширмат тоға Файзуллага қаттиқ тикилиб, ароқ лим-лим пиёлани тутди:

– Агар... агар шуни “оқ” қилиб ташламасанг, ука, ҳозир, шу ернинг ўзига хотинимни чақираман-да, “уч

талок” қиламан. Ана шундан кейин бутун гуноҳи сенинг бўйнингга тушади

Бу гапни эшитган Файзулла лол бўлиб қолди.

– Бу айтганини қилади, куда, – деди Амир ака. – Хотинини талоқ қилиш ҳам гапми, тутиб қолса тўйни ҳам бузади.

– Бузаман ҳам! – нимагадир ўпкаси тўлиб кетган Аширмат тоғанинг товуши титради. – Бизни мирламайдиган одамлар билан куда бўлгандан кўра...

Бўлаётган воқеалар туш эмаслигига, ўзини гоҳ “сен”-лаб, гоҳ “сиз”лаётган бу одам мастлик устида айтганини қилиб юборишига иқрор бўлган Файзулла ҳамон лол-караҳт бўлса-да, бир амаллаб ўзини кўлга олишга уринди.

– Агар ҳаммаси шу... шунга боғлиқ бўлса... беринг-э... – Файзулла кўзларини чирт юмганча пиёладаги ароқни ичиб юборди. Унинг афти буришди, кўзларидан дувиллаб ёш оқди. Файзулла амаллаб кўзларини очди ва Амир ака ним эгилинқираб тутиб турган газак – қайнатилган мол ўпкасининг бир бўлакчасини олиб, оғзига солди. – Бўлдими?

Аширмат тоға мамнун тарзда Файзуллани кучоқлаб, юзидан ўпди.

– Ҳа, бу бошқа гап. Билгандим ўзимиздан эканлигингизни, куда. Шу сал ноз қилдингиз-да. Сизлар ўтириб турингизлар. Биз ичкаридаги нозик меҳмонларда хабар олайлик, ҳали яна келамиз.

Аширмат тоға билан Амир ака кетишди. Шу заҳоти уларнинг ўрнига иккита ёш йигит ўтириб олди. Файзулла ўғлига айбдорона қаради.

Азим отаси томон энгашиб гапираркан, негадир дудуқланди:

– Жуда... ғалати одамлар экан.

– Тўйда шунақасиям бўп туради, – ўғлидан кўра кўпроқ ўзини ишонтиришга уринди Файзулла. – Ҳўш, ўғлим, қалай, қиз мажлиси ёқаяптими?

Азим елка қисди:

– Ҳозирча Қодирий тасвирлаган гуллар, лоллар, тўтилар, қумрилар мажлисини эмас, – у келин-куёвнинг столида турган турфа спиртли ичимликларга ишора қилди, – ароқлар, коньяклар, винолар мажлисини кўраяпман.

– Буюм замоннинг зайлидир-да... – деб қўйди Файзулла.

– Адажон, ҳеч нарса емадингиз-а? – деди Азим.

– Қорним тўқ. Яхшиси, ўғлим, бундай қилайлик. Анавилар бало-қазодай бўлиб яна бостириб келмасидан бурун чеккароққа ўтиб олайлик. Тўйни одамлар орасида тик туриб томоша қилармиз. Болалардан хабар олиб туришимиз ҳам осон бўлар. Ҳар қалай, жойимиз бўш қоладиганга ўхшамайди.

– Ҳўп бўлади, адажон.

Файзулла аста ўрнидан турди. Азим унга эргашди. Дарҳақиқат, улар ўринларидан турар-турмас орқада зич бўлиб турган томошабинлар орасидан икки киши зудликда сирғалиб чиқиб, ота-боланинг ўрнини эгаллашди ва жон-жаҳдлари билан ароқ шишасига ёпишиди. Файзулла билан Азим аста ортга чекиниб, томошабинлар сафидан жой олишди. Ота-бола даврани кузатиб туришди. Куёв тарафдан келган меҳмонлар учун келиннинг чап тарафидан жой ажратилган. Меҳмондорчилик қуюқ. Хизматдаги йигитлар куёвжўраларга мулозамат қилиб туришибди. Уларнинг ўзлари ҳам бемалол пиёлаларга ароқ, коньяк, вино қуйиб олишарди. Куёвжўралардан бири Маҳфират

чечага коньяк қуйиб узатаяпти. Яна бир куёв жўра қизларни ароқ билан меҳмон қилишга уринаяпти. Буни кўриб жаҳли чиққан Файзулла тез-тез юриб, томошабинлар ортидан ўтди ва куёвжўралар ёнига бориб, Маҳфират чечага коньяк узатиб турган йигит – куёвжўра Набига мурожаат қилди.

– Меҳмондамиз, ука. Сал камтарроқ бўлинглар. Шунча одам сизларга қараб турибди. Жуда ичкиларинг келса, уйга борганларингдан кейин ўзим топиб бераман.

– Тўй тўйдайд бўлсин-да, Файзулла ака, – қизғинлик билан гапирди Наби. – Бу ерга бир битимиз тўкилиб яйрайлик деб келганмиз. Бунинг устига бу ер шаҳар эмас, кишлоқ. Қишлоқда эса одам фақат тўйда дам олади, ака.

Файзулла индамай ортга қайтди ва яна ўғлининг ёнига келиб, томошабинлар сафидан жой олди.

Навбатдаги кўшиқ тугади. Ўртакаш қиз илдам келиб, ҳофизнинг қўлидан микрофонни олди.

– Катта раҳмат, санъаткорлар. Санъатларингга санъат қўшилаверсин. – Роҳила қўлидаги бир парча қоғозга қараб олди. – Ана энди табрик учун сўз навбатини келиннинг тоғаларидан бўлмиш фермер Ибодулла акага берамиз. Марҳамат, Ибодулла ака!

Даврага анчайин абгор кийимдаги, эҳтимол тўғри даладан келган, шу сабабли ўзини ноқулай ҳис қилаётган эллик ёшлардаги дўппили киши чиқиб келди. У микрофонни қўлига олди, аммо гапиришга қийналаётгани сезилиб турарди.

– Сўз берганингиз учун... раҳмат, раис бова, – дея хирқираган овозда гап бошлади Ибодулла фермер.

Ўтирганлардан бир-иккитаси пиқирлаб кулиб юборди. Ибодулла аканинг ёнида турган ўртакаш қиз жилмайиб қўйди ва микрофон томонга энгашди.

– Мен раис бова эмасман, Ибодулла ака, – деди у истеҳзо билан.

Фермер баттар ўнғайсизланади. Шу пайт фермернинг ёнига катта пиёла тўла ароқ кўтарган Аширмат тоға яқин келди ва пиёлани унга тутди. Дарҳол пиёлани қўлига олган фермер энди сал силлиқроқ гапиришга ўтди:

– Мен худодан жиянимнинг бахтли бўлишини сўраб қоламан... Қани, олдик. Ҳаммаларингдан... олдиларингдаги қадаҳларни “оқ” қилиб беришларингни сўраб қоламан.

Енгил чапак эшитилди.

– Биласиз-а, бизда шахсий ибрат деган нарса бор, Ибодулла ака, – деди Роҳила.

Ибодулла фермер пиёлани бир кўтаришда “оқ” қилиб ичиб берди ва шундай ичганини исботлаётгандай пиёлани тўнтариб кўрсатди. Сўнг Аширмат тоғани маҳкам кучоқлаб олди. Икковлон ўпишишди. Шуни кутиб тургандай, Роҳиланинг ишораси билан санъаткорлар шўх ва баланд овоздаги мусиқани қўйиб юборишди. Ибодулла аканинг жойи томон кетаётганини кўрган Роҳила унинг йўлини тўсди.

– Йўқ, йўқ, Ибодулла ака. Энди ўйнаб бермасдан туриб даврани тарк этмайсиз.

Шўх мусиқа кучайди. Ҳофиз қўшиғини бошлади. Ўртага йўрғалаб раққоса Гулбадан чиқиб келди ва фермернинг йўлини тўсиб, унинг қаршисида ғамза билан ўйнай бошлади. Бир-икки ўхшовсиз тарзда қўлини кўтариб қўйган Ибодулла ака ниҳоят чўнтагидан бир даста пул чиқариб берганидан сўнггина Гулбадан унинг кетишига изн бергандай йўлни бўшатди. Аширмат

тоғанинг ишораси билан келин тараф қариндошлари гуриллаб ўринларидан туришди ва саф бўлиб келиб раққоса билан ҳофизга пул қистиришга тушишди.

Роҳила ҳофизнинг ёнига келиб, микрофонга кичқирди:

– Келин томон жўш, куёв томон бўш!

Буни эшитган Маҳфират чеча асабийлашиб, ёнида ўтирган йигитларга ишора қилди. Энди куёв тарафдан келган меҳмонлар бирваракайига ўринларидан туришди ва қаторлашиб келиб раққоса билан ҳофизга пул қистира бошлашди. Файзулла шоша-пиша уларга етиб олди ва навбатда туриб, ҳофиз билан раққосага пул улашди.

Терлаб кетган Файзулла жойига, томошабинлар орасида турган ўғлининг ёнига қайтиб келгач, билагидаги соатга қаради ва оғир уф тортиб қўйди:

– Энди ярим соат ўтибди-я...

Азим кулимсиради:

– Бунақа маҳаллари вақт ўтиши қийин бўлиб қолади, адажон. Вақт нисбий деганлари шу-да...

Нисбийми, нисбий эмасми, ҳар тугул вақт аста секинлик билан бўлса ҳам ўтаверди.

Тўй давраси эса тобора қизиб борарди. Йигирмадан ошиқ йигит-қиз, эркак-аёл даврани чангитиб раққоса тушиб ётишибди. Раққоса отарчи Гулбадан стол оралаб, иложи борича кўпроқ пул йиғишга уринган. У ора-сира бирон ўзига орқа ўгириб ўтирган меҳмоннинг ортидан бориб, кўкраги билан унинг елкасидан туртади. Меҳмон ноилож пул чиқариб берган. Маст меҳмонлар – уларнинг аксарияти ёш йигитлар – эса зўр бериб Гулбаданни кучоқлаб олишга, унинг кўкраклари орасига пул қистиришга ҳаракат қилишган. Гулбадан ноз-финоқ билан улардан қочишга интилади, аммо бунга астойдил уринмаётганлиги сезилиб туради. Бунга сайин унинг ишқибозлари сони орта боради. Ҳатто эллик-олтмиш ёшли эркаклар ҳам оғизларидан сўлақлари оққудай аҳволда Гулбаданга қараб қолишган. Томошабин аёллар орасидан эса қарғишлар эшитилиб қолади: “Яш-шамагур уятсиз!.. Орқасини ликиллатишини!.. Илоё шуйтиб топган пулинг ўлимлигинга буюрсин!.. Обид, бор отангни чақир!.. Вой шарманда! Бундан кўра шир-яланғоч бўлиб ола қол эди!..”

Ўғлининг бу ғалати издиҳомга ажабланиб термулиб қолганини кўрган Файзулла аста томошабинлар орасидан сирғалиб чиқди ва ҳовлининг очиқ томонига юрди.

Ҳовлидаги дарахт ёнида бир маст эркак хотинига зуғум қилмоқда эди.

– Тез уйга бориб эллик минг олиб кел деяпман сенга! – дея талаб қилди эркак.

– Бормайман ҳам, опкелмайман ҳам! – йиғламсиради аёл. – Биламан пул нега керак бўлиб қолганини! Анави ойимчага қистирмоқчисиз!

– Бор деяпман!

– Бормайман! Болаларингизнинг ризқини бир жа-лаб хотинга сочиб юборишингизга йўл қўймайман!

– Бор деяпман!

– Бормайман!

– Мана бормасанг!

Тарсаки овози эшитилди, хотин изиллаб йиғлади.

Файзулла сесканиб кетиб аввал шу томонга юрди, аммо аёлнинг юзини ушлаганча зипиллаб ҳовлидан чиқиб кетаётганини кўргач, чап томонга қайрилди.

Омбор ёнида турган уч-тўрт йигит эса зўр бериб бир нимани муҳокама қилишарди.

– Шундай бориб, сўлқиллаган билагидан маҳкам чангаллагандим, ўзиям эриб кетди, – дея мақтанди биринчи йигит.

– Бирга ўйнаётган пайтимизда уч-тўрт марта кўкрагини кўкрагимга текизиб-текизиб олди. Атай қилди, билиб турибман, – бўш келмади икинчиси.

– Бир пиёла ароқ тутиб, “Тўйдан кейин кўришсак бўладимиз, жонон қиз Гулбаданхон?” дегандим, “Майли, жонон йигит” деди қичиқ қилиб, – оғзининг суви қочиб гапирди учинчи йигит.

Тўртинчи йигит гуруннга хотима ясади:

– Бўлмаса бундай валақлашиб ўтиравермангларда, конкрет бориб гаплашинглар. Бир кечага қанчага кўнаркан? Лекин нархини жа осмон қилиб юбормасин. Машина, жой мендан.

– Э, қанча сўрасаям майли деяверамиз, – пачақ кўкрагини керди биринчи йигит. – Оборадиган жойимизга обориб олайлик, кейин пул сўрашгаям ҳоли қолмайдиган қилиб ташлаймиз.

– Запчасть қилиб сочиб ташлайман уни! – учинчи йигитнинг оғзидан кўпик сачради. – Эмаклар кетолсаям раҳмат десин.

– Бўпти, мен машинага кетдим, – деди тўртинчи йигит ишбилармонлик билан. – Боринглар, гаплашинглар.

Йигитлар қоронғулик бағрига сингиб кетишди.

Кўнгли ғаш тортган Файзулла елка қисиб қўйди. Аммо шаҳарлик меҳмон дуч келадиған вазиятлар шу билангина яқун топмаган экан. Омбор ёнидаги йўлакка ўттиз беш ёшлардаги эркак етмиш ёшлардаги, қадди букчайган, қасаба рўмол ўраган кекса онахонга ёлворарди:

– Энажон, жон энажон, ўн минггина бериб турунг! Жон эна! Ўртоқларимнинг олдида шарманда қилманг.

– Энанг ўлиб энасиз қолгур, ахир боягина бор пенсиямни қоқлаб олдинг-ку, – деди кампир фиғони чиқиб.

– Йиғиб қўйганингиз бор-ку, эна, ўшандан ўн минггина бериб турунг. Энажон, жон эна... Ҳамма ўртоқларим қистираяпти. Битта мен шумшайиб ўтирибман...

– Болам-а, шўрлик болам-а... – Онахон қасаба рўмолини еча бошлади.

Омбор ёнидаги устунга суяниб қолган анча кайфи бор Исмат исмли йигит юлдузлар бодроқдек сочилган осмонга тикилиб қолганди. Унинг кўзларида ёш милтирайди. Шу пайт Исматнинг ёнига чойнак кўтарган ўртоғи Хайрулла келиб қолди.

– Ҳа, Исматвой, жа осмонга турмулиб қопсан. Тинчликми?

– Э, Хайрулла, қара, шундай қизни қўлдан чиқариб ўтирибман-а, – деди Исмат афсус-надомат билан. – Нозиманинг очилиб кетганини кўрдингми?

– Ҳа, келин кўйлак жуда чиройли қилиб юборибди Нозимани, – тан олди Хайрулла. – Лекин ҳеч шу қизда кўнглинг борлигини билмаган эканман.

– Ўзимам ҳозир билдим. Эслаб кўрсам, ўн бирда ўқиб юрганимизда у менга бир-икки марта умидвор умидвор қараб қўйган эди. Мен тентак бўлса Асалнинг орқасидан чопиб юраверибман.

– Уям кетди-борди. Буни нега эслаб қолдинг?

– Ўзимам билмайман. Лекин ҳозир бориб анави жинқарча куёв боланинг башарасига солиб-солиб юборгим келаяпти.

– Ўзингни бос, жўра. Қариндошимиз-а. Тўйни келиб-келиб сен бузсанг уят бўлади. Мен ҳозир, чой сўрашганди.

Хайрулла шошиб йўлида давом этди. Исмат эса бир нарсани ҳал қила олмаётган одамдай ўйчан ҳолда ўзига ўзи гапирди:

– Ундай қилсаммикан, бундай қилсаммикан...

* * *

Бунақа томошалардан кайфияти тушиб кетган Файзулла дарров ўглининг ёнига қайтди. Азим ҳамон ўша жойида турар ва даврадан кўз узмасди.

Файзулла билагидаги соатига қараб қўйди:

– Келганимизга тўппа-тўғри бир ярим соат бўлди. Энди кетишга тайёргарлик кўраверсак ҳам бўлар.

– Яхши бўларди, – деб қўйди Азим.

– Мен бирон оқсоқолни топай.

Файзулла оқсоқол излаб кетди.

Даврада ер тепиниб, терлаб-пишиб рақс тушаётган Набини кутилмаганда Гулбаданнинг қаршисида ўйнаётган мезбон йигитлардан бири бўлган Исмат туртиб юборди.

– Ҳа, жўра, кенг жойга сиғмай қолдингми? – деди Наби йигитга ўгирилиб.

Исмат бирдан дўқ уришга ўтди:

– Ўйнасанг қисиб ўйна!

Набининг жаҳли чиқиб кетди:

– Бу нима деганинг. Оғзинга қараб гапир!

Исмат яна баланддан келди:

– Ҳозир ўзингнинг оғзингни айириб ташлардим-у...

– Қўлингдан келганини қил-чи! – қўлларини мушт қилиб тугди Наби. – Менам қараб турмасман!

– Қараб турмаганингда нима қилардинг?

– Башарангни бежаб ташлайман!

– Э, онангни...

Исмат Наби томонга ҳезланди. Шу пайт уларнинг ёнида пайдо бўлган Хайрулла Исматни кучоқлаб олиб, нарига судради.

– Исмат, ҳозиргина сенга нима дегандим! – дея ўртоғини уришиб берди Хайрулла.

Исмат Набига мушт ўқталди:

– Қараб тур ҳали, тўйдан кейин уйинга етолмайдиган қилиб қўяман!

Хайрулла Исматни даврадан олиб чиқиб кетди. Наби ўйинга тушишда давом этаверди. Ҳовлига ўтишгач, Хайрулланинг кучоғидан силтаниб чиққан Исмат бир чеккага ўтди ва яқин-атрофда юрган йигитларни жанговар қиёфада бир-бир чақира бошлади:

– Зойир. Чақир Рустамни. Зокирам эсдан чиқмасин. Ҳой, Олим. Тез Илҳомни топ.

– Тинчликми, Исмат? – деб сўради Зойир.

– Куёвжўралардан биттаси менга куруқлик қилди, – тушунтирди Исмат. – Тўйдан кейин кунини кўрсатамиз!

Зойир хурсанд бўлиб кафтларини бир-бирига ишқади:

– Э, ҳозир ҳаммани топаман. Сен искаладдан бир-иккита ароқ олиб тур. Қизишиб олиш учун.

– Сен ароқдан ғам ема! Иккита бўлмаса тўртта оламан. Қариндошман, ахир...

Даврада ер тепиниб рақсга тушаётган оломон сафи тобора кенгаяверди, кенгаяверди. Келин-куёв ўрнидан туриб, ўйнаётганларга пул узатиши урф бўлган экан, Мардон билан Нозима буням адо этишди.

Бу орада Файзулла оқсоқол излаб чарчади. У ёши каттароқ кўринган одамни кўрса бас, ёнига чопиб боради, аммо уларнинг аксарияти маст. Маст эмаслари эса елка унинг саволига елка қисиб жавоб беришади, холос. Ниҳоят Файзулла бадрафхона томонга алпонг-таппонг қадам ташлаб кетаётган Амир акани кўриб қолдию, дарров қудасининг йўлини кесиб чиқди.

– Амир ака, энди бизга рухсат берсангиз. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди.

Амир ака Файзуллга ажабланиб қаради:

– Рухсат? Қанақа рухсат? Бугун тўй эрталабгача давом этади. Эркатои қизимнинг тўйи тўймисан тўй бўлиши керак! Тўғрими, қудам?

– Тўғри, Амир ака, – дарров қудасининг фикрини маъқуллади Файзулла. – Лекин куёв бола уйига бориб озроқ дам олиши ҳам керак. Эртага катта тўй. Тўй ташвишлари қандай бўлишини ўзингиз яхши биласиз.

– Ундай бўлса... – Амир ака ўйланиб қолди. – Ундай бўлса аввал “йўлочар”га юзта-юзта оламиз, ана ундан кейин қачон жавоб беришни гаплашамиз. Мен ҳозир...

Амир ака ҳожатхона томон чайқалиб юриб кетди. “Уҳ” тортиб қўйган Файзулла қозон юваётган ошпазининг ёнига борди.

– Ака, кечирасиз, Ҳожи бобо кўринмадиларми?

Ошпаз бош чайқади.

– Ҳожи бобо – покиза инсон. У киши бунақанги жойларга келишдан ор қиладилар. Буни қаранг, – ошпаз уюлиб ётган нон бўлақларига ишора қилди. – Буниси-чи? – Ошпаз иккита катта кир тоғорага солинган овқат қолдиқларини кўрсатди. – Увол эмасми? Тўқликка шўхликнинг ҳам чегараси бўлиши керак-ку ахир. Бир ойдан бери қишлоқда ҳар куни икки-уч уйда тўй. Ҳар куни шу аҳвол. Гапиравериб Ҳожи бобонинг оғзи чарчади. Охири гапирмай ҳам, келмай ҳам қўйди.

– Э, шунақа денг... Афсус.

– Тинчликмиди, ака?

– Даврани ёпиб, дуо берадиган бир кексароқ отахон, иложи бўлса оқсоқоллардан бирини қидириб юргандим.

– Бунақанги давраларда “бўйни узун мўйсафид” дан бошқа оқсоқол тополмасиз-ов, ака, – куйиниб деди ошпаз. – Шундай бўлсаям бир уриниб кўринг.

Файзулла яна даврага яқинлашди. Ўртада Аширмат тоға уч-тўрт тенгдоши билан ўйнапти. Файзулла атрофга аланглади. Худди шу пайт унинг ёнидан Амир ака зипиллаб ўтиб кетди ва тўғри ўйнаётганлар даврасига бориб қўшилди. Сўнг Амир ака Аширмат тоғани қучоқлаб олди. Ака-ука шу ҳолларида келин-куёв ўтирган жойга яқинлашдилар ва пиёлаларга ароқ қўйиб, улар билан қўшиштириб ичдилар. Буни кўриб турган отарчи ҳофиз қўшиқ айтаётган жойида ўртакаш қизга қараб кўз қисиб қўйди. Роҳила илдам келиб микрофонни қўлига олди ва тантанали тарзда эълон қилди:

– Мана энди, азизлар, келинчагимизнинг жондан азиз падари бузруквори Амир акамизнинг илтимосига кўра келин ва куёв иштирокида шўх бир рақсни томо-

ша қилами-из! Совға-саломини беришга улгуролмай қолганлар учун ажойиб имконият! Марҳамат, санъаткорлар!

Шўх қўшиқ янгради. Келин билан куёв даврага чиқиб келишди ва рақс туша бошлашди. Давра иккига ажралди. Келин-куёв рақсига Амир ака қўшилди! Пул дегани ёмғирдай ёғилди келин-куёв ва Амир ака устига! Раққоса Гулбадан уларни терибли олишга улгуролмай қолди. Қўшиқ яримламай туриб бу рақсга Аширмат тоға ҳам қўшилиб кетди. Кейин бошқалар. Даврадан яна чанг кўкка кўтарилди. Маст Амир ака келинчақ Нозимани маҳкам қучоқлаб олганча хўнграб йиғлаб юборди. Қайдандир пайдо бўлган Холида хола қизининг ортидан келиб, унинг елкасига бош қўйганча эрига қўшилишиб пиқиллаб йиғлай бошлади. Аммо оломон жазава билан рақс тушмоқда. Ер тепиниб, терлаб-пишиб, чангга кўмилиб ўйнаётганлар фақат шўх мусиқани ва ўйноқи ашулани эшитишади, улар фақат рақс тушаётганларни кўришади. Ўйнаётган эркаклар аёлларни, чунончи отарчи Гулбаданни кўришмоқда, холос. Гулбадан фақат пулни. Қиз-жувонлар эркакларни...

Ҳар қалай, кимнингдир фаҳми етди чоғи, келин-куёвни бир амаллаб жойига ўтқазиб қўйишди. Қўшиқ суръати сал сусайгандай бўлди. Маза қилиб рақс тушаётган, кўзлари қонга тўлган, терлаб кетган Исмат қўшиқ айтаётган ҳофизнинг ёнига борди.

– Тўхтамай айтаверинг, ака! – дея Исмат қўшиқ айтаётган ҳофизнинг қулоғи тагига келиб бақирди. – Бу ёғига ўзим жавоб бераман!

Ҳофиз бош ишораси билан “хўп” деб қўйди. Қўшиқ кучайди. Бояги уч йигит энди Гулбаданни ўртага олишди. Ҳадеб баданларини отарчи раққосанинг баданига теккизишга уринаётган йигитлардан бири шартта Гулбаданнинг билагидан тутди.

– Бу оқшом шу ерда қоласиз, жонидан, – деди у раққосага ҳирс билан тикиларкан.

Йигитнинг қўлидан чиқиб кетиб, рақс тушишда давом этаётган Гулбадан ишва билан “йўқ” ишорасини қилди. Буни кўриб баттар қони қизиб кетган иккинчи йигит дангалига кўчди:

– Юз минг!

Гулбадан яна “йўқ” ишорасини қилди.

– Ҳар биримиздан! – дея ваъдани катта бериб юборди учинчи йигит.

Гулбадан яна “йўқ” ишорасини қилди ва чаққонлик билан йигитлар орасидан сирғалиб ўтиб, қўлидаги пулларни чорпояда ўтирган эркак ёнида турган тор ғилофи ичига обориб ташлади.

– Ноз қилаяпти, қанжиқ! – тишларини ғижирлатди иккинчи йигит.

– Ўзи лекин ўлиб турибди! – гапни илиб кетди биринчи йигит.

– Қани, эгаси билан яхшиликча гаплашиб кўрайлик, агар кўнмаса... ўзидан кўрсин, – деган қарорини эълон қилди учинчи йигит.

Йигитлар фонограммада қўшиқ куйлаётган ҳофиз ёнига боришди.

– Менга қаранг, – деди биринчи йигит сира ҳам яхшилик ваъда қилмайдиган оҳангда, – сиз ҳам йигитсиз, биз ҳам. Ўйинчингизни бир кечага қолдириб кетасиз, биз ҳозирнинг ўзида нақд юз минг берамиз. Бу яхшиликча битадиган савдо.

Иккинчи йигит уриб юборгудай важоҳатда гапни давом эттирди:

– Акс ҳолда... шу қишлоқдан иккаланг ҳам тирик чиқиб кетолмайсан.

Ранги оқариб кетган ҳофиз йигитларга мўлтираб қаради:

– Йигитлар, мен бунақанги ишлар билан шуғулланмайман. Мен уни уч соатга ёллаб келганман. Қап-катта хотин. Ўз ҳаётига ўзи хўжайин. Қоламан деса, марҳамат. Қолмайман деса зўрлай олмайман.

Ҳофизнинг қўрққанини сезгани боис ҳаволаниб кетган иккинчи йигит беписанд оҳангга гапирди:

– Сен зўрламасанг, биз зўрлаймиз. Унга кўшиб сениям.

– Йигитлар, бу ҳақда сал кейинроқ гаплашайлик, – деди вақтдан ютишга аҳд қилган ҳофиз. – Ҳозир кўшиқ айтишим керак.

Учала йигит мамнун ишайганларича даврага қайтиб бориб, ғалати қилиқлар билан ўйинга тушишда, Гулбаданни ўртага олишда давом этишди.

Маст Амир акадан умид йўқлигини англаган Файзулла оқсоқол излашда давом этди. Ниҳоят бу ишдан наф йўқлигини англагач, ичкарида ўтирган “нозик меҳмонлар”дан хабар олиб қайтаётган Аширмат тоғага рўпарў бўлди. Шундан кейин улар орасида қуйидаги суҳбат бўлиб ўтди.

– Қуда, энди бизга жавоб берсангиз, – дангалига кўчди Файзулла.

– Тўй энди қизияпти-ку, қуда.

– Борайлик. Анча ўтирдик. Бу ернинг оқсоқоли ўзингизга ўхшайсиз.

– Оқсоқоли ҳам, қорасоқоли ҳам ўзимиз, қуда.

– Бизга жавоб берсангиз, қуда бова. Анча йўл...

– Майли, ҳозир бориб артистларга бир жуфт зўридан заказ қиламиз, юзтадан отамиз, кейин ўртага чиқиб бир ўйнаймиз... Ана ундан кейин сизларга жавоб.

– Оминни ким айтади?

Аширмат тоға шу савол оғирлик қилгандай чайқалган ҳолида бироз ўйланиб қолди.

– Эртага сизникида келган жойидан давом эттирадиган бўлганимиздан кейин, овмин қилиб ўтириш шартми, а, қуда? – деди у ниҳоят зўр бир кашфиёт қилгандай қувониб.

– Шунини эртароқ айтмайсизми, қуда, мен ярим соатдан бери даврани ёпиб берадиган оқсоқол қидириб юрибман.

Файзулла ноилож Аширмат тоғага эргашди. Аширмат тоға алпонг-талпонг қадам ташлаб, Роҳиланинг ёнига борди.

– Қизим, артистларингга айт, бир жуфт зўридан бўлсин, – деди у. – Кейин куёв болага жавоб берамиз.

– Ҳўп бўлади, тоға.

Файзулла илдам бориб даврада рақс тушаётган Маҳфират чечага учрашди.

– Чеча, бўлди, болаларга айтинг, иккита кўшиқдан кейин кетамиз.

Маҳфират чеча иккиланиб қолди:

– Ҳали анча эрта-ёв...

– Анча кеч!

Жаҳлини босиб туролмаган Файзулла қаттикроқ гапириб юборди.

Роҳила микрофонни қўлига олди.

– Ҳар нарсанинг боши бўлганидай, охири ҳам бор.

Мана, жуда чиройли ўтган тўйимиз ҳам якунига етай деб қолди. – Даврадан хуштак, норозилик хитоблари

эшитилди. – Йўк, йўк, даврамиз ҳали-бери тугамайди. Биз бир жуфт шўх кўшиқ ва худди шундай шўх рақсдан кейин фақат куёвтура ва у киши бирга гўзал ошенимизга қадам ранжида қилган азиз меҳмонларга жавоб берамиз, холос. Даврамиз эса давом этади. Қани, марҳамат, санъаткорлар!

Шўх кўшиқ янгради. Ҳар нарсанинг охири ширин дейишади. Давра ҳам рақс тушиш истагида бўлганларга тўлди. Файзулла даврага кириб, кетиш вақти бўлганини куёвжўраларга бир-бир тайинлаб чиқа бошлади. Сўнг Азимни эргаштириб чиқиб, “Дамас” моторини ёқди ва машинани дарвозага яқин келтириб қўйди.

Ниҳоят Маҳфират чеча куёвбола Мардоннинг иккита сингисини эргаштириб чиқиб келди. Улар ортида алпонг-талпонг қадам ташлаб келаётган куёвжўралар. Файзулла бориб йигитларнинг ҳаммаларининг ўз машиналарига чиқишларини назорат қилиб турди.

Машиналар карвони йўлга тушди.

Қишлоқдан чиққан машиналар катта йўлдан бир қақирим юрар-юрмас зулмат бағридаги дарахтлар орасидан Исмат бошлиқ йигирматача йигит йўлга чиқди ва кўчани тўсиб олди. Олдинда кетаётган “Нексия” кескин тормоз бериб тўхтади. Унинг ортидан кейингиси. Энг орқада келаётган “Дамас”ни бошқариб келаётган Файзулла ҳайрон бўлиб олдинроққа ўтди ва йўлни тўсиб турган, сўйил, арматура, тошлар билан қуролланган йигирматача йигитни кўрди. Уларнинг жимгина совуққон туришида недир бир ваҳм, ваҳшат мужассам эди.

– Э, киз вечерлариниям!.. – деб юборди Файзулла жаҳл билан.

Маҳфират чеча эса:

– Вой ўлай, ҳали бунақасиям бормиди! – деди ваҳима билан.

Файзулла отилиб машинадан тушди. Гўё “Дамас” эшигининг очилиб-ёпилиши сигнал вазифасини ўтагандай бирдан йўлтўсар йигитлар ваҳшиёна қичқирганларича машиналар томон отилишди. Машиналар устига тош-кесаклар даранглаб ёғилди. Жонжаҳди билан куёв ўтирган “Нексия” ёнига югуриб етиб олган Файзулла эшикка ёпишаётган безори йигитлардан бирини тепиб юбораркан, “Нексия” капотига кафти билан даранглаптиб урди.

– Бос! Бос! – дея қичқирди Файзулла жон ҳолатда.

Шундан сўнг Файзулла машина чироқлари ёруғида йўлни тўсиб турган икки йигитни кўрди ва улар томон отилди. Файзулла иккала йигитни икки томонга итариб юборди. Мотори ўчмай турган “Нексия” чийиллаб олдинга интилди. “Нексия”нинг қизил орт чироғи тобора узоқлашиб кетаверди. Қолган машиналар эшиклари қарсиллаб очилиб-ёпилди. Куёвжўралар Файзуллага ёрдамга ошиқишди. Улар орасида титраб-қалтираб турган, мониторинг ушлаб олган Азим ҳам кўринди.

Йўлтўсарлар Файзулла бошлиқ куёвжўраларни аста ҳалқа шаклида ўраб олишди. Қўлидаги узун арматурани кафтига уриб-уриб қўяётган Исмат ёвузона илжайганча куёвжўралар орасидан зўр бериб Набини қидирарди. Иккала гуруҳ бир-бирига яқинлашиб кела бошлади...

Худди шу маҳал қишлоқдан чиқишдаги қайрилишда яна бир машинанинг бурилгани кўринди. Ўткир нурлар

кўзга ташланди. Боя раққоса Гулбаданга тегажаклик қилган уч йигит Исматнинг ёнига келишди.

– Исмат, бизнинг ўлжа ҳам келиб қолди. Биз уни олиб кетайлик, кейин бу ерда ўзларинг бемалол разбор қилаверасизлар, – деди биринчи йигит.

Бу орада жуда тез келаётган “Нексия” яқин келиб қолди ва кескин тормоз бериб, нарироқда тўхтади. Машина эшиги очилди, ҳофиз Рашиднинг қалтираган овози эшитилди:

– Йигитлар, мен тўйларингизда хизмат қилган артистман. Мени ўтказиб юборинглар.

– Орқада ўтирган Гулбаданни ташлаб кетсангизгина ўтасан. Бўлмаса йўқ! – дея дўк урди улкан сўйилини намойишкорона тарзда кўз-кўзлаётган иккинчи йигит.

Ҳофиз энгашиб ким биландир пичирлаб гаплашди.

– Раққосам сизларга қоламан деб ваъда бермаган экан, – деди ахийри ҳофиз бошини кўтариб.

– Берган, ваъда берган! – деди учинчи йигит ишонч билан. – Сен ташлаб кетавер, биз ўзимиз бу масалани ҳал қилиб оламиз. Бўл тез! Ё ўзингизнинг ҳам, машинангизнинг ҳам тит-питини чиқариб ташлайликми?

Ҳофиз яна энгашиб орқада ўтирган Гулбадан билан ниманидир пичирлашди.

– Йигитлар, илтимос, бу масалани эртага, ичмаган пайтларингиз гаплашайлик.

– Э, онангни!.. – Ёмон сўқинди учинчи йигит. – Ташла дегандан кейин яхшиликча ташла-кет-да! Нима қиласан гапни чўзиб!

– Йигитлар... ахир меҳмонларингиз... – аянчли овозда ялинишга ўтди ҳофиз.

– Энди ўзингиздан кўр!

Бу гапни сўйил кўтарган йигит айтди. Шундан кейин учала йигит бирданига олдинга ташланишди. Жон алпозда қайтиб машинасига ўтирган ҳофиз машинасига газ берди. Машина чийиллаб олдинга интилди. Ҳофиз жон-жаҳди билан сигнал чалганча шиддат билан йўлтўсарларга яқинлашиб келаверди. Ўзларига ишонган йигитлар йўлни бўшатишмади. “Нексия” шиддат билан учиб келди ва йигитларга яқинлашган маҳал сал чапга қайрилиб, уларни айланиб ўтиб кетишга уриниш асносида чеккадаги йигитни уриб юборди. Йигит йўл чеккасига коптокдек отилиб кетди. Буни кўрган унинг ёнидаги йигит дод солиб юборди. Ҳофизнинг машинаси шиддат билан узоклашиб кетаверди.

Машина уриб кетган йигитнинг қонга ботган гавдаси йўл четида тўлғаниб, типирчиларди. Буни кўрган маст йигитлар ҳам бирдан ҳушёр тортишгандек бўлишди. Худди шу маҳал ер гурсиллагандай бўлади. Чироқ-фонарлар кўтариб олганча шу томонга чопиб келаётган ўн беш-йигирма чоғли одам қораси кўринди. Машиналар фараси ёруғида уларнинг олдида ҳарсиллаб турган Хайрулла кўринди.

– Исмат, бу сенинг ишингми? – деди Хайрулла жаҳл билан. – Уялмайсанми, бегонанинг эмас, ўзингизнинг қариндошингизнинг тўйида шунақа қилишга?! – Хайрулла бирдан йўл четида тўлғаниб ётган гавдани кўриб қолди. – Нима бўлди?

Биринчи бўлиб ўзига келган Файзулла машина уриб кетган йигит томон отилди. Йигитнинг оғзидан қон келган, вужуди ожизона титраб-қалтираб қўймоқда эди, худди ҳаёт билан аста-секин видолашаётгандай.

Файзулла ёнига келган Хайруллага қаради. Исматнинг ёнида турган йўлтўсар йигитлардан беш-олтитаси

аста-секин қоронғуликка чекиниб, кейин шаталоқ отиб қочиб қолдилар.

– Буни тез балнисага обориш керак, – деди Файзулла. – Кўтар.

Хайрулла энгашиб йигитни кўтариб олди. Файзулла чопиб бориб “Дамас”ни шу ерга олиб келди. Сўнг бақа бўлиб қотиб қолган Маҳфират чечага қаради.

– Чеча, сиз қизларни олиб бир амаллаб нариги машиналарда етиб оларсизлар. Биз буни, – Файзулла Хайрулланинг кўлидаги гавдага ишора қилди, – балнисага оборамиз.

– Хўп, – деди Маҳфират чеча кўрқа-писа.

Маҳфират чеча ва иккита қизни амаллаб икки “Нексия” билан битта “Жигули”га жойлашишди. Улар йўлга тушишди. Хайрулла машина уриб юборган йигитни Файзулланинг машинасига жойлади, ўзи унинг ёнига ўтирди. Шундан кейингина “Дамас”га ўтирган Файзулла қалт-қалт титраётган Азим ёнидаги ўриндиққа келиб жойлашгач, Хайруллога ўғирилди.

– Қаёққа ҳайдай?

– Бу ердан облбалнисагача ўттиз километр, – тунтирдди Хайрулла. – Аввал тўғрига, кейин...

– Кетдик, – деди Файзулла.

“Дамас” олдинга интилди. Чироқ-фонарлар кўтариб Хайруллога эргашиб келганлардан бири, қирқ ёшлардаги эркак жаҳл билан ерга тупурди:

– Ўйиндан ўт чиқди ахийри. Бир куни шундай бўлиши аниқ эди...

Келганлар аста-секин ўғирилиб, қишлоқ томон йўлга тушишди. Йўл ўртасида ҳамон кўлида арматура тутиб турган Исматнинг ёлғиз ўзи қолди.

Файзулла, Азим ва Хайрулла вилоят марказий шифохонасининг реанимация бўлими биноси ёнида тонг оттиришди. Файзулла дўхтирларга, ҳамшираларга қанчалик ялиниб-ёлвормасин, фойда бермади – уни ичкарига қўйишмади. Ярим кечаси улар ёнига ҳофиз Рашиднинг ваҳимага тушган акаси, эллик ёшлардаги Нурилла ака қўшилди.

Икки қаватли сарғимтир бино қаршисида кичкинагина ошхона бор. Ошхона ёнида тўртта сўри. Унда беморларнинг яқинлари жойлашиб олишган. Жой етмаганлар шундай ерга шолча тўшаб ўтиришибди.

Уфқда қуёшнинг илч нурлари кўзга ташлана бошлади. Кун анча салқин, одамнинг этини жунжиктиради.

– Узр, Файзулла ака, – деб қолди бир маҳал Хайрулла. – Кеча хатолик мендан ўтди. Ўзим сизларни қишлоқдан чиқариб қўйишим керак эди. Чалғиб қопман.

Файзулла берух қўл силтади.

– Хайрулла ака, – қизиқиб сўради Азим. – Сизларда ҳамма тўйнинг охири уриш-жанжал билан тугайдими дейман?

– Ароқ бор жойда ғурбат бор, жанжал бор, – хўрсинди Хайрулла. – Шунинг учун оқсоқолларимиз энди тўйларни кундузи ўтказамиз деб ҳаракат қилиб ётишибди. Лекин ҳозирча буниг иложи бўлмапти. Ёшларнинг ўзи бунга кўнмаяпти.

Қайгадир йўқ бўлиб қолган Нурилла ака қўл қовуштирган қўйи уларга яқинлашди.

– Дўхтирлар билан гаплашдим. Сўраганини бердим. Ишқилиб, ёрдам қиламиз дейишди. Битта сўри

олиб қўйдим, – деди у қандайдир мақтанаётгандай оҳангда.

– Қанақа сўри? – ҳайрон бўлиб сўради Файзулла.

Нурилла ака бино қаршисидаги ўртасидаги хон-тахтасига ноз-неъматлар қўйилган, хонтахта атрофига кўрпачалар тўшалган чорпоялардан бирини кўрсатди:

– Ҳов анави, энг биринчисини. Яхшилаб безаб, мева-чевагача тайёрлатиб қўйдим. Ошпазлар билан гаплашдим. Кунига уч маҳал иссиқ овқат қилиб бериб туришади. Камига ўзим тандир, жиз-пиз опкелиб тураман.

– Қанақа тандир? Кимга? – баттар ажабланди Файзулла.

– Кимга бўларди, беморимизнинг яқинларига-да. Улар ерда ўтиришмасин, деб олдиндан заказ қилиб қўйдим сўрини. Бир ҳафтами, ўн кунми – қанча керак бўлса шунчасига туриб бераман, – ғурур ила кўкрагини керди Нурилла ака.

– Бу ерда шунақа одат бор, – тушунтиришга уринди Хайрулла. – Айбдор томон жабрланган томоннинг жойини, овқатини кўтаради.

Файзулла тутаклиб кетди:

– Бир инсон у ёқда ўлим билан олишиб ётганда, бу ёқда яқинларининг томоғидан уч маҳал овқат ўтадимми? Тандир ўтадимми? Ё сўрида, юмшоқ кўрпачалар устида ёнбошлаб ётишадими?

– Фалокат бу, ука, фалокат, – дарҳол вазияни юмшатишга уринди Нурилла ака. – Ахир ҳеч ким атай бундай бўлсин демаган-ку. Тўғрими?

– Энди шундай қилса қариндошлари унчалик даъво қилишмайди-да, – яна тушунтириш берди Хайрулла. – Агарда ҳаммаси бирлашиб “Ўзи боланинг кўзи яхши кўрмасди” ё “Шабкўр эди” дейишсами...

– Тушунарли... – хўрсиниб қўйди Файзулла. – Хўп, бўлмаса биз кетдик. Сиз қолаверинг... сўри-пўрию, тандирларингиз билан, ака.

Файзулланинг гап оҳангидаги кесатикни англамаган Нурилла ака кўкрак керди:

– Албатта. Қанча керак бўлса, шунча хизмат қиламиз.

Файзулла жаҳл билан дарвоза томон юрди. Унга Азим билан Хайрулла эргашди.

– Хўш, энди нима иш қолди бизга? – Хайруллага ўгирилиб сўради Файзулла.

– Бугун соат ўн бир-ўн иккиларда келиб келинни олиб кетасизлар. “Тўққиз товоқ”, “тўш” деган кичкинагина маросимлармиз бор. Йўлда келин-куёв, келин-дугона, куёвжўралар бирон кафега кириб, шашлик-пашлик, морозний ейишади. Кейин бўлди, уйга.

Файзулла енгил нафас олди:

– Хайрият...

Бирон соатларда қишлоққа етиб келишди. Файзулла олдига чопиб чиққан акасига вазиятни тушунтирди. Машина уриб кетган боланинг ҳаёти хавф остида эмаслиги эшитган Сайдулла ака анча енгил тортди.

Бир пиёла чойдан кейин Азим дарвоза ёнида “Дамас” ини ювишга тутинди.

– Ҳорманг, ҳорманг, – дея келиб қолди унинг ёнига тўй раиси Халил оқсоқол. – Яхши бориб келдиларингми, ука.

– У ер қишлоқ эмас, арининг уяси экан-ку, Халил ака, – деди Файзулла ўпкалаган оҳангда.

Халил оқсоқол пинак бузмади:

– Ҳаммасини эшитдим, ука. Эътибор бериб ўтиришга арзимайди.

Файзулланинг оғзи очилиб қолди:

– Чиндан-а?

– Сен бола телевизор кўриб турасанми? – саволга савол билан жавоб қайтарди Халил оқсоқол.

– Ҳа, – деди Файзулла ажабланиб. – Нимаиди?

– Телевизор кўрсанг, анави кинода бир чол нима дейди? Эсингга тушдимми? “Уриш-жанжал бўлмаган тўй тўйми?” дейди. Ҳа, энди сен ҳам акамнинг тўйида шуйтиб хизмат қибидим, деб эслаб юрарсан.

– Лекин...

– Лекин-пекинни қўйиб тур, ука. Буни тўй деб қўйибдилар. Ҳозир дарров бориб келинни олиб келишга бош-қош бўл. Хайр қилсанг бутун қил, дейдилар. Бир ишни бошладингми, охирига етказ, чала ташлаб кетма.

Файзулла иккиланиб қолди:

– Кечаги машиналар борармикан? Бир-иккитасининг томи қийшайган, иккитасининг ойнаси синган, биттасининг капоти пачақ бўлган дейишди.

Халил оқсоқол бепарво қўл силтади:

– Кечаги бўлмаса, бошқаси топилар. Тўйчиликда ҳар нарса бўлади. Барисига қовоқ-тумшуқ қилиб кетавериш керак эмас. Хўпми?

– Хўп, оқсоқол, – Файзулла қўлини кўксига қўйди.

– Хавотир олма, ука, – Файзуллани юпатган бўлди Халил оқсоқол. – Шайтон суви кучини фақат қоронғи тушгандан кейин кўрсатади. Кундуз бемалол бориб, келинни олиб келаверасизлар.

– Хўп, оқсоқол. Мен машинани бир кўздан кечириб қўяй бўлмаса.

– Майли. Акангнинг тўйида бир хизмат қилсанг қипсан-да.

Куёвжўралар тайёр бўлгунча бир соатча вақт ўтди. Кейин Сайдулла ака билан Халил оқсоқол келинни олиб келишга машина излаб кетишди.

Ниҳоят яна бир соатлардан сўнг иккита “Нексия”, иккита “Жигули”, битта “РАФ” микроавтобуси ва “Дамас” дан иборат машиналар карвони сигналларини чалганча йўлга чиқишди.

Машиналар келиннинг уйига етиб келганида соат ўн иккидан ошиб қолганди.

Куёв ва куёвжўралар, “Дамас” даги Маҳфират чеча ва битта жувон ҳовлига кириб кетишди. Файзулла машинасини чеккароққа олиб ўтгач, Азимни олиб, ҳовлига кирди. Шу заҳоти уларни тўрт-беш эркак қуршаб олди.

– Бош қуда сиз экансиз, – деди эркаклардан бири идао билан. – Қани, аввал ароқ пулини чўзиб қўйинг-чи!

Файзулла ҳайрон бўлди:

– Қанақа ароқ пули?

– Биз сизларни кутиб ўтириб тўртта ароқ ичдик, – тушунтирди лабини ялаб турган бошқа эркак. – Демак, ўн минг беришларинг керак.

– Урф-одатларимиз шуни талаб қилади, ука, – орага қўшилди яна бири.

Файзулла ноилож ўн минг сўм чиқариб берди. Эркаклар уларни ўтқазиб юборишди. Энди ота-бола ёнига соқолига оқ оралаган бир мўйсафид яқинлашди.

– Қуда, келиннинг тоғаси учун зудликда ўн беш минг сўм бераркансиз, – деди мўйсафид эҳтиром билан.

Файзулла индамай ўн беш минг сўм санаб берди.
– Ўтин ёрувчилар учун бор-йўғи олти минг, қуда,
– ёддан биладиган рўйхатини ўқишда давом этди мўйсафид. – Ошпазга тўққиз минг. Жами яна ўн беш минг.

– Яна кимга қанча беришим керак, ҳаммасини бирдан айта қолинг.

– Никоҳ қиядиган муллага ўттиз, муллани олиб келиб-олиб бориб қўядиган машинага ўн... хуллас, жами яна эллик мингча берсангиз етиб қолар.

Аччиқ нарса егандай афти буришиб кетган Файзулла мўйсафидга чўтагидан бир даста беш юз сўмлик чиқариб берди.

Қарзини ундиргандай хотиржам мўйсафид нари кетган маҳал Азим шивирлади:

– Ўҳ-ҳў, ман тўйга келдик десам, “бер-бер”га келибмиз-ку.

– Урф-одатлармиз шу, ўғлим, – қўлларини икки ёнга ёйди Файзулла.

– Нима, бу билан қадимда ҳам ароқ пули бўлган демоқчимисиз, адажон? – ажабланиб сўради Азим.

Бу орада қайтиб келган меҳмон уларни ичкарига бошлади:

– Марҳамат қилсинлар, азизлар.

Ота-бола яна ичкарига юришди. Аммо кечаги тун тажрибасидан ўзича хулоса чиқарган Файзулланинг ичкарига кириб олиб, бемалол ўтиргиси келмади.

– Сиз бемалол, отахон, биз бир куёвжўралардан хабар олайлик-чи.

Файзулла ўғли билан айвондан ўтиб, ичкари хонага мўралади. Куёвжўраликка боровериб тажрибаси ошиб қолган йигитлар оёқ кийимларини ечмасдан хонага бостириб кириб олишганди.

– Уйга, янги кўрпалар устига туфлида киришнинг нима сири бор, адажон? – яна ҳайрон бўлиб сўради Азим.

Файзулла бу урфни биларди. Шу сабабли дарҳол жавоб берди:

– Шундай қилмаса, янгалар туфлиларни ўғирлаб қўйишади. Кейин ўз туфлингни ўзинг сотиб олишинг керак.

– Ҳа-а...

Иккита янга куёвжўралар дастурхонига иккита улкан товоқ олиб киришди.

– Бу товоқлар фақат беш юзталик, минг сўмлик билан тўлиши шарт! – эълон қилди янгалардан бири. – Юз сўмлик, икки юз сўмликлар қабул қилинмайди!

Куёвжўралар ҳуштак чалиб юборишди.

– Менда ҳаммаси юз сўмлик, эллик сўмлик! – бақирди Наби. – Олсангиз шу, олмасангиз катта кўча!

– Агар битта икки юзлик қўшилиб қолса ҳам келинни сизларга бермаймиз! – пўписа қилди яна ўша янга.

– Унда келин қариқиз бўлиб ўтираверади!

Тортишиш, даҳанаки жанг авжга чиқди. Хуллас, бир амаллаб товоқлар тўлдирилди. Товоқдан кейин янгалар ликопчалар, чойнақлар олиб киришди.

– Буларнинг ҳаммаси пул билан тўлиши керак, – яна эълон қилди гапдон янга. – Шарт ўша-ўша: фақат мингталик, ҳеч бўлмаса беш юзталик ташлаш шарт!

Шу пайт кимдир Файзулланинг енгидан тортди. Файзулла ўғирилди. Унинг қаршисида бояги мўйсафид мулойимгина бўлиб турарди.

– Узр, қуда, боя шошилишда эсимдан чиқиб қолибди. Кўрпа кўтариб чиққанга, келиннинг укасига,

момосига атаб озгинагина чиқим қилишингизга тўғри келади...

Файзулла чўнтагини кавлади:

– Қанча?..

Файзулла пул чиқариб улгурмасидан бурун орқадан етиб келган Аширмат тоға Файзуллани маҳкам кучоқлаб олди.

– Э, қуда, бормисиз! – У ичкарига ишора қилди. – Кечагидан кейин бошим ёрилиб кетай деяпти. Юринг, юзта-юзта қилиб олайлик.

– Сиз бемалол, қуда. Мен рулдаман, – деди Файзулла шошиб.

– Э, айтдим-ку, бу территорияда “Аширмат тоғага тегишли одамман” десангиз бўлди, любой ГАИ честь бериб қолади! Гапимга жавоб бераман, қуда!

Файзулла яна бир бор қўлини кўксига қўйди:

– Сиз баҳузур. Биз бориб машинадан хабар олайлик.

– Ўзингиз биласиз. Зоримиз бор, зўримиз йўқ. – Қудасининг ортидан норози тарзда қараб қўйган Аширмат тоға ичкарига кириб кетди.

Орадан бир соатча вақт ўтди. Файзулла иссиқда терлаб-пишиб кетсаям, ўғли билан “Дамас” ёнида тураверди.

– Бир соатдан ошди, – деди соатига қараб қўйган Файзулла. – Тўшни еб бўлишгандир. Бир хабар олай-чи.

Шу пайт ичкаридан шовқин-сурон билан куёвжўралар чиқиб келишди. Келин-куёв “Нексия”га ўтиришди. Келиндугоналар қолган машиналарга ва “РАФ”га. Уч-тўртта кексароқ аёл ва Маҳфират янга, унинг ҳамроҳи “Дамас”га чиқишди.

Амир ака Файзулланинг ёнига гандираклаб келди:

– Кечқурун кўришамиз, худо хоҳласа, қуда.

– Албатта, қуда, албатта.

– Соат ровно еттига бир катта заказной автобусда қавм-қариндошлар бир бўлиб етиб борамиз.

– Кутамиз.

– Оқ йўл сизларга. Омин, оллоҳу акбар.

Уй эгасига қўшилишиб чиққанлар юзларига фотиҳа тортишди. Машиналар карвони энди йўлга тушган маҳали бирдан таққа тўхтади: кейинги кўчада беш-олти йигитча арқон тортиб турарди.

Файзулла машина ойнасидан бошини чиқариб олдиндагиларга бақирди:

– Рўмолча-пўмолча бўлса бериб юборинглар.

“Дамас”да ўтирган кексароқ аёл бош чайқади:

– Э, ука, булар рўмолчага кўнмайди. У замонлар ўтиб кетган. Берсангиз иккита ароққа етарли пул беринг ё ароқнинг ўзини.

Файзулла ҳайратдан ҳуштак чалиб юборди:

– Ё қудратингдан! – Сўнг дарров чўнтагини кавлади. – Эй бола! Бу ёққа кел. Мана икки ароқнинг пули!

Бир йигитча чопиб келиб пулни олгач, унинг шериклари арқонни туширишди. Машиналар карвони сигналларни ду-дуглатганча яна йўлга тушди. Аммо катта йўлга бурилаётган маҳал карвон яна тўхташга мажбур бўлди. Бу сафар эллик ёшлардаги бир тепакал, баланд бўйли одам йўлга чиқиб, – арқон тополмаган шеклилли – қулочини кенг ёйиб олганди.

“Дамас”даги аёл қулди:

– Ўлсин, бу ўзимизнинг Турсунбой алкаш. Бунга битта вионинг пулиям етади. Шу билан кечгача хурсанд бўлиб юради.

– Турсунбой акажон, – деб чақирди эркакни Файзулла ойнадан бошини чиқариб, – барака топкур, келинг, олинг, мана солиғингиз.

Турсунбой ака деганлари хурсанд бўлганча лапанглаб чопиб келиб олди. Машиналар карвони яна йўлга тушди.

Барча ташвишлар, елиб-югуришлар, асаббузарликлар ортда қолгандай. Сайдулла аканинг ҳовлисида ўтаётган қасира-қусур тўй ҳам якунланай деб қолди. Қўшиқ авжида. Ўртада иккита катта-катта гуруҳ рақсга тушяпти. Ҳар гуруҳда биттадан раққоса аёл. Улар меҳмонларга қистирилган пулларни чаққонлик билан териб олишмоқда. Даврада қизил бўйинбоғ тақиб олган Сафар ака ҳам қўллари кенг ёйганча ўйнаяпти. Маст Амир ака ўзидан ҳам маст Сайдулла акани кучоқлаб олган.

– Энди сийғимиз битди, қуда. Қайтмасак бўлмайди. – Амир аканинг тили аранг айланарди.

– Тўй энди қизияпти, қуда, – рози бўлмади Сайдулла ака. – Эрталабагача ўтирмасак ҳисобмас. Бир маза қилайлик.

– Эртага қизимизнинг орқасидан келамиз, қуда. Ўшанда ҳар қанча ўтирсак ўтираемиз. Аммо-лекин ҳозир қайтишимиз керак.

Бу маросимни ўтказиш ҳам зиммасида турган қарз эканлигини эслаб қолган Сайдулла ака атрофга безовталаниб аланглади. Унинг ёнига рўй раиси Халил оқсоқол чопқиллаб кетиб келди.

– Халил ака, булар кетамиз дейишяпти, – деди Сайдулла ака.

– Аёллариям шу гапни айттириб юборишган экан. Энди буларга жавоб берайлик. Эртага барибир келишади-ку.

– Ундай бўлса майли, оқсоқол.

Халил оқсоқол Файзуллани чақирди:

– Ука. Буларни кузатиб қўй.

– Хўп, Халил ака.

Файзулла аранг қадам ташлаётган Амир акани қўлтиғидан ушлаб даврандан олиб чиқди. Амир акага у билан бирга келган қариндош-уруғлар, эркак ва аёллар эргашишди.

Ҳовлидан юз қадамча берироқда баҳайбат “Лаз” автобуси турарди. Автобус ёнидаги устунга ўрнатилган чироқ “Лаз” ичини сутдай ёритиб турибди. Унга ичида келин тарафдан келганлар меҳмонларнинг бир қисми, жумладан болали аёллар чиқиб олишганди. Файзулла маст-аласт эркак меҳмонларнинг автобусга чиқишини сабр билан, қўлини кўксига қўйган ҳолда кутиб тураркан, ора-сира:

– Хуш кўрдик... хуш кўрдик... – деб кўярди.

Меҳмонларнинг деярли ҳаммаси автобусга чиқди. Ҳайдовчи моторни ўт олди. Энгил тортган Файзулла уй қадам бир неча қадам юрган чоғида тўсатдан таққа тўхтади. Уни эллик қадамча наридаги электр трансформатори ёнида тўпланиб турган йигитларнинг ўзларини тутишлари шубҳалантирганди. Файзулла диққат билан разм солди ва ён-атрофда ароқ, вино шишалари сочилиб ётганини, йигитларга куёвжўра Наби нималарнидир ўргатаётганини кўрди. Файзулла

олдинги юришини ҳам, юрмаслигини ҳам билмай иккиланиб қолди. Бу орада автобус йўлга тушди. Шу пайт дарвозадан Азим чиқиб келди.

– Ада, меҳмонлар кетишдимми? – деб сўради у.

– Ҳа, ўғлим, кетишяпти.

– Адажон, – дея Азим тўйхона ишора қилди, – жой тўрт юз кишилик экан. Нима, амаким шунақа боймилар? Бундай тўй ўказишга шунча пулни қаердан оладилар?

Фатҳулла кулимсираб қўйди:

– Қарз, ўғлим, қарз... Бунақа тўйдан кейин қозон тўрт-беш йил сувга ташлаб қўйилади

– Роса чарчадингиз-а, ада.

– Энг муҳими тўй тинч ўтяти...

Худди шу маҳал, Файзулла шу сўзларини айтаётган чоғда баҳайбат “Лаз” автобуси чайқалиб трансформатор ёнига етди. Бирдан чироқ ўчди. Зулмат сукунатини нималарнингдир тунука, ойнага қарсиллаб урилиши бузди. Кимдир, афтидан аёл киши жон аччиғида чинқириб юборди. Файзулла жон ҳалпида автобус томонга отилди. Чироқ ёнди ва йигирма яқин йигитча меҳмонлар ўтирган автобусни тош, темир парчалари билан тошбўрон қилаётгани кўринди! Аёлларнинг, болаларнинг чинқириви оламни тутди.

Файзулла шу томонга чопиб бораётиб аниқ кўрди: ойнага қапишиб қолган қирқ ёшлардаги, рўмол ўраган жувон жон-жаҳди билан уч-тўрт ёшлар чамасидаги боласини бағрига босиб, эгилиб олганча уни нимадандир ҳимоя қилишга уринаяпти. Айнан шу аёл қаршисидаги ойнани синдириб ичкарига ўтган тош тўғри аёлнинг бошига тегди. Синган ойна бўлақлари эса аёлнинг елкасига, қўлларига санчилди.

Файзулла қичқириб юборди:

– Бас қилинглар! Тўхтанглар!

Аммо ичкилик таъсирида қутуриб кетган йигитлар автобусни тошбўрон қилишда давом этаверишди. Ёрилган бошидан қон оқаётган ҳайдовчи гурсиллаб рулга йиқилди. Автобус ортага қараб юрди ва йўл четида турган Файзулланинг “Дамас”ини ғижирлатиб босибгина тўхтади. Файзулла автобусга етиб келди, гавдаси билан ойналарни тўсди. Шу маҳал улкан темир бўлаги Файзулланинг ортидаги ойнага келиб тегди. Синган катта ойна бўлаги кўпорилиб пастга туша бошлади. Аммо Файзулла тескари ўгирилиб, тошбўрон қилаётганлардан автобусда ўтирган меҳмонларни ҳимоя қилаётгани учун буни кўрмади. Учлари ўткир, қиррали ойна бўлаги тўғри Файзулланинг бошига тушмоқда эди. Худди шу сонияда Азимнинг “Адажон!” деган ҳайқириви эшитилди. Азим учиб келиб дадасини нарига итариб юборди. Файзулла йиқилиб тушди. Кўпорилиб тушаётган ойна ўткир учи билан “ғарч” этиб Азимнинг бўйнига санчилди. Йигитчанинг бўйнидан қон фаввора бўлиб отилди.

Буни кўрган Файзулла жон аччиғида ўрнидан тураркан, ўкириб юборди:

– Бола-ам, Азимжон!..

Азим “шилқ” этиб автобус ёнига, сертупроқ ерга қулади... Атрофга чанг кўтарилди...

Саҳар палла.

Бир кечада сочи оппоқ оқариб кетган Файзулла вилоят марказий шифохонасининг реанимация бўлими биноси эшиги ёнида чўк тушганча, бошини чангаллаб

ўтирибди. Унинг ёнига басавлат, қизил бўйинбоғ таққан Сафар ака аста яқинлашди ва йўталиб қўйди. Файзулла бошини кўтарди. Йиғлайверганидан унинг кўзлари қуриб қолган. Бу кўзларда мислсиз алам ва оғриқ акс этарди.

– Укажон, бемалол ўтиб ўтираверинг, – шундай дея Сафар ака ўртадаги хонтахтасига турли нознеъматлар қўйилган чопояга ишора қилди, – сўрини заказ қилиб қўйдим. Ошпазларга тайинладим. Ўзим ҳам хизматингизда бўламан. Эшитдим, келин ҳам келаётган эмиш. Ҳар қалай, шароит бўлса яхши-да.

Файзулла шунча уринса ҳам, гап нима ҳақида кетаётганлигини тушунмади:

– Сўри? Қанақа сўри? Нега?

– Энди, укажон, бир жиян бор, – Сафар ака ёлғондан хи-хилаб кулди. – Ўта шўх. Ерга урсанг кўкка сапчийди. Мактабни битирганига энди бир йилдан ошди. Тузукроқ бир иш топиб берамиз деб турибмиз. Бир-икки марта шўхлик қилган экан, ишқилиб, бир жойига гард юқтирмай кутқариб олдик. Буни қаранг, кечаги тўполончилар орасида шуюм бор экан. Милиса олиб кетибди. Онаси зор йиғлаб ўтирибди. Ҳар қалай, бир юртнинг одамимиз. Акангизга кўп хизматларимиз синган. Шу жиянчани дейман-да... ёшлик қилиб қўйибди... Лекин ўзи хўб пушаймон... Бунинг устига у фақат номига бир-иккита кесак отган экан... Шунинг дейман-да, милиса билан гаплашиб қўйдим, прокурорминан гаплашдим, энди ўзлари бир оғизгина “Шу болага даъвойим йўқ” деб қўйсангиз... ўла-ўлгунча хизматингизда бўлардик... Сайдулла ҳам бир янги трактор сўрагандай бўлаётганди... Амаллаймиз... Сизга ўхшаш ака-укалар бор... Хи-хи...

Ниҳоят гап нимадалигини англаган Файзулла аста ўрнидан турди. Унинг рангида ранг қолмаганди.

– Қотил! – Файзулла тўсатдан Сафар аканинг ёқасига чанг солди. – Қотил! Сен қотилсан! Жиянинг ҳам қотил!

Бўғилиб қолган Сафар ака жон алпозда бақириб юборди:

– Ёрдам беринглар! Ким бор!

Ичкаридан чопиб чиққан оқ халатли шифокорлар бир амаллаб Файзулланинг чангак бўлиб қотиб қолган қўлларини Сафар аканинг ёқасидан бўшатиб олишди ва энди бутун вужуди қалт-қалт титраётган, оғзидан кўпик сачраётган, ора-сира “Қотил! Қотил!” деб қичқираётган Файзуллани ичкарига кўтариб олиб кириб кетишди.

– Мен буни одам деб сўри заказ қилиб ўтирибман-а!

– Ёқасини, қизил галстугини тўғрилайтган Сафар ака

Файзулланинг орқасидан бақирди. – Қип-қизил жинни экан-ку! Жиннининг жойи эса жиннихонада бўлиши керак! Буни ташкиллаштирамиз!

Шундай дея Сафар ака шоша-пиша хонтахтаси безатилган сўри томон юрди.

Сафар ака “ташкиллаштиради”.

Асаблари чатнаб турган Файзуллани асаб касалликлари бўлимига ётқизишди.

Эртаси куни пешинга яқин шаҳардан Дилноза билан Ҳабиба ҳам бир амаллаб етиб келишди.

Каттагина палатадаги каравотда бемор халати кийдирилган, букчайиб қолган Файзулла ўтирибди. Дилноза каравот қаршисидаги одми табуреткада. Дераза ёнидаги ногиронлар аравачасида Ҳабиба. Хонада ўлик сукунат.

Ногаҳон палата эшиги ғийқиллаб очилди ва оқ халатли шифокор кириб келди. Ғамгин шифокор нимагадир Файзуллага эмас, Дилнозага мурожаат қилди:

– Кеннойи, умид бор... Лекин... бир умр...

Ў, бу сўзларнинг мудҳиш маъносини эр-хотин тушунишмаса экан!

– Нима?.. – Дилноза додлаб юборди, ўзини каравотга отиб сочларини юла бошлади. – Болам! Болажоним! Бола-ам!

Букчайиб ўтирган ҳолида елкалари титрай бошлаган Файзулла тўсатдан оппоқ сочларини маҳкам чангаллаганча шифтга боқди ва ўкириб юборди:

– Азимжоним!.. Шоиргина болажоним!

Ота-онасига анграйиб қараётган Ҳабиба ниҳоят гап нимадалигини тушуниб етдию, изиллаб йиғлаб юборди:

– Акажон! Акажонгинам!..

Бу уч шўрлик банданинг дардли оҳ-ноласи бутун олами тутгандек... Йўқ, ана, қайдандир бу шикаста фарёдларга қандайдир мусиқа оҳанглари қўшилаётгандек. Ҳа, бу карнай-сурнайнинг олисолислардан келаётган садосига ўхшайди. Сўнг эса “Тўйлар муборак!” қўшиғи янграётгандек. Аммо бу уч шўрлик банда дарду алам, бахтсизлик ва ғурбат, армон ва ғуссанинг тубсиз уммонига ғарқ бўлганларича аччиқ кўз ёшларини тўкмоқдалар, сочларини юлмоқдалар, ёқаларини йиртмоқдалар... Зотан, уларга кўз ёшидан ўзга нима қолди? Уларда армондан ўзга яна не ҳис қолди? Уларга изтиробдан бўлак яна не туйғу қолди? Уларнинг бундан кейинги ҳаётлари ҳаётми?.. Йиғла, эй дил, йиғла...

(2009 йил)





Лола НИЁЗОВА

Куз ўйноқлар яна пойимда



КУЗ ҲИКМАТИ

Бугун яна кузнинг меҳмони
Бўлгим келди болага ўхшаб.
Куз ўйноқлар яна пойимда,
Заррин-заррин гиламлар тўшаб.


Ҳижрон гамин унутмоқ учун,
Япроқларнинг куйин тингладим.
Йўқотишга мағрур чидаган
Дарахтларнинг сабрин англадим.

Бир ҳикматни тушуниб етдим,
Сукут сақлаб турган дарахтдан:
Синовлардан ўтиб кўкламда
Яна куртак чиқарар бахтдан.

* * *

Баҳорга ишонган лоламан,
Мен ахир қандайин тонаман,
Ғамлардан қизғониб бораман
Сизни.

Дардимга дард ҳижрон кунларим,
Чапаklar чалади тунларим,
Чин дилдан чорлайди унларим
Сизни.



Биламан, бахт берар баҳорлар,
Тилаклар экдим-ку наҳорлар,
Туш кўрдим, оқизди анҳорлар
Сизни.


Ғам чексангиз, ёнингиздаман,
Яхши-ёмон онингиздаман,
Ахир, асли жонингиздаман
Сизнинг!

* * *

Сен ўзингга қўйма ўргатиб,
Юрагимга бўлади оғир.
Йўқламаган ҳар дақиқада,
Ҳисларимни этмагин сағир.

Соғинтирма, бахт қуёшидан,
Ҳаётимга қуйиляпти нур.
Ҳаётимнинг чўнг бардошидан
Юрагимга тўлади сурур.

Сен ўзингга қўйдинг ўргатиб,
Мен илк бора ҳижронда куйдим.
Ишқнинг аччиқ-чучугин татиб,
Неки тақдир – барини суйдим...



Бухоро



Сирожиддин САЙИД

ОЛИС ИШҚ СОҒИНЧИ ёхуд ВАТАН СУРАТИ

Эссе

Олис-олис қирлар ортидан, Бойсун тоғлари адоғидан дилни орзиқтиргувчи наво таралади. Мўйсафид харсангтошлар мангулик дуосини ўгираётгандек, ўркач-ўркач бўлиб ётган адирлар асрлардан ёдгор карвонларни эслатади. Ям-яшил даштларда қора сурувлар, осмоннинг зангори яйловида эса боқилган оқ ҳисори қўйлар мисоли семиз булутлар сокин кезинадилар. Дунё чексиз, борлиқ ҳудуд бухудуддай. Наво қир-адирлар, тепалар ва дўнгликларнинг мусиқий шакли-шамойили янглиғ ўркач-ўркач, тўлқин-тўлқин бўлиб, гоҳ пастаниб, гоҳ баландланиб кетади. Элас-элас, олис-олис соғинчлар, ҳижрону фиरोқ, айрилиқ ва дийдор манзиллари. Барчасига бекат – шоир юраги. Бунда – эшиклар ёпилмайди, “Илтимос, суянмангиз” деган эслатмалар йўқ.

*Умримни бир олис ишққа алмашдим,
Кечдим ҳушёрликдан, тушга алмашдим.
Беқанот қалбимни қушга алмашдим,
Сизсиз ўтган умрим бекор, ёрижон,
Не бахтким, юрагим бемор, ёрижон.*

“Олис ишқ”ни таҳлил қилиб, шарҳлаб бермоқ учун шоирнинг ҳаёти камлик қилади. Бу йўлда умр сарф қилинади, бунинг божу хирожи қалб қони билан тўланади. Шоирлик ҳам худди шофёрликдай: бировнинг юкини вужуди, юрагининг юкхонасига ортиб олгану олис йўлга отланган. Йўл гоҳ ўнқир-чўнқир, гоҳ довон бўлса, гоҳ дашту биёбон. Юк баъзан оғирлик қилади, унинг залвори, салмоғи катта. Шоирга йўл-пўлда қолиб кетмасин деган мақсадда эҳтиёт ғилдираги берилмаган. Юкни чидам билан

тортмоғи, манзилга соғ-омон элтмоғи керак. Ўзи, қалбию виждони олдидаги, адабиёт ва шеърят, ҳаёту тириклик, элу юрт олдидаги қарздорлик, бурч ва жавобгарлик юки.

Йиллар соғинчларга, соғинчлар йилларга айланади. Шеърлар шоир умри, қалб ва руҳининг хари-тасига ўхшайди. Тун ва кун, кеча ва кундуз, масофалару маконлар. Ҳар бир китоб бир манзил мисол таассурот қолдиради. Бойсундан Тошкент қадар, Тошкентдан чексиз оламлар қадар йўл. Ою қуёш, заминую осмон, фалаклару юлдузлар, кейин – кета-кетгунча чироқлар, чироқлар, дилга яқин ва қадрдон чироқлар. Умр ўтган сари, юкини тарқатиб, улашиб борган сайин шоирнинг юки ортиб, оғирлашиб бораверади. Бу юк камайишга эмас, кўпайишга маҳқум этилган. Шоирлик қисматида азалдан шундай ёзилган.

*Гарчи ўртамизда соғинчу ҳижрон,
Гарчи висол йўли вайрондир вайрон.
Аммо азобингиз кўксимда ҳар он
Муқаддас оловдай қолди, ёрижон,
Шукрим, сиз билан ёндим, ёрижон.*

Бир замонларда, XX асрнинг 70-йиллари бошида олис Олмониёда ҳарбий хизматда юрган аскар йигитдан почта жилдига жойланган бир даста шеър Тошкентга учиб келади. Бу жилд кўлига теккан киши: “Ёт юртларда уйини, Ватанини соғинган бир ўзбек боласининг нима қилишни билмай, шунчаки ҳавасга қоралаган машқларидир-да» деб ўйлаши ҳам эҳтимолдан холи эмас эди. Бироқ аскар йигитнинг ҳаёту тақдири жойланган, умрий қисматини ҳал қилиб бериши лозим бўлган жилд ҳақиқий эгасига,

имон-эътиқоди бутун, беназир ва беғараз устоз, улук бир инсоннинг қўлига тушади. Орадан қисқа вақт ўтиб, республиканинг обрўли, машхур журналларидан бирида устоз адиб Шухрат домланинг “Солдатдан мактуб келди...” дея бошланувчи, ғоят ҳаяжонли, самимий хайрихоҳлик ва меҳр билан битилган оқ фотиҳаси, давомидан эса бир туркум шеърлар эълон қилинади. Биз – ўрта мактаб битирувчилари бўлмиш беармон ҳаваскор болалар дунёда армоннинг ҳам ҳиди борлигини илк бора ўша шеърлардан билиб олганмиз: «Қаршимда лобар қиз ўлтирар жиддий. Ичмаган, столда қадаҳи лим-лим. Сездингми, ҳавода бир армон ҳиди. Оламда турналар учмоқда, синглим».

Кейин оқ ёмғирлар, шеърият ва муҳаббат фасли бошланди.

Ҳозирда Ёшлар, ўшанда Талабалар шаҳарчасидаги адабий муҳит, шеърият кечаларию назмий анжуманларни зир титратган “Инсонни тушуниш” китобчаси, “Бойчечак”, “Подполковник Фатеев”, “Сен йўқ эдинг...”, “Мени севинг, мендан нафратланинг”, “Бу ерга келтирди мени тасодиф”, “Тонг титрайди кеч кузакнинг кучоғида”, “Бойсун ҳақида ғамгин баллада”, “Параллел чизиқлар”, “Севги ҳақида умидбахш баллада”, “Олис юртнинг бегона иси” сингари бизнинг тасаввур ва тафаккуримизни бутунлай ўзгартириб юборган, ўсмир кўнгилмизни ағдар-тўнтар қилиб берган ўнлаб, юзлаб шеърлар. У шеърий оқшомлару бу шеърлар сабаб биз адабиётнинг яқин ошноларига айландик. Янги оҳанглар, назмдаги эски қолипларни синдирган ўзига хослик, мутлақо янгича бир шеърият бизни сеҳр этди, қалбларимизни тарбиялади. Ўша давраларда машхур бўлиб кетган “Бойчечак” шеъри – меҳр ва соғинчнинг тоза ва маъсум қиссаси ҳаммамизга яқин ва қадрдон бўлиб қолди: “Бойчечагим бойланди! Бойчечагим бойланди! Бугун олисда ёшлик! Замин қанча айланди”. Муаллифнинг баланд пардаларда, юсак санъат ва маҳорат билан, жазавога тушган дирижёрни эслатувчи қиёфада ўз шеърини айнан ижро этиб бериши, унинг таъсир кучини, доврўғини икки карра ошириб юборган эди. Талабалигимиз ҳавосидан шеър, соғинч ва ифор уфурар, ётоқхонамизнинг ғариб, кўримсиз йўлакларидан узун қиш кечаларида ҳам бойчечаклар шивирлаб-шитирлаб юргандек туюларди.

Биз ҳавас қилган шоир акамизнинг елкалари хурпайган, қадду бастига ғоят ярашган жун пўстини бўларди. Шеърлари, шеър ўқишлари билан бирга шу пўстини ҳам уни бошқа шоирлардан алоҳида ажратиб турарди. Пўстин эгасини ғоят салобатли, ваҳимали қилиб кўрсатар, ҳаваскор талабаларнинг доимий ҳамдами, қадрдон адабий маслаҳатчисига айланиб қолган Маҳмуд ака, устоз Маҳмуд Саъдий Шота Руставелининг машхур асарига қиёсан шоир оғамизга “Айиқ терисини ёпинган Усмон Азим” деб ном қўйган эди.

Беш йилимиз найсон булутлари янглиғ тез ўтиб кетди. Чақинларимиз олислаб, талабаликнинг бор

орзу-ҳаваслари, гулу чечакларимиз, ёшлигимиз ортилган осмоннинг қалдиروق аравалари ҳам биздан йироқлашдилар.

Ҳаёт синовлари, тирикликнинг ҳақиқий имтиҳонлари даври бошланди.

Ўтган аср, 80 – йилларнинг бошлари, мушоиралар, адабий давралар қизигандан қизиб борар, бу давраларнинг севимли эркаси, гултожи машхур рассом Шухрат Абдурашидов эди. Раҳматли Шухрат ака шеъриятни жон-дилдан севар, Миртемир домланинг “Ўв, менинг ўзбаки юрагим. Неччига бўлиндинг, неччига?!...” деган машхур сатрларини ҳамиша айтиб юрар, айтиб бўлгач эса, шеърни худди ўзи ёзгандай, кулочларини кенг ёйиб астойдил завқланарди. У кишига «Рассомларнинг шоири, шоирларнинг рассоми» деб зарофат қилишган эди. Давраларга ҳам, шеъриятга ҳам файз ва ранг киритган мусаввир ўшанда адабиётга меҳр-муҳаббатининг ифодаси сифатида “Ижодкор дўстларим” деган катта ҳажмли рангасвир асарини чизиб, адабий жамоатчилик ҳукмига ҳавола этганди. Асар ҳаммага маъқул келиб, анча-мунча шов-шувларга сабаб бўлди. Унда Рауф Парфи, Эркин Аъзам, Нодир Норматов, Хуршид Даврон сингари таниқли адиблар қаторида Усмон ака портретига, қиёфаси, ҳолати ва ички дунёсига алоҳида урғу берилган. Шоирни тасвирлар экан, мусаввир аслида унинг катта қалбини, ундаги оғир юк залворини ифодалаган эди. Кейин барча ижодкорлар – рассомлар, шоир-ёзувчилар, актёрлару олимларнинг қалбини ларзага солган кутилмаган фожа рўй берди. Шухрат ака автомобил ҳалокатига учраб, ўн кунча ўзига келмай оламдан ўтди. Бешёғочдаги уйда, азасига келган кекса онаси “Тошкентларда юрган шоир болам” дебон уввос солди. Тасвирий сатъатимизгина эмас, адабиёт учун ҳам катта йўқотиш бўлган бу воқеадан устозлар, ижодкор акаларимиз анча вақтгача эсанкираб маъюсланиб юрдилар. “Осмонга тикилдим хаёлим оғиб. Бир парчаси булут, бир парчаси кўк. Вақт деган шунча тез ўтдим оқиб. Менинг ёнимда ҳам энди биров йўқ”.

Ўша кезлари Усмон аканинг «Адабиётни, Ватанни, дўстларни севишни, қадрлашни Шухратдан ўрганишимиз керак» деган сўзлари маънисини кейин англадик. Қисқагина умри (ўшанда рассом бор-йўғи 29 ёшда эди) давомида мусаввир ҳайратланарли даражада кўп иш қилишга улгурган экан. Энг муҳими, у ўз асарларида Ватанни, она юрт суратини бор тароватию муҳаббати билан кўрсатиб кетган эди. Тузум ва замон ғирром бўлишига қарамасдан, шоирларимиз ижодида ҳам бу мавзу алоҳида ўрин эгаллаб, кучайиб бораётган эди. Жумладан, Усмон аканинг юқорида тилга олинган “Бойчечак”, “Бойсун ҳақида ғамгин баллада”, “Ватан ҳақида шеър”, “Абдулла Қодирий”, “Бойсун қирларида бир ўзим кездим”, “Самарқанд.Тунги сайр”, “Теша Сайдалиев хотирасига”, “Онамга мактуб”, “Дашт”, “Ғафур Фулом...” сингари ўнлаб шеърлари, «Бахшиёна»

туркумию устоз Асқад Мухтор “Гулистон” журналида чоп этган “Оқ шарпа”, Темурийзода султонларга бағишланган “Халил Султон” драматик достонларига гача ўша йилларда ёзилиб, кўпчилик ўқувчиларнинг меҳрини қозонган эди.

*Жавзо. Бир эрка шомол
Бўғдойзорга урар тўш.
От елар. Чавандознинг
Бир ениги ҳилпирар – бўш...*

*Опа, Ватан – улуғ дард,
Опа, Ватан боғ бўлсин.
Шеърда суратин чизсам,
Тўрт мучаси соғ бўлсин!*

Бу Ватан шеърларда тилга киради, шоирга «Болам... Юрак билан кўксинг безадим» дейди. Бундан-да гўзалроқ саодат борми дунёда! «Юрагимга сиғмади соғинч. Бўлмайин деб ҳижронда вайрон. Энди куйлай бошладим нотинч: – Бойсун! Бойсун!Бойсун! Бойсунжон!..»

Мазкур шеър устоз адибимиз Шукур Холмирзаевга бағишланган. Уни тинглаётиб, Шукур аканинг кўзларига ёш қалққанларига неча бор гувоҳ бўлганмиз. Шоир бу мавзунини насрий асарларида ҳам давом эттириб, «Узоқ хайрлашувлар» номли гўзал эссесига адиб билан Ватаннинг дардли ва жозиб суратини яратади.

Илк “Инсонни тушуниш” китобидан то “Ҳолат”, “Дарс”, “Сурат парчалари”, “Иккинчи апрел”, “Бахшиёна”, “Уйғониш азоби”, “Ғусса” билан “Куз” тўпламларига гача кечган вақт чамалаб кўрилса агар, сўз ва шеър йўлида чекилган захматлар, изтироблару завқу шавқлар бесамар кетмагани, адабиёт ва шеърятга бахшида, инсоний туйғулар ила лиммолим, дийдору айрилиқлар, соғинчлару севинчларга тўлуғ сермазмун бир умр бор бўй-басти билан гавдаланади.

Ниҳоят, узоқ кутилган истиқлол даври бошланди. Янги замон ижодкорларга янги сарполар кийгизди. Мустабид тузумнинг асрий занжирлари чилпарчин бўлди. Сўз ҳам озодликка чиқди. Кейинги салкам йигирма йиллик муддат Усмон Азим ҳаёти ва ижодининг сермахсул даври, янада теранлашиш ва юксалиш йиллари бўлди. “Алпомиш” бадиий филмининг киноқиссаси, шоирнинг асари асосида суратга олинган, Ватан, она юрт соғинчи ҳақида гўзал қўшиқдай таассурот қолдиргучи “Сев-

ги” бадиий филми, Абдулхамид Сулаймон Чўлпонга бағишланган “Кундузсиз кечалар”, устоз адиблар Ғафур Ғулум, Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги қатор драматик асарлари, шунингдек насрий битикларини ўзида жамлаган “Жоду” китоби, “Юрак” ва “Фонус” шеърый тўпламлари шоирнинг қалб меҳнатхонасида узлуксиз ижод баракали давом этаётганидан далолат беради. Айниқса, охириги икки китоби – бу шеърят йилдан-йилга қиёмега етиб, донишмандлик ва етуклик касб этганини, умр ва қалб ҳикматлари яхлит ёмби ҳолатга келганини кўрсатиб турибди. Аслида Яссавий, Навоий боболар давридан буён айтиб келинаётган бу ҳикматлар XXI асрга келиб шоиримиз тилидан янгича жаранглайди: Мана, улардан бири, умр ҳақида шоир бундоқ дейди: “Ўзи бир ёғиб ўтишга арзийди одамнинг умри. Ёғ умрим, кўнгиллар кўкарсин!”

Адабиёт, хусусан шеърятнинг ҳам асосий вазифаси шунда: кўнгилларни кўкартириш, дилларни яшнатиш. Усмон ака бу эзгу Бурчни қатъият ва мардоналик билан уддалаб келаётган устоз шоиримиз, катта элнинг катта оқини. У кишига бир умр ҳамдаму ҳамнафас, дарду қувончларига бирдек шерик, таъби назми баланд, диди нозик таржимон Раъно янгамизнинг шарафли бу қисматда алоҳида мақоми борлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Адабиёт, жаҳон адабиёти, китоб ва китобхонлик, назму наср, мумтоз ва замонавий асарлар ҳақида энг кўп гапириладиган бу хонадонга ҳаваскор ёшлик йилларимизда биз ҳар доим ошиқиб, интилиб яшаганмиз. Инсонни тушуниш, китоб ва адабиётга меҳр, дид ва саводхонлик тарбияси, сўзга эътибор ва муносабатни биз шундай устозларимиз, уларнинг хонадонига адабий муҳитдан ҳам ўргандик, ҳаётларидан ибрат олдик. “Сенга ҳеч нарса қилолмадим, Ватан!” деб айтиш учун ҳам аввало она юртни, туғилган тупроқни севишни билиш керак. Адабиётга муҳаббат ҳам худди шундай.

Алқисса, аскар йигитнинг “шинелли йиллар”и ортда қолди. Раҳматли Шухрат домланинг дуолари ижобат бўлди. Шу лаҳзаларда Термизда, қадим Жайхун қирғоқларида Ватан чегараларини ҳимоя қилаётган бир аскар йигит қоралама шеърларини хатжилдга жойлаб, минг орзу-ҳавас билан Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим номига жўнатаётган бўлса, ҳеч ажабланманг. Азиз ўқувчи! Унга халақит бермайлик. Ҳозир у бутун умрини, борлиғи қисматини олис бир ишққа – шеърятга, адабиётга алмашишга шайланаётгандир...

2010





НУРУЛЛОХ



Ой билан ёлғиз

I

Осмон айланар абгор,
Умр – қисмати чоғир.
Раққосдир чархи даввор,
Одамзод ундан оғир.
Ишқ уммонида уни
Излаб чиққан даргаман.
Доғи не ҳасрат куним,
Ой, Сендек бадаргаман.
Ер – одати расмда –
Ўзига қилар ҳижрат.
Коинот теграсинда
Кезинар муқим ҳужрам.
Ит ётган айвонимда,
Абадий топталган из.
Ҳар тонг одам ёнимдан
Ўтиб кетади унсиз.
Кўкси қояга ботган,
Мисоли мардуд оҳу.
Сендек ҳувуллаб ётган
Ҳужрамда йиғлайди у.
Нур истаб, кўк зулматин
Ёритган чироқлардан.
Кутмоқ менинг қисматим –
Ўзимдан йироқларда...

II

“...Шамолда – кенг елканда
Долғали дарёдай оқ!”

Из солади елкамга
Тақдир қамчиси – чақмоқ!
Рўшнолик етмас сира,
Ким дард доғида маҳбус.
Чексиз коинот ичра
Даргоҳидан кетмас куз.
Такрор соврилар боғлар,
Соврилар бехонумон,
Ишқ деворлари – тоғлар.
Ҳижрон томидир осмон.
Одам маҳкум – жондан куз
Ўтганини билмагай.
Умрки, сайри кундуз,
Йитганини билмагай.
Қопқасиз уй – шом – талош,
Умид элтар гўшадир.
Чодир тикади қуёш –
Шафақ – ўлим тўшаги.

III

Неки, заволга учраб,
Бақога кўчган бўлса.
Неки, зимистон ичра
Бир ёниб ўчган бўлса.
Кукундай изларини
Кўнглим захмида кўрсам.
Воҳ, неки, кўзларимнинг
Тубига чўккан бўлса...

IV

Тушуниксиз онлардан,
Абадиятгача то
Неники, ёбонлардан
Излар бўлсам мосуво.
Тополмам, бироқ не тонг,
Қиш қуёшидек тўнгмас –
Йўл ёритар субҳи шом –
Ёруғ умидим сўнмас.
Лек эрир умрим шами,
Сабр – соҳили кадар.
Ҳаргиз келмас кемани
Кўл силтаб кутгум абад.
Хазон сипоҳи – ёдим,
Шовуллаб сокин кузда.
Менинг унсиз фарёдим
Чайқалар бул денгизда.
Дил – саҳройи ҳамхонам,
Якка-ёлғиз юлғундай.
Соҳилдаги девона
Ё сенсан, ё менман, Ой.

Кечанинг қаъри кабир,
Азалий тугён кечар:
Шовуллаб уммон каби
Кўшиқ куйлайди кеча.
Туби тийра горидан
Келар азалий вола.

Мангу кеча қаърида
 Мен – қариб қолган олам.
 Томса, денгизлар тошар
 Бир томчи кўз ёшимдан.
 Сен-чи, баҳру бар оша,
 Айланасан бошимда.
 Кўзимдан ўтар бот-бот,
 Элас-элас гулханлар...
 Унутилган харобот,
 Гуллаган ёсуманлар.
 Узилгай умри айём,
 Банда билмас кечада.
 Сўнг топилгай ва на тонг
 Ва на ойдин кечадан.
 Тун қаърида чоҳ бўлдим,
 Мен сари – минг йиллик гам.
 Ёдимга тушмас бўлди
 Ёнимда қолганлар ҳам.
 Устихон янглиг хароб –
 Мавҳум, устунсиз сарой.
 Умрим зулмати аро
 Бир сени ҳис қилдим, Ой.

V

...
 Ўзимни ойдинда кўрдим...

Минордай чўкаётирман,
 Жим туриб, ўтаётирман.
 Шамолда елкам нураган...
 Шўрлаб, ёш тўкаётирман.

Мақбари мулзам, алвидо.
 ...
 Ўзимни ойдинда кўрдим...

Дарёи хазон эмиш йўл,
 Зарраи тўзон эмиш йўл.
 Қуми тўлқинни эслатган
 Саҳрои тўфон эмиш йўл.

* Ўз қатиг ҳолимға ўлмасдин
 бурун мотам тутай.
 (Алишер Навоий)

Кемасиз дарғам, алвидо.
 ...
 Ўзимни ойдинда кўрдим...

Кўрдимки, мендан нишон йўқ,
 Ўртангучи тану-жон йўқ.
 Ҳар гўшада гирёндирман,
 Аммо айвони жаҳон йўқ.

Мангу бадарғам, алвидо.
 ...
 Ўзимни ойдинда кўрдим...

Йиғлар қади долига ким?
 Ҳасрату заволига ким?!
 Ҳисобсиз оламлар аро

“Ўз қатиг ҳолигаким
 Тутгучи мотам...”* алвидо.
 ...
 Ўзимни ойдинда кўрдим...

VI

Кетолмайсан. Жон чекиб,
 Муз қотгансан Ер узра.
 Сен, баҳру барни кечиб,
 Зулматдан топдинг узлат.
 Сенда ҳаёт йўқ, аммо
 Алданганнинг қалбидай
 Топталгансан қай замон...
 Ҳануз ҳувуллайсан, Ой!
 Азал ёзигинг – ҳаёт –
 Ҳеч ким ўқимаган тун.
 Руҳингда бир муножот,
 Ўлимдан кейинги мунг –

Ҳеч ким билмаган йиғи...

VII

Жасадман, қимматсизман,
 Кимсасиз замоним – Сен.
 Йўқолганман – изсизман,
 Манзилсиз маконим – Сен...

Самарқанд





Дилфуза ЭШҚУВВАТОВА

РАҲМАТУЛЛА ШОИРНИНГ КҮНГИЛ ОЛАМИ

Раҳматулла Юсуф ўғлининг ижодий фаолияти бошқа баҳши-шоирларникидан тубдан фарқ қилади. Раҳматулла шоир баҳшилиқ сирлари, Қўрғон дostonчилари репертуарини ўзлаштириш билан бир қаторда, мумтоз адабиёт, XX аср замонавий адабиётини яхши билган. Чет эл адабиётидан ҳам боҳабар бўлган. Бундан ташқари адабиётшунослик ва фольклор илми, амалиёти билан таниш бўлганлиги сабаб ўз фаолиятига, бошқа баҳшилар ижодига маълум даражада илмий ёндашиб, шу нуқтаи назардан баҳо беришга интиланган. Хусусан, унинг ёзиб топширган дostonлари ва бошқа фольклор, этнографияга оид материалларига берган изоҳ, тушунтириш ва кириш сўзлари фикримизни тасдиқлайди. Ушбу ёзувларни бир томонлама баҳолаб бўлмайди, улар академик илм сабоғини олган олимнинг эмас, биринчи галда ижодкор шахс қаламига мансублиги аниқ сезилиб туради. Шоирнинг “Гўрўғли” мажмуасининг иккинчи китобига ёзган изоҳлари орасидаги куйидаги сўзларига диққат қаратайлик: “Маълумки, “Гўрўғлибекнинг Авазхонни олиб келгани” деган дoston инқилобдан аввал Қозон ва Тошкентда савдогарлар томонидан нашр қилиниб, тез орада бутун ўзбек элатига тарқалган эди. Мазкур китобчанинг Тошкент босмаси бўлган “Гўрўғли ботасвир” бизнинг овулга ниҳоят, 1927 йилда етиб, ўша вақтдаги ҳамма дostonчи, баҳшиларнинг, ҳатто “араб ҳарфида ёзилган китобнинг ҳаммаси рост”, деб тушунган Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳам замирига сингиб, мазкур дostonни аввалдан ҳар бири турлича айтиб юрганлари ҳам йўқолиб, китобникини айтмоқ керак, деган фикр бўлган. Шундай қилиб, барча баҳшиларга ёйилиб, кейинчалик нашрдан чиққанига ўхшатиб айтмоқ одат бўлиб кетди.

Ҳозир, масалан, бир кичикроқ баҳшидан: “Мазкур дostonнинг бошқа хили ҳам илгари айтилармиди?” деб сўралса, “йўқ”, деб қисқа жавоб беради.

Аслида, яқингинада ҳам мазкур дostonнинг бир-икки хилда куйланишини унутиб юборишган. Мен шу аввалги ариқларни қазиб, мазкур дostonнинг бошқа хилини баёнга келтирмоқчиман. Албатта, эшитганларга раҳмат ва майда баҳшилар учун кўмилган ариқларни очиб берсам, шунинг ўзи менинг учун бир катта шарафдир.” (Гўрўғлининг туғилиши.— Т.: “Ёзувчи”. 1995., 8-б.)

Раҳматулла Юсуф ўғлининг баён услубида илмий тафаккур устувор. Раҳматулла шоир ҳам янги авлод вакили сифатида замондошлари ва устозлари дунёқарашидаги фарқларни яхши ҳис этиб, ўз сўзида урғулагани эътиборга молиқдир. Яъни, унинг сўзларидаги куйидаги ўринга эътибор қаратмоқ лозим. Раҳматулла шоирнинг ушбу сўзларини қайта келтириб ўтамиз: “...ўша вақтдаги ҳамма дostonчи, баҳшиларнинг, ҳатто “араб ҳарфида ёзилган китобнинг ҳаммаси рост”, деб тушунган Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳам замирига сингиб, мазкур дostonни аввалдан ҳар бири турлича айтиб юрганлари ҳам йўқолиб, китобникини айтмоқ керак, деган фикр пайдо бўлган”. Раҳматулла шоир оддий ижрочи баҳши ёки шунчаки хат-саводи бўлганлигидан фольклор ва этнографик материалларнинг тўпловчиси бўлмаганлигини унинг куйидаги сўзлари ҳам исбот этади. “Афсона бўйича ўзбеклар орасида муқаддаслаштирилган нарсалар” деган номда, топширилган материаллар тўпламига сўзбошиси сифатида ёзилган ва бот-бот “Эй кўнгул”, хитоби билан бошланувчи бу сўзлар улкан ижодкор шахснинг дил изҳори, ҳаётий қонунияти бўлиб янграйди:

“Эй кўнгул, ҳаддинга боқ. Фалакнинг гардиши шундоқ, қара, кўзинга фикр айла. Ўзинга тенгқурларинг ичида, балки ўзингдан ўн ёшлар катта кишилардан ҳам илгари кексариб кўйдинг. Кўпрак касал бўлдингми ёки виждонан эзилдингми? Уёғи майли, ўтган гап ўтиб кетди. Уёғини эслама, ҳозирини кўр. Ҳарна билганингча, қўлингдан келганича халқ хазинасини бойитишга ҳаракат қил. Чунки халқ бой бўлса, ўзинг ҳам бойсан. Сенинг қўлингдан келгани бирор асар ёзиш экан. Ҳарна қувватинг борида шул ишингни давом эттир. Чунки кейинроқ асар ёзишга ҳафсаланг етишмай қолар. Андин кейинги афсус беҳуда бўлар.

Эй кўнгул, китоббоз бўлмаю, китобхон бўлгин. Чунки китоббоз бўлмоқ фароғбонларнинг одати, китобхон бўлмоқ билим ҳосил қилувчиларнинг одатидир...

... Менким Раҳматулла Юсуф ўғли ўз кўнглимга юқоридаги розни айтиб бўлганимдан кейин бу асарни тўпламоққа киришдим. Имконим борида бу асаримни илмий материаллар билан бойитишга киришдим. Ҳурматли ўқувчилардан илтимос шулдирки, менинг илмсизлигимни ҳисобга олиб бу асаримда баъзи хато ва камчиликлар

учратиб қолсалар, авфу марҳамат қаламини ишга солиб тузатсалар. Чунки илм аҳлига бундай ишлар осондур”. (Маматқул Жўраев ва Улуғбек Сатторов. Эл дея эл оралаб. Боболардан қолган нақллар ФАН.– Т.; 1998. – Б. 7-8.)

Раҳматулла шоир ўзи ёзиб топширган дostonлари, эртақ, афсона, нақл ва бошқа материалларини шунчаки кўнгил хуши ёки ном қолдириш учун бажарилган юмуш, деб билмайди, балки шахсининг камолоти, юрак амри, деб бажарганлиги маълум бўлмоқда.

“Гўрўғли” туркум дostonларини шоирнинг қўлёмалари асосида нашрга тайёрловчилардан бири устоз Тўра Мирзаев шундай ёзади: “...Шоирнинг ўз дасхатларида дostonлар орасида берган изоҳларга суяниб, “Гўрўғли” дostonларининг қаламга олиниш жараёнини кузатайлик. Чунки, туркум дostonларининг кетма-кетлик тартибини халқ шоирининг ўзи белгилаши ва шундайлигича қаламга олиши ўзбек фольклоршунослигида биринчи биринчи тажрибадир.”

Ўзбек фольклоршунослигида “Гўрўғли” дostonларини яхлит туркум сифатида баҳоланиб ўрганилса-да, ҳеч бир фольклоршунос уларни кетма-кетликда тартибга туширмаган эди. Ушбу хизматни Раҳматулла Юсуф ўғлининг бажаргани фольклоршуносларимизнинг диққатини ўзига тортди. Ушбу фактнинг илмий қиммати ҳам буюқдир. Қолаверса, шоирнинг ўзи таъкидлаганидек бу ишлар у кишининг узоқ кузатишлари, сўраб-билишларининг меваси ҳисобланади.

Раҳматулла шоир ўзини, Қўрғон дostonчилик мактаби анъаналарини яхши билган, дostonчиликнинг оғзаки ижро жараёни билан яқиндан таниш бўлган бир ижодкор сифатида ушбу билимларни келажак авлодларга етказиш вазифаси зиммасида турганлигини англаб етиб ушбу юмушни бажаришга киришган.

“Гўрўғли” дostonлари мажмуасини ёзар экан, Раҳматулла шоир ўзига замондош Қўрғон бахшилари билан доимий мулоқотда бўлганлигини ҳам айтиб ўтган: “Эргаш Жуманбулбул ўғли билан Пўлқандан бошқа мен суҳбатидан бахраманд бўлган бахшиларни номба-ном такрорлайман. Биринчи. Уста Холиқул – қоракисалик, Эргаш ота шогирди қарийиб Пўлқанча бор эди. Иккинчи Бўта бахши – Ёнбошдан. Учинчи. Эгамберди бахши. Тўртинчи. Саримсоқ бахши – қоракисалик, 1938 йилда ўлган. Булар чиқиб бахшилиқ қилган. Бешинчи. Норқул қора, ҳозирги аёлимнинг отаси. Бу чиқиб бахшилиқ қилмаган. Кичикроқ бахшилардан: Абдулла бахши – чиноқлик. Хўжа бахши – бурганлик. Жолғош бахши, Қўлдош усталар – қўрғонлик. Энг майда бахшилардан: Фармон, Марди, Қурбонқул бахшилардир. Аммо Тошнӣз бахши китобдан ёдлаб ўқувчи бахши эди.”

Раҳматулла шоирнинг ушбу маълумоти бахшилиқ санъати табиатини англашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки шоир бахшиларни таланти, иқтидори, бахшилиқ санъатини эгаллаш даражаси ва унга эътиборига кўра уларнинг ўзига хос таснифини келтириб ўтади.

Шоир тартибига кўра бахшилар биринчи галда элга “чиқиб бахшилиқ қилган” ва “эл оралаб бахшилиқ қилмаган” тоифага ажратилган. Илмий атамалар билан айтилса профессионал ва профессионал бўлмаган бахшилар.

Устозлари Эргаш Жуманбулбул ўғли билан Пўлқанни ҳурмат билан таснифдан аввал ёдга олган, демак, Раҳматулла шоир бу икки шоирни буюқ бахши-шоир сифатида алоҳида эъзозлаган.

Раҳматулла Юсуф ўғли “Гўрўғли” туркум дostonларини бор бўй-баста билан халққа етказишга олган бахшилардан бири сифатида улкан халқ шоирлари Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлқан, Ислом шоир Назар ўғли, Абдулла шоир Нурали ўғли, Бола бахши кабилар қаторида муносиб ўрнига эга ижодкор саналади.

Фольклоршунос Т.Мирзаев Раҳматулла Юсуф ўғли ижодида салмоқли ўрин тутувчи ушбу мажмуани ўрганиш жараёнида қуйидаги умумий хулосаларга келганки, улар нафақат Раҳматулла шоир ижоди, балки “Гўрўғли” туркум дostonларига ҳам ҳар жиҳатдан тегишлидир.

Муаллиф ёзади: “Биринчидан, “юқорида айтилганидек, “Гўрўғли” туркумини тўла биладиган дostonчи ҳали аниқланган эмас. Бу ўринда бир ижодкор репертуаридаги мавжуд дostonларнинг ижрочи-қиссаҳоннинг ўзи томонидан тартиб берилиши ва кема-кет ёзилиши ўзбек фольклоридида ноёб ҳодисадир. Тўғри, фольклоршунослик тарихида шунга ўхшаш уринишлар бўлган. Масалан, 1927 йилда Пўлқан шоирдан “Гўрўғли” дostonларини кетма-кет ёзиб олиш иши ташкил этилган. Аммо 4–5 дoston ёзиб олиниши билан бу иш тўхтаб қолган.

Иккинчидан, бундай тафсилотлар бир қарашда оддий, қандайдир аҳамиятсиз изоҳларга ўхшаб кўриниши мумкин. Аслини олганда улар айтувчининг эпик репертуарига, дostonлардаги баъзи эпизодларга, тингловчи ва фольклоршуносларга муносабатини ўрганишда жуда аҳамиятлидир.

Учинчидан, биз фақат дoston матнини ёзиб оламиз. Матн орқасида эса (санъатшунослар таъбири билан айтганда саҳна ортида) катта “ҳаёт” бор, дostonнинг ижроси ва куйланиши билан боғлиқ бўлган ижодий жараён бор. Фольклорчилик ишларимизда ана шу жараённи кузатиш борасидаги материаллар етишмаётир ёки улар фольклорчиларнинг кундаликларида қолиб кетмоқда. Раҳматулла Юсуф ўғлининг юқорида қисман биз келтирган изоҳ ва тушунтиришлари, бу ерда эслатиш имкони бўлмаган, аммо қўлёмаларидаги яна аллақанча қайдлари, луғатлари, қистирма сатрлари матн орқасидаги ана шу ўзига хос “ҳаётни” ўрганишда шубҳасиз, катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам шоир дostonларини нашрга тайёрлашда шу ва шу каби бир қарашда иккинчи даражали кўринган қайдларга алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб топдик.”

Чиндан ҳам Т. Мирзаев ҳақли равишда таъкидлаганидек, шоирнинг қўлёмаларида берган изоҳ, қайд, луғат ва қистирма байтлари дostonчилик ижодий лабораторияси билан яқиндан танишиш имконини беради. Хусусан, дostonларнинг жонли ижроси деярли унутилиб бораётган ва кескин ўзгаришларга учраётган бугунги кунда янги авлод тадқиқотчилари учун бу материал ва фактларнинг қиммати ниҳоятда баланддир.





Ориф ХОЖИ

Биздан нима қолар...

* * *

Одамни ўйсизлик ҳар куйга солар,
Энг аввал бағридан гурурин олар.
Бундоқ бир таниннга ўйлаб кўр, дўстим,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Азалдан абадга сафардир ҳаёт,
Бу дунё бир қўниб ўтишлик работ,
Саодат дейдилар, қолса яхши от,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Мўъжас ари яшаб оламдан ўтди,
Ундан асал қолди элга бир қути,
Ногаҳон шу савол ёқамдан тутди:
– Сендан нима қолар?
– Мендан не қолар?!

Аллоҳни унутма, изсиз улоқма,
Дуч келган ҳар касга анграйиб боқма,
Оламда оқим кўп, қўшилиб оқма,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Одам бўл, ичингда бўлмасин оланг,
Ҳасад ёмон дарддир, шундан даволан,
Камроқ гурурлангин, камроқ ҳаволан,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Тўрадай равиш қил, бўлсанг гар тўра,
Сендан мурувватлар кутар ёр-жўра,
Бетоб қўшининг бўлса, ҳолини сўра,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?



Дунё олди-берди билан дунёдир,
Бошқаси қуруқ гап, қуруқ рўёдир,
Ғофиллик дардига ирфон даводир,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Не-не зотлар ўтди сендан илғари,
Қаро ер бағрига кетдилар бари,
Сенинг ҳам насибанг бўздир тўрт қарич,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Шунча дунё йиғдинг, умр майдалаб,
Бир кўприк қурдингми ва ёки мактаб?
Тинмай жағ урасан ўзингни мақтаб,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Бутун эл нимадир қуриши билан банд,
Сен-чи ўз кунжингда гийбат билансан.
Пайт келиб, кўчингни кўтарар бўлсанг,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Куласан, бир оғиз мўрча устидан,
Сулаймон йиғлаган унинг дастидан,
Ипак чопон қолар ипак қуртидан,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Ялангтўш деҳқоннинг аҳволига боқ,
Сени кийинтирган шудир бош-оёқ,
Ундан гуркираган боғ қолар, бироқ,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Далада ҳарорат қирқдан юқори,
Ишловга зор пахта,галла, жўхори,
Сен-чи соя-салқин жойининг хумори,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Ҳозир шу шеърни ҳам тинглайсан мулғиб,
Шеригинг уйғотмоқ бўлади туртиб,
Чехрангда лоқайдлик турибди бўртиб,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Саҳар тур, бир эзгу ният айлагил,
Ўзингни эл иши учун шайлагил,
Одам ганиматдир – дилга жойлагил,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Инсонсан! Шу улуг номга муносиб
Бирор иш қилдингми, кўзингни очиб,



Атрофингга қара, сендан ким рози?
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Осмон – оқ дурларга тўла кўк табоқ,
Сен унга ибратнинг кўзи билан боқ,
Етимга бердингми бир ҳовуч ёнғоқ?
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Умринг обод бўлсин, толеинг кулсин,
Майли, ганимларинг тутдай тўкилсин,
Шу савол доимо ёдингда бўлсин:
Сендан нима қолар, мендан не қолар?



БИРИНЧИ УЧРАШУВ



Хулкар ҒОЙИПОВА



Кўзларингда ўйлан хотири

* * *

Кўзим, ўзга кўздан меҳр излама,
Қалбим, кўй, қайнатма қорилган қоним.
Ўзимни ўзимга қайраб сизлама,
Борлиқнинг борини босар фиғоним.
Синоат сирини сезмассан сира,
Нуқул кўзларингда ўйчан хотири.
Бу не ҳол? Юракда чандиқсиз яра,
Бўғзидан бўғилган айбсиз бечора...

* * *

Тиланчи эмасман,
Мен гадо эмас,
Эҳтимол парвозга
Йўқ менинг ҳаққим.

Ахир мен очунга
Бойўғли эмас,
Бойқизи ҳам бўлиб
Келмаганим рост.
Меҳр қўйманг менга
Мурувват қилиб.
Илтифотлар қилманг
Истеҳзо билан,
Садқа ҳам айламанг,
Менга жонингиз.
Мен тиланчи эмас,
Гадо ҳам эмас.
Адашманг, адашманг,
Эй, сиз одамлар.

Хоразм



ЭСТЕТИК ДИД ТАРБИЯСИ

Эстетик дид эстетик онгнинг муҳим таркибий қисмлардан бири бўлиб, ҳис-туйғу ва тафаккур бирлиги, инсон ўзлигини ифодаловчи баҳодир. Бир вақтнинг ўзида ҳам бизнинг баҳомиз, ҳам бизга берилган баҳо бўлиб, эстетика фани тадқиқот доирасининг энг мураккаб ва қизиқарли муаммоларидан ҳисобланади. Эстетик дидга эга бўлган инсон атроф-муҳитни гўзаллик ва хунуклик, улуғворлик ва тубанлик, фожиавийлик ва кулгилилик каби мезоний тушунчалари орқали кўздан кечиради. Юксак эстетик дидга эга бўлиши ўзинигина эмас, атрофдагиларга ижобий таъсир кўрсатади.. Бу қобилият табиий-туғмаликка бориб тақалса-да, аммо ўзини асосан тарбия, ижтимоий муносабатлар орқали рўёбга чиқаради. Эстетик дид ҳам ақлий (фаҳм), ҳам ахлоқий (фаросат), ҳам ҳиссий тарбия уйғунлашган умумийликдан иборатдир.

Дид эстетик англашнинг энг муҳим унсуридир. Шу нуқтаи назардан эстетик дид тарбияси инсон камолотида муҳим ўрин тутаяди. Дид шунчаки баҳо эмас, нарса-ҳодиса эстетик хусусиятларини чуқур идрок этиш орқали юзага келадиган хулосадир. Аммо дид ягона, мутлақ эстетик ҳодиса эмас, у муайян нисбийлик табиатига эга. Эстетик дид ҳар кимда ҳар хил бўлиб, унда субъектив мушоҳада кучли. Шунинг учун инглиз файласуфларидан бири Дэвид Юм дид ҳақида баҳслашмайдилар, яъни ҳар кимнинг диди ҳар хил деган фикрни илгари сурган. Аммо шундай эстетик қадриятлар борки, улар муайян замон, ижтимоий ҳаёт, умуммиллий, умуминсоний маданий даража билан шартланади. Улар идрок этилганида баҳслашиш мумкин эмас. Масалан буюк мусаввирлар Ботичеллининг «Венеранинг туғилиши», Рафаэлнинг «Конестабил мадоннаси», Албрехт Ююрернинг «Мадонна»си юз минглаб ёки миллионлаб шахслар ва қатор замонлар тан олган бу каби қадриятларни «бу менга ёқмайди», дейиш ножоиздир. Дид ҳақида олмон файласуфи Кант дид ҳақида баҳслашиш ҳам мумкин ва аксинча баҳслашмаслик ҳам мумкин деган антиномияни ўртага

ташлайди. Дарҳақиқат шоир айтганидек «Кимгадир ёқар лола, ким атиргул шайдоси, мен учун райҳон аъло». Бу уч хил дид ўзига хос субъектив кечинмаларга асосланса-да, уларнинг умумий объектив илдизлари бор, улар гуллардаги гўзалликни турли хил шаклда кўрадилар ва бу ҳолат табиий. Шу сабабли ҳар уч дид ҳам ҳурматга, эътиборга лойиқ. Шундай экан, диднинг турли даражаси ҳақида фикр юритиш мумкин, бу одамларнинг мавқеи, савияси, маданийлик тоифаси билан боғлиқ. Инсон дид билан кийиниши, уйи, замонавий жиҳозларю жаҳон адабиётининг нодир намуналари билан тўла бўлгани учунгина эстетик диди юксак деб баҳо бериб бўлмайди. Баъзи кишилар борки, нафосатни завқланиш учун эмас, балки ўзининг бошқалардан маданиятчилигини, ўқимишлилигини кўрсатиш учун бир восита деб билади. Шундай экан, уларнинг моҳиятини англаб етиши, санъат асарларини ўқиб баҳолай олиши, ҳақиқий санъат асари қадрини билгани учун юксак дид соҳиби дейиш тўғрироқ бўлади. Тўғри, бадиий дид эстетик дидга нисбатан хусусий, тор қамровли, лекин шунинг баробарида эстетик диднинг асосини ташкил этишини назарда тутганда инсоннинг санъат асарларини таҳлил қила олиши ва тўғри баҳо бериши муҳим аҳамият касб этади.

Эстетик дид масаласи шахс, жамият ва миллат маданияти учун катта аҳамиятга эга. Негаки жамиятда юксак дидли кишилар қанча кўп бўлса унинг маданият даражаси юксалади, жамият фаровонлашади. Алоҳида инсоннинг эстетик диди шу жамият маданияти даражасида намоён бўлади Шу сабабли эстетик дид тарбиясига доим эътибор қаратилган. Чунки фақат юксак эстетик дид эгасигина ҳақиқий эркин фикрлаш салоҳиятига, дунёни гўзаллик призмаси орқали кўра билиш қобилиятига эга бўла олади.

Эстетик дид туғма бўлиши мумкин. Энди дунёга келган, ҳали ижтимоийлашмаган гўдак бешиқда ётар экан, бешикка осиглиқ рангли ўйинчоқдан завқланиши, ғадир-будир, шаклан қўпол эмас, қўлга майин, юмшоқ,

силлиқ уринадиган нарсаларни хуш кўриши, уларни сийпалаб завқланиши, алла эшитиб ором олиши буни тасдиқлайди. Аммо таълим-тарбия жараёни унинг шаклланиши ва такомиллашувида муҳим ўрин тутди. Айниқса оила эстетик тарбиянинг илк масканидир. Бола эстетик дидининг шаклланишида ота-онанинг алоҳида ўрни бор. Қўғирчоқ ўйнаётган қизалоқни ҳеч кузатганмисиз? Кичик-кичик мато парчаларидан қўғирчоғига турли-туман кийимлар тикади, мустақил ранглар танлайди, алла ва эртақлар айтади. У она-сига тақлид қилади, онасидан ўрганган муомала ва хунарларни қўғирчоғига қилади, онасидан ибрат олади. Онасининг туфлисини кийиб, сумкасини кўтариб, кўзгуга қараётан қизалоқнинг диди аввало онасининг таъсирида шаклланиб боради. Демак болага фақат насиҳат қилиш эмас, аввало ўз хатти-ҳаракати, юриш-туриши билан ибрат бўлиш катта аҳамиятга эга. Бола учун ота-она эстетик идеалдир. Шунинг учун оилада айниқса ибрат катта аҳамиятга эга. Негаки, ўғил отасига, қиз онасига тақлид қилади. Яъни бола учун отаси энг кучли, энг ақлли, онаси эса энг гўзал ва донодир. Бу ҳаттоки бола улғайганда ҳам намоён бўлади. Аксарият йигитлар умр йўлдошининг онасига ўхшашини исташлари, оналарини ибрат қилиб кўрсатишлари ҳам шундан далолат беради.

Эстетик дид таълим-тарбия масканлари билан бирга санъат воситасида такомиллашиб боради. Айниқса санъат доим эстетик тарбиянинг асосий воситаси бўлган. Айнан бадиий адабиёт эстетик дид тарбиясида ўзига хос хусусиятларга эгадир. Гўдак илк дунёни таниганданоқ алла эшитади, кейинчалик эртақлар оламига ошно бўлади. Унинг бадиий адабиётга қизиқиши оила таъсирида поғонама-поғона юкса-

либ бораверади. Китобдаги ижобий қахрамонларнинг хатти-ҳаракати, кийиниши, юриш-туришига тақлид қилади, уларга ўхшашга ҳаракат қилади. Бугун фарзандларимизнинг диди қандай асарлар таъсирида шаклланиб бормоқда? Миллий менталитетимизга тўғри келмайдиган бадиий асарлар, кинофильмлар эстетик дидни такомиллаштиришга қодирми? Бу энг долзарб масалалардан бўлиб, Президентимиз Ислам Каримов бу борада “Биз учун ахлоқий жиҳатдан номаъқул, миллий қадрият ва қарашларимизга ёт бўлган, лекин ҳозирги вақтда ҳаётимизга кириб келаётган мана шундай кўринишларни бамисоли юқумли касаллик деб қабул қилишимиз лозим. Ва айти шу асосда бундай хуружларнинг ўта хавфли ҳолат эканини англашимиз зарур. Нега деганда, агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳеч гап эмас”, дея алоҳида таъкидлаб ўтади. Бу эса санъаткорлардан жуда катта масъулият талаб этади. Санъаткорнинг диди қанчалик юқори бўлса фаолиятининг кишилар онгида акс-садо бериши самарали бўлади. Санъаткор жамиятнинг фаол аъзоси сифатида асарларида ўзини намоён этади ва ўқувчига эстетик таъсир этади. Шунинг учун бугун ижодкорларимиз эстетик дидга эга бўлиши, миллий санъат, урф-одат ва анъаналарни билиши ва миллий қадриятларимизни асарларида акс эттириши орқали маънан юксак, ахлоқан баркамол авлодни тарбиялашда муҳим ҳиссаларини кўшишлари лозим.

**Насиба АБДУЛЛАЕВА,
ЎЗМУ катта ўқитувчиси.**

ШОШИЛИНГ! ОБУНА – 2011

Журналимизнинг азиз мухлислари!

Ҳаш-паш дегунча йил оёқлаб, тагин келгуси йил обунасига тараддуланиб қолдик. Мана, кўлингизда «Ёшлик»нинг 11-сонини. Насиб этса, янги йилгача 12-сонини ҳам Сизга етиб боради. Бу – бултурсига нисбатан икки ҳисса кўп ишладик деганидир. Айти чоғда Сиз ҳам бултурсигидан икки баробар кўп асар ўқидингиз. Келгуси йилда бу самарадорликни яна ошироқчимиз. Журналимиз худди шу бичимда 48 эмас, 64 саҳифада чоп этила бошлайди. Ҳаладонларимизда Сизни қизиқтирувчи, бадиий пишиқ, маънавий оламингизни янада бойитувчи сара асарлар бисёр.

Ўйлаймизки, келгуси йилда ҳам биз билан, АДАБИЁТ билан, бадиий янгиликлар, мутлақо янги асарлар билан ошно бўлиб қоласиз.

Шундай экан, обуна эсдан чиқмасин. Негаки, журналимиз матбуот дўконларида сотилмайди, фақат обуначилар манзилига боради.

**Нашр индексимиз: Яққа обуначиларга – 822.
Ташкилотларга – 968.**





Антон ЧЕХОВ

Аёллик БАҲТИ



Ҳикоя

Генерал-лейтенант Запупирининг дафн маросими. Марҳумнинг уйдан мотам мусиқаси ва қаттиқ-қуруқ овозлар янграрди. Хабар топган томошатаблар ҳар томондан югуриб келишган. Чиқариш маросимига ошиққанлар орасида Пробкин ва Свистков ҳам ҳозир у нозир. Иккови ҳам хотини билан бирга.

– Мумкин эмас! – Маҳаллий нозир ёрдамчиси ёқимли, очиқ чеҳра билан тўсиққа ёпирилиб келганларни тўхтатишга уринарди. – Мумкин эмас! Илтимос, орқага! Лекин шундай бўлса ҳам, хонимлар ўтиши мумкин... марҳамат сиз, хоним.

Пробкин ва Свистковнинг хотинлари нозир ёрдамчисининг кутилмаган ортифотидан қизаришиб, тўсиқдан лип этиб ўтиб олишди. Эрлари эса жонли девор томонда қолганча пиёда ва отлик назоратчилар ортидан ўйчан боқишарди.

– Ўтиб олишди! – деди кетиб қолган аёлларга рашк ва нафрат билан қараб қолган Пробкин. – Бахт чиндан ҳам бу уламасочларга. Эркакларда ҳеч қачон бундай имтиёз бўлмайди. Хўш, бизникидан афзалроқ қандай хислати бор уларнинг? Аёллар, айтиш мумкинки, оддий, ҳаммага ўхшаган, қолаверса, бидъатчи, лекин барибир уларни ўтказиб юборишди. Сиз билан бизни эса гарчи бешинчи даражали мартабага эга бўлсак-да, ўтказишга лойиқ кўришмади.

– Таажжуб, ўйлаб кўринг-а! – деди нозир ёрдамчиси Пробкинга таъна билан қараб. – Сизларни ичкарига олмаганимда ҳозир бошланадиган беўхшов туртинишлар орасида қолиб кетардингиз. Ахир, шундай назоқатингиз билан сизни бунақа аҳволда қолдиришни ҳечам ўзимга эп кўрмасдим!

– Марҳамат қилиб қолдиринг! – жаҳли чиқди Пробкиннинг. – Аслида аёллар кўпчилик орасида биринчи бўлиб туртинишади. Эркаклар бир нуқтага тики-

либ тураверади, хонимлар эса қўлларини кенг қўйиб, бемалол туртиб кетаверишади, нима бўлса бўлсин, башанг либослари ғижимланмасин. Ғиринг деб кўрчи! Аёллар бор жойда омад эшиги ҳаммиша очиқ. Хонимлар ва аскарлар учун рақс кечалари ҳам бепул, ҳа, бир тийинга олишмайди. Ҳатто тан жазосидан ҳам осонгина озод қилишади... Қайси хизматлари учун деган савол туғилади. Пошша қиз рўмолчасини тушириб юборса, сен энгашиб олиб бер; у кириб келса, дарҳол ўрнингдан туриб, стулингни узат; чиқиб кетса, кузатиб қўй... Расм-русмни қара-я! Қандай бўлмасин, унга етиш, фараз қилайлик, бешинчи даражали мартаба соҳиби – менга ёки сенга бир умр карнай чалиш бўлса, бас. Ойимқиз эса ярим соатда юқори мартабали инсон билан йўлини топиб, никоҳдан ўтиб олади-ю, бир пасада олий зотли хонимга айланади. Борди-ю, мен княз ёки граф бўлиб қолсаму, бутун дунёни бўйсундирмоқни ихтиёр этсам, Шипка чўққисини забт этсаму, вазирлар ҳузурида бўлиб турсам, ўз паноҳингда асра, бирорта она сути оғзидан кетмаган Веренька ёки Катенька граф қаршисида пайдо бўлиб, этагини айлантиради, кўзини сузади – мана жаноби олиялари... Сен ҳозир губерня котиби... Бу мартабангни, айтиш мумкинки, қон ютиб қўлга киритгансан; сенинг Марья Фоминишнанг-чи? У нима учун губерня котибаси? Попнинг қизилиги учун осонгина амалдорнинг хотини ҳам бўлиб олди. Ажойиб хотин! Сен унга ишимизни бер, у сенинг ўрнингда келди-кетди хатларини ёзиб ўтиради.

– Аммо тушкун ҳолатдагиларга хушқайфият бағишлайди, – гап қистирди Свистков.

– Бағоят муҳимлик! Улар амалдорлар қаршисида қовоғи уйилганга ўхшаб туришади, бироқ бу билан ўзларининг дилни яйратувчи оромижонликларини кўз-кўз қилишади. Турган-битгани қулайлик. Бизнинг

доирадан бирорта қиз ёки хоним генералга ҳам бемалол бидир-бидир гапира олади, сен эса амалдор олдида ниманидир айтишга журъат ҳам қилолмайсан... Ҳа... Сенинг Марья Фоминишнанг тортинмасдан бирор амалдорнинг қўлтиғидан олганча у билан бемалол сайр қилади, сен ҳам ана шундай амалдорнинг қўлтиғидан тутиб кўр-чи! Қани, ол, уриниб кўр! Бизнинг уйимизда, остки қаватимизда қанақадир профессор хотини билан яшайди... Генерал, тушуняпсанми, лекин Анна биринчи ўринда туради. Шунинг учун ҳар доим хотинининг жеркинганини эшитасан: “Аҳмоқ! Аҳмоқ! Аҳмоқ!” Ахир, у оддий қишлоқ аёли-ку, мешчанлардан, лекин бунда ҳар ҳолда қонунийлик бор ва шундай бўлиши керак ҳам... Азалдан шунақа, ҳақ-ҳуқуқлари учун талашиб-тортишишади, аммо сен ноқонуний тарафини олиб кўр.

Бир ҳодиса умрбод эсимдан чиқмайди. Ўлишимга озгина қолганди, шунда билсам, ота-онамнинг дуолари туфайли омон қолган эканман. Биласанми, ўтган йили бизнинг генерал таътилда ёзув-чизувлари учун қишлоғига мени ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. Бир соат ишлаб, қолган вақтда бекорчи ишлар билан банд бўлардик. У ишларини битириб, айлангани ўрмонга жўнардик ёки хизматкорлар романсларини тинглардик. Генералимиз сўққабош. Уй тўла ноз-неъмат, хотинлар эса йўқ, хизматкорларни ҳеч ким бошқармаганидан худди итдек пала-партиш яшашади. Хуллас, одамларнинг бари тартибсиз, гапга кирмайдиган... ва фақат оқсоч Вера Никитишна ҳаммамизга сўзини ўтказади. Унинг ўзи чой қуяди, тушлик буюртиради, хизматкорларга ўшқиради. Эҳ дўстим, бу ёқимсиз аёл жудаям заҳар, шайтоннинг ўзгинаси. Семизлигидан доим қизариб юради. Кимгадир қичқира бошласа, шунақа чийиллайдики, Худо асрасин бундай беўхшов чинқирқдан. Хуллас, бақир-чақирлару, ҳақоратлар жонга тегиб кетди. Во, ажаб! Унинг яқинида яшашга ҳеч ким тоқат қилолмасди. Нафақат хизматкорларнинг, балки менинг ҳам жиғимга тегарди бу маккор. Шунда: “Шошмай тур, қулай фурсат топиб, сен тўғрингда барисини генералга айтиб бераман. У хизмат билан банд бўлиб, кўзига чўп солиб юрганингни ва одамларни бездираётганингни кўрмайди-да, қараб тур, мен унинг кўзини очиб қўяман”, – деб ўйлардим. Очилди ҳам, биродар, кўзлар шунақа очилдики, назаримда ўзимнинг кўзим умрбод юмилмайдиган бўлди. Эсласам, ҳатто ҳозир ҳам этим жунжикади.

Бир куни мен коридордан бораётиб, тўсатдан чинқирқ овозини эшитиб қолдим. Аввалига чўчқани сўйишяпти, деб ўйладим, кейин эса диққат билан қулоқ солсам, Вера Никитишна ким биландир жанжаллашарди:

- Ҳайвон! Нақадар ярамассан! Аблах!
- Кимни қарғаяпти? – дея ҳайрон бўлдим.
- Эҳ ошнам, иттифоқо кўриб қолдим: эшик очилиб кетди ва ундан бизнинг генерал учиб чиқди. Қип-

қизарган, кўзлари чақчайган, сочлари тўзғиган бир ҳолатда. Аёл эса унинг орқасидан ҳам сўкинарди: “Ярамас! Иблис!”

– Валдирайвер! – дерди дарғазаб генерал.

Рости, мен қизишиб кетдим. Бизнинг генерал эса ўз хонасига югуриб кетди, мен эса гўё ҳеч нимани тушунмаган аҳмоқдек коридорда туравердим. Калтафаҳм, оми, тагипаст бир аёл бирданига бунақанги ҳақоратомуз сўзлар билан муомала қилишга журъат этди-я! Ўйлашимча, демак, генерал у билан ҳисобкитоб қилмоқчи бўлган, у эса гувоҳлар йўқлигидан фойдаланиб, бутун захрини генералга сочяпти. Йў-ўқ, буни шундай қолдириб бўлмайди, йўқотиш керак бу алвастини. Қоним қайнаб кетди... Унинг хонасига бордим-да, дедим: “Сен, ярамас, қандай қилиб амалдор одамга кўрқмасдан шунақа сўзларни гапирдинг? Нима, уни ҳимоясиз заиф чол, деб ўйлаяпсанми?” Ўзим ҳимояга ўтдим, биласанми, нима қилдим, унинг ёғ босган юзига икки марта тарсаки туширдим. Ана шунда кўрсанг эди унинг қанчалар кўтарилиб кетганини, шунақа чинқириб бақира бошладики, ўзи асрасин бундай офатдан! Умуман яхши иш бўлмади.

Қулоғимни бекитдим-да, ўрмонга жўнадим. Тахминан икки соатлардан сўнг қаршимга бир бола югуриб келди: “Хўжайиннинг олдига марҳамат қилинг”. Бордим. Кирдим. Куркага ўхшаб тумшайиб ўтирарди, қарамади ҳам.

– Бу, менинг уйимда сиз нима ўрнатмоқчисиз ўзи?

– Ўяни, қанақа? Мабодо, сиз Никитишна тўғрисида гапираётган бўлсангиз, мен сизнинг ёнингни олдим-ку.

– Бу сизнинг ишингиз эмас, бировнинг оилавий ишларига аралашяпсан! Тушунасанми?! Оилавий!

Эҳ, биродар, у таъзимни бера бошлаганда шунақа қизишиб кетдики, ўлишимга озгина қолди. Гапириб-гапириб, тўнғиллаб-тўнғиллаб, бирданига томдан тараша тушгандек кулиб юборди. “Бунақа гапиришни қандай эпладингиз? Бунча журъатни қаердан олдингиз? Таажжуб! Лекин буларнинг бари, дўстим, орамизда қолиши керак... Сизнинг қизиққонлигингизни тушунаман, бироқ хўп десангиз, сизнинг бундан кейин менинг уйимда қолишингиз ножоиз...”

Мана, ошна! Қандай қилиб ўша гердайган “товус”ни калтаклаганим, унга ҳатто ажабланарли. Ҳа, шаллақи хотин эс-ҳушини олиб қўйган. Оқ Бургутнинг махфий маслаҳатчиси бўла туриб, оддий бир аёлнинг таъсирига тушиб қолганини раҳбариятнинг ўзи ҳам билмайдиди... Ҳа, аёлларнинг каттадан катта қулайликлари! Аммо... сен яхшиси, шапкани еч! Генерални олиб кетишяпти... Эҳ, қанчадан-қанча орденлар, отахонлар дунёси! Хўш, қани, Худо ҳаққи, хонимларни олдинга ўтказиб юборишди, чинданам, улар орденларда бирор нарса борлигини тушунишадими ўзи?

Муסיқа чалина бошлади.

**Рус тилидан
Шаҳзода ҲАКИМОВА таржимаси**



Ўқтам МИРЗАЁР

КУЁВ

Ҳикоя



Дадахон Баҳодиров чизган сурат.

Зафархўжаев домла тилидан илинди. Ўзимизга ўхшаган-да. Хотини Флорахоним билан суҳбатлашиб ўтириб, бир-икки шогирдини мақтаб қолди:

– Бунақа шогирдлар ҳеч кимда бўлмаган, улар ишимнинг давомчилари, шу пайтгача ўттиз нафар шогирд тарбияладим, аммо булар бошқача-миллатимиз бойлиги! Ҳар бири икки, уч хорижий тилни билади. Компьютер техникаларини-ку ўзлари яратгандек бузиб, туришади, – энди хотиржамман, – деди сўлиш олиб, ғурур билан.

– Ҳих, падумаецъ, хотиржам бўлишга бало борми, – дея даъфатан шангиллади Флора. Сўнг, лабини буриб, чақчайганча эрига тикилиб кўнглидагини тўкишда давом этди: – Динарага куёв топишни қачон ўйлайсиз? Шогирдларим, шогирдларим дейсиз нуқул. Қирқ икки ёшингизда кўрган қизингиз-а! Пешонангизда бори шу, – у ўтирган жойида белига чап кўлини тираб, ўнг кўлининг кўрсаткич бармоғини ҳавода ўйнатиб, овозини хириллагунича кўйиб дона-дона қилиб таъкидлади, – Бўй... етиб...қолди! Бундоқ, унинг тақдирини ҳам ўйлаш керак. Тўхтанг-тўхтанг, шогирдларингиз орасида пичоққа илинадигани борми ўзи? Ҳаммаси ҳам ўзингизга ўхшамагандир-а?!

Зафархўжаев гап нимадалигини англаб, додираб қолди. Йўқ деса, мақтаниб кўйди. Бор деса, бечоралардан бирининг шўри қуриши турган гап. Флоранинг ҳижжакилашига қараганда астойдил киришганга ўхшайди. Ишқилиб, бўлажак куёв ҳам ўзига ўхшаб кафедрада ётиб юрмасайди. Эй, Худойим-ей, бу нима кўргилик-а? Бу хотинда ор борми ўзи?

Зафархўжаев катта чинни бакалини кўтариб, юмшоққина шиппагини шиппиллатиб, мункайганича лапанглаб, хонаси томон бораётгани, Флорахоним қаққон ўрнидан туриб, мушукдай ялтоқлана бошлади.

– Менга қаранг, домлажон, шогирдларингизни бир кўрсатмайсизми-а?

– Нима қиласан уларни, – деди эри зорлангандай, – бизга тўғри келмайди. Бировининг уйи йўқ, бошқасининг пули. Илмнинг орқасидан қувиб юрган гўдаклар-да.

– Нима қилибди. Ўзингиз авлиёмидингиз. Сизни одам қилган мана мен, – у ҳалигина ҳавода қиличдай ўйнатиб турган бармоғини кўксига қадади, – мен бўлмаганимда... ух, неблогодарний одамнинг хуниги, эсингиздан чиқибди-да, а? – деди важоҳат билан чўзиб.

Хоним шу даражада ғазабланган эдики, ҳатто унинг асабий хатти-ҳаракати белидан пастига ларзон солди.

– Қўйсанг-чи..., – чол кўл силтаб, йўлида давом этди.

Аламдан Флоранинг кўзлари қисилди. У кўзини очишни ҳам унутиб, телефон гўшаги томон интилди. Чап кўлида гўшак, ўнги билан телефон дафтари ни арақай-арақай рақамларни теришга ҳам улгурди.

– С. С. С. Собиров, мана, ҳозир сўраймиз... – Ало, Сапар Назарович! Ваалайкум ассалом, хизматлар билан чарчамаяпсизми укажон? – деди у айёрона, – домлангиз билан суҳбатлашиб ўтириб, бир фикр каллага келди. Шогирдларингиздан тузукроғи борми? Вой ўлай, ундай деманг, домлангизнинг шогирдлари сизникиям, ўша жулдурвоқиларни оёққа кўйиш учун озмунча меҳнатингиз сингаяптими. Бундай, пичоққа илинадига-

ни бўлса, дегандим. Қаердан бўлиши шарт эмас, одам қилиб оламиз. Мақсадми? Кейин айтаман. Йўқ, лавозимга эмас, бўш жой йўқ-ку оповси, шахсий масалада. Юборайми, дейсизми. Яхши бўлардию, аммо уларнинг ҳаммасини бирор баҳона билан тўплаб, бир-бир солиштириб, кўрсам, танишсам, дедим-да. Бизникидами? Йўқ, керакмас, юборманг, дастурхон, чой-пой дегандай. Меҳмон кутадиган аввалги қувватим йўқ, укажон, майли, бир иложини топинг, хайр.

Илиб қолган чойни ижодхонасида хўплаб ўтирган домла эшик тирқишидан хотинининг шахдини кўриб ўрнидан турдию кирпидек у ёқдан бу ёққа ғимирлаб бориб кела бошлади.

Киришган ишини охирига етказмасе кўнгли тинчи-майдиган бу жодугар бир балони бошламасайди. Энди лўттибоз Собировни кўлга олади.

Собировга Илмнинг «и» ҳарфи ҳам бегона. Ҳар йили бир-икки такасалтангни ўқишга текиб кун кўради. Эшикдан ҳайдасанг тешикдан бош суқади. Хуфя режалар бобида Флоранинг иттифоқдоши. Стратегияни Флора белгилайди, амалиёт Собировники. Имтиҳон пайтида гаплашилганларни “бункир” қилиш, “шатакка олиш”, яна алламбало усулларни ўйлаб топганлар ҳам шулар. Флора барча қалтис ишларини ана шу лўттибоз Собиров орқали битиради.

Ярамас Флора! Домла ҳадемай нафақага чиқади, ўрнига сизни тавсия этамиз, деб уни умид билан кўркув орасида сақлайди. Ўл, аҳмоқ, ишониб юрибди. Флорага эса гаҳ деса кўлига кўнадиган ана шундай югурдак куёв керак. Чол ҳаммасини билади. Аммо кеч. Бирор чора кўра олмайди.

Шу шогирдида адашди-да! Туппа-тузук мақолалар ёзиб юрарди, кейин билса, улар “чанглатилган” экан. Бир кунининг таъзирини бермоқчи бўлиб, номзодлик иши учун манба бўлган китобларни тўплади. Қаршисига ўтқазиб олиб, аямай тузлади. Охири вужудидан совуқ тер чиқиб кетган Сапарвой: “Домла, одамдан одам туғилганидек, китобдан китоб туғилади-да” деб туллаклик йўлига ўтди. Бирор чора кўришга кечиккан домла унинг илмий иши кунлари деярли тилини тишлаб юрди.

Илмий кенгаш домланинг ҳурмати учун Собировнинг ишини қабул қилди. Бу нуқсонларга Зафархўжаевдан бошқа ҳеч ким аҳамият бермади. Домланинг одам бўлиб қилган гуноҳи шу. Шу-шу ундан кўнгли совиган. Ўша кезлари Флоранинг йўл-йўриғи билан раҳбариятга одам кўйиб, катта ўқитувчи ҳам бўлиб олишга улгурди. Вақт олий ҳакам, деган ақидага амал қиладиган Зафархўжаев унинг катта ўқитувчи бўлишига ортиқча монелик қилмади.

Бора-бора у домлага сездирмай орқаворатдан ҳам иш битирадиган қилиқ чиқарди. Пул гапирганда ҳақиқат жим туради, дегани шу бўлса керак-да! Афсус!

Домла ўзини Флоранинг қолипига тушиб қолганини жуда кеч билди. Авваллари ҳаммаси рисоладагидек эди. Домла навқирон, бир сўзли, шижоаткор, бутун умрини иқтисодиёт илмига бағишлади. Ғамхўр домлалари қуршовида етимлигини ҳам унутди. Илмий ишини ёқлаганидан сўнг домла Камроновнинг хотини Зубайда ая унга оналик қилди – ўзи бош бўлиб, узоқ қариндошининг ўтириб қолган қизи – Флорага уйлантирди.

Зафархўжаевнинг бошқа иложи ҳам йўқ эди. Ёши ўттиздан ошган, чўнтагида номзодлик дипломидан бошқа ҳеч вақоси йўқ. Ётоқхонама-ётоқхона кўчавериб жонига теккан эди. Уйландию суюги тинчиди. Бутун кучини илмий изланишларга бағишлади. Зубайда аянинг маслаҳати билан Флоранинг ота-онасидан қолган ҳойхотдай коттежга кўчиб ўтди. Флораконим ҳам шундай таланти эрга тегиб, юзи ёруғ бўлганидан хурсанд. Анча пайтгача ёшлигида етишолмаган даврини суриш учун фарзанд орттирмай юрди. Кап-катта хотин бўлганида яқинларининг қийин-қистови билан қизчаллик бўлди. Ўша дамлардагина домла Зафархўжаев ҳақиқатдан ҳам бахтли эди.

Хотини бир-икки йил уйда ўтириб зерикди. Ҳар хил машмашаларни ўйлаб топадиган бўлди. Ҳаётдан орқада қолиб кетяпман, ишга кирман деб хархаша қилди. Танишлар эрининг ҳурмати учун уни банкка ишга жойлаб қўйишди. Бу орада Зафархўжаев онасидай ғамхўр, маслаҳатгўйи Зубайда аядан айрилди. Аядан сўнг домла Камронов ҳам узоқ яшамади. Шундай қилиб, Флорани тергаб турадиган ҳеч кими қолмади. Флора эса бу пайтга келиб эрининг ҳурматидан фойдаланиш ҳадисини олган, катта охурнинг мазасини татиб улгурганди. Зиёфатлар, тантаналар, ҳашам кийим-кечаклар, зебу зийнатлар – буларнинг ҳаммаси учун жарақ-жарақ пул керак бўларди. Домланинг нархи эса улардан ҳам қиммат эди. Флора ана шу бебаҳо ёмбини кучоқлаб ётган мор эди.

Домла иш билан овора бўлди ё пешонада бори шу экан-да дедими, ҳар ҳолда хотинини жиловлашга куч ҳам, журъат ҳам топа олмади. Умуман, қаттиқўллик унинг табиатига зид эди. Айниқса, хотин кишига. Олманинг бўшини қурт ейди, дегани шу бўлса керак-да!

Домла, қизи Динарани қанча яхши кўрмасин, Флора ўйлаганидек, шогирдларидан куёв қилиш нияти йўқ. Бунинг устига қизини куёвга беришдан кўпроқ Флора манфаатдор – эр қарияпти, унга эса «бўладиган» куёв керак. Куёвнинг орқасидан керилиш, иложи бўлса уни каттароқ лавозимга ўтказиб қўйиб, бир умр эъзозу эътиборда айшини суриш Флоранинг азалий орзуси.

Яқинда институт бўйича “Ёш тадқиқотчи” клуби аъзоларининг маърузалари тингланади. Ҳойнаҳой, Собиров Флорани хабардор қилади. У эса, бир нарсани баҳона қилиб, куёв танлашга боради. Вой ярамас..!

Зафархўжаев эрталаб кафедра эшиги олдида Абдурашидни учратди.

– Ўғлим, бир дақиқа вақтингизни оламан.

– Марҳамат домла, қулоғим сизда, – деди Абдурашид қўлтиғига қисиб олган китоб-дафтарларига тартиб бериб.

– Шу десангиз, сизни бир-икки ҳафтага Зарафшонга юборсак, нима дейсиз?

– Майлику-я домла, анжуман куни маърузам бор-ку!

– Биламан, маърузангиз билан танишдим, яхши. Ҳаммаси жойида. Лекин мўлжаллаб қўйган ўта муҳим ишларимиз ҳам йўқ эмас. Зарафшонда бир корхонанинг ишлаб чиқариш суратини таҳлил қилиш керак бўляпти. Ўсиш суратларини илмий асослашимиз зарур. Юқоридан шундай топшириқ олганмиз. – У кўрсаткич бармоғини тепага қаратди. – Ўзим бора олмаяпман. ўрнимга сизни юбормоқчиман. Жуда муҳим топшириқ.

Келажакнинг учун ҳам яхши бўлади. Қолаверса, тажриба орттасиз.

– Домла, балки, анжумандан кейин...– деди нафаси ичига тушиб. Шу дам ўзини илмда рақобатлашиб юрган дўстларидан енгилб қоладигандай ҳис этди.

– Шошилманг, ўғлим, ҳали маъруза қилишга ҳўб улгирасиз. Бу гал бўлмаса, бошқа сафар. Бемалол бориб келаверинг. Ҳа айтгандай, уйдагиларни ҳам кўриб келасиз. Ҳужжатларни эртага берман. Раҳбарият билан келишиб қўйганман. Биздан отангизга салом айтинг.

Абдурашид домланинг раъйини қайтара олмасди. Унинг “ўзимнинг ўрнимга” дегани кўнглини сирли ўртаб ўтди. Ажабтовур фикрлар кун бўйи оромини бузиб юрди. Нусха кўчириш учун қолдирган «Иқтисодда мувозанатнинг бузилиш оқибатлари» мавзусидаги маъруза матнини олиб, бир нусхасини кенгаш ҳайъатига қолдиргач, ётоғига кетди.

Одамзод пешонасига ёзилганидан қочиб қутулмас экан. Абдурашиднинг Зарафшондаги ишлари бир зумда битди. Қайтаётиб, уйига киришга ҳам улгурди. Ота-онасидан хабар олди. Ҳамма ишлар жойида. Кўнгли тоғдай бўлиб, кенгаш ўтадиган куни ғоздай керилиб Тошкентга етиб келса бўладими?

Домла Зафархўжаев ўз кабинети ёнида Абдурашидни кўрдию томоғига қилтиқ тикилгандек, ғалати бўлиб кетди. Унинг сафарда қилган ишлари юзасидан берган ҳисоботи ҳам қулоғига кирмади. «Ўзингдан кўр, бола», дегандек бир ола қараб, хонага кирди. Домланинг кетидан соядай эргашиб юрадиган Собировгина унга ёқимли муносабатда бўлди. Маърузасини мақтади. Иккинчи ё учинчи бўлиб минбарга чиқасан, дадил бўл, деб ғайратлангирди.

Абдурашиднинг юрагида доимгидай биринчи бўлиш иштиёқи ёлқинланар, шусиз ҳам ёд бўлиб кетган маърузасини орқа ўриндиқда варақлаб, жангга шай шердай ғўддайиб ўтирарди.

Йиғилганлар орасида хотин-қизлар ҳам анчагина эди. Уларнинг айримлари олдинги қатордаги юмшоқ ўриндиқлардан бирида кўзида қора кўзойнак, бир қоп бўлиб ўтирган Флораконим билан «чўлпиллашиб» кетарди.

Ҳайъат раиси маърузачиларни номма-ном минбарга таклиф этди. Собиров эса Флоранинг биқинига қапишиб, агентлик фаолиятини бошлаб юборганига анча бўлганди. Маърузачиларнинг кийинишидан тортиб, нотиклигича, бўйи-бастию... хуллас ҳамма ўлчамлари таҳлил этилмоқда...

– Келажакни ўзимиз яратамиз, Худо хоҳласа, – деди ая Собировга. Аммо кимнинг келажакни ўзлари яратишини айтмади муғомбир.

Бу орада Флораконим сувилондай буралиб, домлани олдига солиб, «Бухорога ўтаётиб», Абдурашиднинг отаси Нафас тоғани ҳам бир неча марта «зиёрат» қилиб қайтди. Гап орасида отага ўғли ишончли қўлларда, шахсан домла Зафархўжаевнинг қўл остидалигига шаъма қилди, Зартепаннинг қатигини мақтади, хуллас, Абдурашиднинг қариндошларини ўзига ром этиб қайтди. Ўғлининг муваффақиятидан Нафас тоғанинг боши айланиб, ғурури ошди.

Бир йил давомида домла-шогирдлик фалсафасининг охири Динарани севиб қолиш билан якун топди. Анча сўзамол, узоқни кўра биладиган, катта- кичикка

бирдай ёқадиган Абдурашид Нафасовни уйланиш борасида ҳеч ким ахдидан қайтара олмади. Унинг ақл кўзини ё аёл зотининг макри, ё шуҳрат тожининг ёғдуси басир қилиб қўйганди. Ҳа, хом сут эмган банда-я!

Дунёда шунақа ишлар борлигини Нафас тоға ҳам ўйламаган экан. Ноилож рози бўлди. Афсуски, Зафархўжаевнинг хатоси такрорланди. Бунда домланинг заррача айби йўқ.

Магистрлик иши мавзусини тасдиқлаштириб олгач, Абдурашид олдида тўй масаласини ҳам бир ёқлик қилиш истаги пайдо бўлди. Зартепа – Тошкент ўртасидаги қатновлардан сўнг асъасаю дабдаба билан уйланиш компанияси бошланди. Бироқ барча ҳаракатлар қанча тез бошланган бўлса, шунча тез ва кутилмаганда сустлашди.

Ҳамма ишлар келин-куёвнинг тўйдан кейин қаерда туриши масаласига бориб тақалгач, орқага кета бошлади. Тўйнинг барча харажатларини ўзим ҳал қиламан, сиз аралашманг, деб керилган Флораконим мум тишлаб олди.

Хуллас, навбатдаги учрашувларнинг бирида Динара Абдурашидни Чилонзор метросининг шундай ёнидаги кўпқаватли уйлардан бирига бошлаб борди. Учинчи қаватдаги икки хонали шинамгина квартирада ҳеч ким йўқ эди. Қизнинг дафъатан ёлғиз жойга андишасиз бошлаб келиши бўлажак куёвнинг кўнглида шубҳа уйғотди. Билагидан ҳам ушламаган қиз билан ёлғиз қолиш йигитни бироз эсанкиратди.

– Бунча шалвирайсиз, – деди Динара ҳали хаёлини йиғиб улгурмаган қайлигининг бўйнига осилиб. – Мана шу уй энди бизники. Тўйдан кейин шу ерда мазза қилиб яшаймиз. Ойимлардан бизга совға. Қалай, сизга ёқдими? Яқинда иккаламиз учун атайлаб сотиб олдилар:

– Нега энди? Бизникида турмаймизми? – деди ажабланиб куёв.

– Қаерда? Қишлоқдами?

– Нима қипти? Тошкентда ҳам тўй қиламиз, қишлоқда ҳам. Тўйдан кейин чилламит чиққунича у ерда турамит, кейин ўқиш тугагунича бу ерда, – деди Абдурашид кўнгли ғашланаётганини сезиб шалвирабгина.

– Ундан кейин-чи?

– Ундан кейинини вақт кўрсатади.

– Чилла-пиллангизни кўйинг, Абдурашид ака, ойим эшитсала хафа бўладила. Биласизми? – деди Динара чимирилиб, сўнг қандайдир сирли хабарни айтишга чоғланди. Аммо бирдан шашти ўзгарди.

– Нимани? – деди Абдурашид овозини баландлаштириб. Энди у ўзини анча тутиб олган, жиддийлаша бошлаганди.

– Ойим сизни жуда яхши кўрадилар, уларни хафа қилманг, илтимос. Тўй ўтгунча нима десалар ҳўп денг. Қолаверса, биттаю битта қизман, ўлиб қолсалар ҳам бунга рози бўлмайдилар.

– Эй, нима, мен ичкўевмидимки... Йўқ-йўқ, бунақаси кетмайди. Ҳозироқ бу масалани бир ёқлик қилиш керак. Ижарада турсак, турамитки, бу ерда турмаймиз. Мени шунчалар орсиз, деб ўйлаёпсизми?

Динара Абдурашидни ҳарчанд тинчлантиришга ҳаракат қилмасин, уддасидан чиқа олмади. Не-не умидларда қаллигини хилватга бошлаб борган Динара

оқшомнинг оёғида сувга бўккан булкадай уйига кириб келди. Ойисига бўлган воқеани айтиб, кўз ёши қилди.

Ҳозироқ ётоқхонага бориб, ялангоёқ куёвнинг тонобини тортиб қўймоқчи бўлган Флорани қандайдир куч тўхташиб қолди. У узун уф тортиб, столга ўтириб олди.

Домла Зафархўжаев эса шунга ўхшаган муаммолар кўндаланг бўлишини биларди. Чунки шогирди унақа йигитларданмасди.

Гап уқмас Флораконим инсоф, диёнат бобида анча тарбияланадиган бўлди. Ишқилиб бола синмасин-да! Бир хиёл домла Абдурашидни ёнига олиб, насиҳат қилсаммикан, деб ўйлади. Аммо ғурури йўл қўймади. Аралашмай қўя қолди. Вақт – олий ҳаким! Абдурашид ҳам одоб юзасидан кўзга ташланмай қўйди. Флора билан куёв орасида Собиров чопар.

Вақт эса ўтиб борар, илмий ишлар билан овоза бўлиб, ётоқхонанинг тўртинчи қаватидаги хонада қоғозларга кўмилиб олган Абдурашиднинг ҳузурига Флораконимнинг хос элчиси Собиров домла келиб-кетавериб чарчади. Бир куни Динаранинг ўзи келди.

– Розиман, сиз нима десангиз шу, – деди кўзида ёши билан.

Онаси шундай ўргатган эди. Қизни ўз измига бўйсўндирганидан кўнгли ўсган Абдурашиднинг шу орада мансаби ҳам ўсиб қолди. Ёш бўлишига қарамай, кафедрага етакчи мутахассис лавозимига таклиф қилинди. Диплом ҳимоясидан кейин тўй ҳам бошландиган бўлди. Тўйдан олдин ундоқ қиладурман, бундоқ бўладур, деб керилган Флораконим эл кўзи учун аввал Талабалар шаҳарчасидаги кафедра камтаргина, кейин қишлоқда тўй ўтказишга қарор қилди. Муборак бўлсинга хотин-халаж, кўни-қўшни йиғилди, дегунча Флораконим тўтидай битта гапни такрорлайди: “Тўйни каттароқ ўтказайлик, эл кўзига камтарроқ бўлгани яхши, домлага гап тегиб қолмасин...”

Бир ўзи тўй ташвиши билан у ёққа, бу ёққа югуравериб, Флоранинг юраги доғланиб кетди. Эр жониворнинг сўлиган савлати жигарини эзди. Куёвдан ололмаган ўчини тўйдан кейин домладан олиб, шу доғни «ўхшатиб» ювишни дилига тугиб қўйди. Аммо шу кунларда тўйнинг ташвиши бир ўзига қолиб кетгани боис, кўзини шашт билан қисганича, каловланиб, “ух, неблогодарний одамнинг хуниги”, дея у хонадан бу хонага зувиллаб бориб келиб юрибди. Қариндош-уруғсиз тўй қилиш осон дейсизми?! Собиров бечора мардлиги тутиб: “Сиз тўйни бошлайверинг, хизматни мана, мен қилай-да” деб керилган эди. Ўйламай гапирган оғримай ўлар, деганидек, хотини билан эртадан то шомга қадар шунча ҳаракат қилмасин, тўйнинг ташвишини адо қила олмаяпти. Ҳали униси кам, ҳали буниси... Флораконим масаланинг бу жиҳатини ўйламаган экан! Шундай кунларда ёнида турадиган маслакдошлари, ака-укаси, жонкуяр синглиси бўлмаганидан ўксиди. Ёлғизлик алами дилини кесди. Аммо ичига ютди...

Мана тўй ўтганига ҳам уч ой бўляпти. Очиғини айтганда тўй машмашаси бошланганида калаванинг учини йўқотиб, қочгани гўр тополмай қолган Флораконим энди унинг қандай ўтганини эслаёлмай ўтирибди.

Кўни-қўшнилари қараб туришмади. Орият кучлилик қилди. Униси у ёқдан, буниси бу ёқдан дегандай Флора гангиб қолганида жонига оро киришди.

Шу кунларда чолу кампир ҳамёнини олдирган лўлидай бир-бири билан дам аразлашиб, дам ярашиб кунни ўтказишмоқда.

Вақт самарасиз ўтгани сайин Флорахоним сиқилиб кетяпти. Бу ёқда Чилонзор метроси ёнидаги қизига атаб олган уй ҳам хувиллаб ётибди. Куёв жонивор ҳеч кимнинг гапига кирмайди. Лоақал кўнгли учун “Ойи-жон, овора бўлибсиз-да” ҳам демади. Одамни шарманда қилиб, ижарада яшаяпти. Шуларни эслагани сари хонимнинг ичагига ачиб кетади. “Ўргилдим гурурингдан! Ҳали бурнингдан тўқамни ўтказиб олай, кўрсатаман сен галварсга. Кимнинг орқасидан одам бўлиб юрганигни билмабсан...” деган фасодли ғазаб аввал миясининг орқа томонини жазиллатиб, сўнг кўзининг гардишини ачиштириб, қорачўғида ўтдай яшнади. Хоним шундай дамларда йўлиққанни еб-ютишга тайёр арслондай ҳурпайиб кетади. Жойида соатлаб қилт этмай ўтиради.

Ҳозир ҳам ойнаванд айвонда куз офтобининг тафтига товланиб, захар тўплаб турганида бир нуқтага тикилиб турган кўз кири шарт очилган дарвозага тушди. Вақт пешиндан ошганди. Собиров илжайиб, ўзи учун қадрдон бўлиб қолган таниш хонадоннинг таниш эшиги тутқичига шахд билан қўл чўзди.

– Оббо, – деди хоним эшиттирмай.

– Ассалому алайкум аяжон!

– Ваалайкум ассалом, келинг Сапаржон, бормисиз, – деди Флорахоним тўйдан чарчаб чиққанга йўйиб, одамнинг раҳмини келтирадиган оҳангда инқиллаб, унинг елкасига қўл учида қоқаркан. – Ўзингизнинг чарчоғингиз чиқдими, укажон, келиним тузукми? Барака топинглар, сизлар бўлмасангиз нақ абжағим чиқар экан, раҳмат ўргилайлар, раҳмат, яхшиликларингга қайтарай! – У ёнидаги ўриндиққа имо қилди.

– Раҳмат, аяжон, раҳмат. Сиздан ҳеч ёмонлик кўрмаганмиз. Қўлимиздан келганича-да!

Аяси Собировнинг бундай таниш ялтоқланишидан хиёл ҳушёр тортиб, хушламай турди. Шунчаки хабар олгани келмагандир, ё, тўйда қилган хизматлари эсдан чиқмасдан бирор нозикроқ илтимос билан келган.... Ё...

– Ая, суюнчи беринг, – деди Сапарвой ортиқча чўзмай ялтоқланиб.

– Нима гап, биров ишдан кетдими? – деди Флора муҳим янгиликдан тезроқ хабар топиш учун қулоғи нақ Сапарвойнинг бурнига теккудек беўхшов энгашиб. Шу дам унинг қоши, ҳам кўзи ҳам бирваракайига бир неча марта учиб тушди.

– Ҳеч ким ишдан кетгани йўқ,, – ёйилиб илжайди Сапарвой, – аксинча, куёвингизни ишга таклиф қилишяпти.

– Вой, қаерга, оғзингизга мой, нега мен билмайман?

– Юқорига, – Сапарвой бош бармоғи билан тепага имо қилди, – юқоридан сўрашяпти. Ишхонада ғалағовур гап. Газетада чиққан мақоласи катталарга ёқиб қолибди.

– Ростдан-а?! Яшшамагурнинг ўзи ҳам балода! Гап-сўзлари бирам ботир. Буни қаранг-а? Қаерга экан?

– Билмаймиз, домлаям яқинда эшитдилар. Эрталаб ректорнинг нақ ўзлари характеристика ёзибди. Проректор ҳам, декан ҳам халлослаб тавсифнома ёзиб юришибди. Сир тутишяпти. Хуллас, ҳаммамиз ҳайрон. Сиз биларсиз, деб келувдим.

– Эртами-кечми шундай бўлишини билардим, – деди ая сўлиш олиб. – Аммо бунчалик тез ниятимга етаман, деб ўйламагандим. – У ичидан қисиб келаётган қувончини яширишга ҳаракат қилиб, илжайди. – Абдурашиднинг ўзлари биладими? – у ёнидаги телефон гўшагини қўлга олиб, рақамларни боса бошлади.

– Билмаса керак, домла ҳам, мен ҳам кўнғироқ қилиб боғлана олмадик.

– Жавоб бермаяпти. Динара-чи? Униям телефони ўчиқ.

– Шошманг, ая, керак бўлса топишади. Аввал қаергалигини билайлик.

– Домла қаерда?

– Ишхонада.

– Менга қаранг, тезлик билан ҳаракат қилиш керак, бу имкониятни қўлдан бой бермайлик...

– Нима қил, дейсиз? Ахир қаергалиги ҳали номаълум-ку!

– Биладиганларнинг оғзини исқанг, домлангизга қараб ўтирманг, оламни сув босса ҳам у кишининг тўпигига чиқмайди. Ишхонага қайтиб боринг, хабарлашиб турайлик. Бирор жўяли фикр чиқса ўзим кўнғироқ қиламан. Йўқ, тўхтанг, топдим, – Флорахоним кўрсаткич бармоғини ҳавога тиркади, – топдим. Эртага домлангизнинг туғилган куни. Э ҳа-я! Тўйдан кейин ортиқча чиқим бўлмасин, девдим. Барибир иложи йўқ кўринади. Бўлди, шундай қиламиз. Рўйхат тузинг. Шу баҳонада хабари бор ҳаммани эртагаёқ чорлаймиз. Биридан бўлмаса, биридан гап чиқади, мана кўрасиз...

– Домла нима деркин?

– Эй, бу ёғини менга қўйиб беринг...

Иттифоқчилар шундай қарорга келиб тарқалишди. Флорахоним домла ишдан қайтунича ич-этнини еб бўлди. Келганида ҳам у кишидан бирор жўяли гап ола олмади.... Флорахоним маросим ҳақидаги қарорни ошкор этай, деб турганида, куёв билан келиннинг ўзи бир кучоқ гул, совға-салом кўтариб кириб келишди.

Ёшлар бахтли эди. Бири гапириб, бири куларди. Уларнинг бахтиёрлиги Флорахонимга ҳам кўчди. Биринчи марта росманасига куёвини бағрига босиб, астойдил суйди.

– Онанг ўргулсин, бўйларингга қоқиндиқ. Ҳозир йўқлаб турувдик-а! Қани, қани, марҳамат...

Уларни ҳаммиша меҳмонга мунтазир турадиган узун, айлана столнинг тўрига таклиф қилди. Домла ҳам кўришиш учун куёвига кучоқ очди.

– Суюнчи беринглар, суюнчи, – деди Динара ёш қизчалардек тантиқланиб.

– Вой, тинчликми? Нима гап? – деди Флорахоним тоқатсизланиб, гуё ўша сирли янгиликдан хабар топиш мавриди келганлигига амин бўлиб.

– Биз чет элга кетяпмиз....

– Вой! – Флорахонимнинг бошидан совуқ сув қуйгандай стол атрофидаги дуч келган стулга ўтириб олди.

– Шунақа бўлиб қолди, – деди Абдурашид аввал қайнотасини тўрга ўтказиб, сўнг ёнидан ўзи жой оларкан, – Бир йил давомда аввал Япониядаги нуфузли банкларда навбати билан малака ошириб қайтадиган бўлдим. Илмий иш мавзуси жуда тўғри танланган экан. Интернет орқали анкета тўлғизгандим, савол-жавоблар бўлувди.... Расмий таклифнома ҳам юборишибди....

– Ҳа, иқтисодда мувозанатнинг бузилиши ҳақидаги тезисларингиз қалтисроқ эди. Вақт кўрсатди. Бахтингизга дунё иқтисодиёти эски аравага ўхшаб шалдираб, сизнинг қарашларингиз асосли эканини исботлади.

– Динара-чи? У ҳам бирга кетадими? – сўради Флора қувонишини ҳам, қувонмаслигини ҳам билмай.

– Бирга кетамиз, – деди Динара онасини тинчлантириш учун бўйнидан кучиб.

Бу янгиликдан Флоранинг кўнгли тўлмади. Янада ойдинроқ фикр эшитиш учун ўсмоқчилади:

– Бу ёқда лавозимга ҳам таклиф қилишибди, деб эшитдик...

– Ҳа, шундай бўлувди, – деди Абдурашид жиддий тортиб, – аммо мақсадимни эшитишгач, қўллаб-қувватлашди.

Флора иккинчи марта сапчиб тушди. Бир йиллик ўқишни деб шундай таклифдан воз кечган қувонини бундан кейин ҳеч қачон жиловлай олмаслигига кўзи етиб, уни суйиб-ардоқлашдан ўзга чораси қолмаганини аңлади.



БИРИНЧИ УЧРАШУВ



ДИЛНУР



Ёдингизда бўлганим бахтдир

*Ҳатто қуюқ киприкларингиз,
Солиб бермиш бахтдан ҳалинчак.*

*Пойларимда севги йўлкаси,
Билиб бўлмас – ўнғмикан ё туши.*

* * *

*Кўзларингиз ортидан ана,
Қалбингизни кўриб турибман.
Туйғуларнинг бари нўртана,
Барчасида ўзим юрибман.*

*Аммо бордир менинг шиорим,
Шу шиорим ягона аҳддир.
Ёнингизда бўлгандан кўра,
Ёдингизда бўлганим бахтдир.*

*Сен келасан, сен билан бирга,
Келар таниши, қадрли иффор.
Юрагимдан чиққан қўшиққа,
Кипригимни айлайман дутор.*

*Икки мўъжасз кошона ичра,
Тилла қошли малика ўзим.
Мени ёлғиз қўймаслар сира,
Қувончлардан қирқта канизим.*

СЕН КЕЛАСАН
*Сен келасан, сен билан бирга,
Кириб келар мусаффо олам.
Айланаман бахтли асирга,
Оламингга кираман мен ҳам.*

*Сўнг кетасан,
Қолади ҳижрон,
Лаҳзалари асрдан узун.
Мен ҳижронга қулайман тамом
Яна сени соғинмоқ учун.*

*Боғмиш кўнгиш сарҳадларингиз,
Меникимши ҳамма гул-чечак.*

*Нигоҳингда меҳр ўлкаси,
Туйғуларим айлайди сархуши.*

ШЕЪРНИНГ ТУҒИЛИШИ

*Ой ўз хаёлига ўралган оқшом,
Юлдузлар ийманиб юзин очган пайт.
Хотирам қатидан этилди инъом,
Қачондир қалбимда куйланган бир байт.*

*Ой ўз хаёлига ўралган оқшом,
Мен ҳам даллигина дилни кечирдим.
Боқсам, кўзларида тиллоранг калом,
Дарҳол қоғозларга нусха кўчирдим.*

*Ой ўз хаёлига ўралган оқшом,
Вужудим тор келди руҳимга бирдан.
Қалбим тош эканин унутди тамом,
Мени воқиф этди бир ажиб сирдан.*

*Ой ўз хаёлига ўралган оқшом,
Юлдузлар ийманиб юз очган кеча.
Мен билан беором сўзлашди илҳом,
Мавзумиз сен бўлдинг узоқ тонггача.*

Сурдарё



САНЪАТКОРЛАР ҲАЁТИДАН ҲАНГОМАЛАР

ЖОНИНГИЗНИ ҚОЙИТМАНГ

Бир куни Маъмуржон Узоқов ҳовлисига ўратепалик шинаванда келибди.

– Ака мулло, биз ният қилиб эдик, Маъмуржон ҳофизни обкелиб сўнг тўй қиламиз деб. Бўш вақтингизни айтсангиз, ўшанда тўй қилсак.

– Э, раҳмат, шунча ердан мени йўқлаб келибсиз, Худо хоҳласа борамиз. Лекин бир-икки кундан кейин Бу-хоро томонларга сафарга кетяпмиз. Ижодий сафаримиз ўн беш кунлар чўзилса керак-ов.

– Ҳамма шартларингизга ҳам кўнамиз, вақтини сиз айтсангиз бўлди, ака мулло. – Бўпти, ўн беш кундан сўнг тўй қиламиз. Сизни кутамиз.

Ваъдага вафо: белгиланган кун ҳофиз бир-иккита созандалар билан етиб борибди. Тумонат одаммиш. Жой ҳозирлаб Маъмуржон акаларни қир тепасига ўтказишибди. Дастурхонлар мўл-кўлчилик. Лекин ҳеч ким ашула эшитайлик демасмиш. Бир қанча вақт ўтиришибди, биров индамбди.

Маъмуржон ака тўй бошини чақирибди:

– Ука, ният қилиб айттириб келдиларинг, энди бир-иккита ашула ҳам айтиб берайлик-да.

– Э, ҳофиз ака, жонингизни қойитмай ўтираберинг, фалончиникига Маъмуржон ҳофиз келибди деган овоза бўлса, бас, – дея жавоб берибди тўй эгаси пинагини бузмай.

ЎЗАГИ ҚОЛГАН ВУМ

Юсуф қизиқ бир катта сайилда боғ дарвозаси олдида бир неча санъаткорлар билан туришса, каттаконлардан бири келиб қолибди. У машинадан тушар-тушмас ҳамма бориб сўрашишибди-ю, Юсуф қизиқ эса ўрнидан ҳам жилмабди. Каттакон ичкарига кириб кетгач шогирдларидан бири шивирлабди:

– Уста, нимага сўрашгани бормадингиз?

– Э, болам-а, илгари бир ярим метр думим бор эди, шунақаларга ликкилатавериш ҳозир ўзаги қолган холос... – дея жавоб берибди Юсуф қизиқ.

СЕН ЎЗИНГ БЕКИН

Фарғона томонларда йўқ шунақа одамки, лақаби бўлмаса. Ошқовоқдан тортиб ҳайвонларнинг ҳамма турлари кишиларга лақаб қилиб қўйилади. Аскиячи, созандаларни-ку, асти кўяберинг.

Раҳматли Юсуф қизиқнинг битта лақаби «ит» бўлган экан. Лақаб шундай нарсаки, отасининг лақаби “сичқон” бўлса ўғлига ҳам албатта шу ёпишади. Бундан ташқари кимга шогирд тушса, унинг ҳам лақаби шогирдига ўтди деяберинг.

Юсуф ота чойхонада беш-олтита шогирдлари билан ўтирган пайт ит отарлар ўтиб қолибди.

– Уста, энгашинг, ит отадиганлар келишяпти, кўриб қолишмасин, – дебди шаддодроқ шогирдлардан бири.

Маъмуржон ака одатдаги ҳозиржавоблик билан унга юзланибди.

– Сан ўзинг бекин, бугун қанжигларини қиришар экан.

Ровий: Турсунали полвон

